




# СТРАТЕГИК ТАҲЛИЛ АСОСЛАРИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат ва жамият қурилиши академияси

**СТРАТЕГИК ТАҲЛИЛ АСОСЛАРИ**  
**(ўқув қўлланма ва дастур)**



«Akademiya»  
Тошкент 2007

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат ва жамият қурилиши академияси

**СТРАТЕГИК ТАҲЛИЛ АСОСЛАРИ**  
**(ўқув қўлланма ва дастур)**



**«Akademiya»**  
**Тошкент 2007**

**Тузувчилар:** сиёс.ф.д., проф. Р.Жумаев,  
т.ф.н., доц У.Ҳайитов,  
сиёс.ф.н. Б.Хўжанов, О.Жумаев

**Тақризчилар:** фал.ф.д. М.Жакбаров,  
фал.ф.д., проф. Т.Жўраев

### Таҳрир хайъати

Назаров Қ.Н., Иргашев Ф.Р., Холбеков А., Пахрутдинов Ш.И.,  
Абулқосимов Ҳ.П., Аҳмедов О.М., Раҳимова Д.Н., Умаров Б.З.,  
Умарова Н.Т., Ҳасанов Р.Р.

### Стратегик таҳлил асослари (ўқув қўлланма ва дастур). «Akademīya» нашриёти. Тошкент – 2007й.

Ушбу қўлланмада стратегик ва сиёсий таҳлил асослари, унинг назарий ва амалий хусусиятлари, асосий тушунчалари, истиқболни белгилаш, сиёсий башорат, ихтилофлар, гуруҳий эксперт баҳолаш усуллари, стратегик моделлаштириш, Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг стратегик таҳлили масалаларининг айрим йўналиш ҳамда муаммолари ёритилган. Қўлланмада атамалар лугати ва ўқув дастури ҳам берилган.

Мазкур қўлланмадан соҳа мутахассислари, олимлар, давлат бошқаруви, ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари, йирик корхоналар раҳбарлари ва масъул ходимлари, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабалари фойдаланиши мумкин.

## Кириш

Ҳозирги замон сиёсий фанининг икки жиҳатини кўрсатиш мумкин: назарий ва амалий. Назарий қисмда сиёсий оламнинг умумий функционал қонуниятлари ва уни ўзгартириш воситалари, йўналишлари ўрганилса, амалий қисмда ҳозирги сиёсий амалиётда долзарб муаммоларни ечиш восита ва услублари ишлаб чиқилади. Айни пайтда, амалий қисмнинг муҳим хусусиятларга эга бўлишига қарамасдан, илмий сиёсатшунослигимизда бу масалага кам эътибор берилмоқда.

Ўзбек сиёсатшунослигида стратегик ва амалий таҳлил жараёнига энди киришилмоқда. Чунки бу ёндашув профессионал сиёсатшунослик билан боғлиқ бўлиб, унда сиёсий вазиятга баҳо бериш, сиёсий истиқболни белгилаш ва муҳим сиёсий қарорлар қабул қилиш муаммолари ёритилади. Давлат органларида таҳлил қилиш малакасига эга бўлган кадрларга эҳтиёж тобора ўсиб бормоқда, чунки йилдан-йилга бошқарув қарорларини қабул қилишда мақсадли таҳлил тизимидан илмий-амалий фойдаланишнинг ҳам аҳамияти ортмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ҳозир бизнинг биринчи навбатдаги вазифамиз амалга оширилган ишларни таҳлил қилиб, сифат жиҳатидан янги босқичда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги стратегиясини қабул қилишдан, унинг асосий вазифалари ва мақсадларини белгилаб олишдан иборатдир”<sup>1</sup>, деган сўзлари сиёсий ва стратегик таҳлилшунослик соҳасида ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Сиёсий тадқиқотчиликда фундаментал ёндашувлар билан бир қаторда амалий тадқиқотчилик ҳам муҳим

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т., “Ўзбекистон”, 1995, 15-бет.

ўрин тутади. Чунки унда кундалик сиёсий жараён таҳлил этиб борилади.

«Таҳлил» ёки «таҳлилшунослик» иборалари ва тушунчаси, унинг аҳамияти ва самараси ҳақида сўнги вақтларда иқтисод, сиёсат, маънавият ва мафкура соҳаларининг вакиллари томонидан кўп марта таъкидланмоқда, чунки ушбу масала жамият ҳаёти ва бошқарувида муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Умуман олганда, таҳлил ёки таҳлилшунослик ўзи нима? Бу саволга кўпчилик аниқ ва лўнда жавоб беришга қийналади.

Бундан ташқари, ушбу муаммо таҳлилчиларнинг ўзлари учун қийинчилик туғдиради. Бу ҳолат таҳлилшунослик соҳасида профессионал мактаб яратилмагани билан боғлиқдир. Бу жараён эндигина шаклланиб келаётгани учун ушбу йўналиш ҳақида айрим мутахассислардангина жўяли жавоб олиш мумкин.

Бошқарув тизимида таҳлил асослари фанини ўқитиш, ушбу йўналишдаги хорижий мутахассисларнинг хулосалари, илмий-тадқиқотлари ва давлат хизмати тизимида олиб борилаётган ишлар жараёнида олинган маълум тажрибалар ҳамда малака асосида сиёсий ва стратегик таҳлилнинг вазифаларини қуйидагича тавсиф этиш мумкин:

- ички сиёсий ва ташқи сиёсий воқеалар, вазиятлар, жараёнларни таҳлил этиш тизими;

- сиёсий вазиятлар ривожланишини башорат (прогноз) қилиш;

- сиёсий соҳада муайян қарорлар қабул қилишда тавсия бериш.

Умуман олганда, «сиёсий таҳлилшунослик – бу сиёсий соҳада маълум ҳолатлар, воқеаларни таҳлил қилиш тизими бўлиб, унинг ёрдамида мавжуд вазиятларда оқилона бошқарув қарорларини қабул қилиш мумкинлиги»ни таъминлаши билан характерланади.

Фанда «таҳлил» тушунчаси замирида фикрлаш муолажаси ҳамда маълум предметнинг (ходиса, жараён) аниқ бўлиниши, унинг хусусияти ёки қисмларининг ўзаро муносабати тушунилади.

Таҳлилий усуллар фанда кенг тарқалган бўлиб, «таҳлил» ибораси кўпинча тадқиқотлар синоними сифатида қўлланади. «Таҳлилшунослик» тушунчасида унинг таркибий қисми бўлган «таҳлил» айнан кенг қамровда қўлланилади.

Ушбу контекстда сиёсий таҳлил функциялари ўзида ташқи сиёсий ва ички сиёсий йўналишларни бирлаштиради, қуйида берилаётган тушунчалар орқали ўз ифодасини топади (бу кўпроқ давлат ҳокимияти тизимида тегишлидир):

- баҳолаш (муҳим воқеаларга баҳо беради. Масалан, янги йирик ижтимоий бирлашма тузилганда, муҳим сиёсий қарорлар қабул қилинган ҳолларда таҳлилчи уни баҳолайди, унга изоҳ беради);

- тадқиқий (мавжуд муаммо, жараёнларни таҳлил қилади. Масалан, ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш ва бошқалар);

- башоратли (мамлакатдаги вазиятнинг қандай кечиши ва ривожланишига оид тавсиялар беради. Масалан, Марказий Осиёдаги геосиёсий вазиятнинг ривожланиши ўрганилиб, тегишли хулосалар берилади ва бошқалар);

- тавсиявий (мавжуд вазиятнинг ҳолати, унинг истиқболлари бўйича тавсиялар беради. Масалан, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар, ўзини-ўзи бошқариш органлари ва касаба уюшмалари ўртасидаги муаммоларни ҳал этишнинг муқобил ечимлари тақдим этилади).

- огоҳлантирувчи (хавф-хатар, муаммоларнинг пайдо бўлиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиради. Масалан, Ўзбекистондаги техноген хавфсизлик вазиятларида фойдаланилади.);

- йўналтирувчи (хатти-ҳаракатлар, мулоҳаза юри-тишнинг умумий йўналишини беради. Масалан, глобаллашув ва унинг Ўзбекистонга таъсири.);

- ахборотли (воқеалар тўғрисида ахборот беради. Ма-салан, қўшни республикалар, дунёдаги айрим минтақа ва мамлакатлардаги вазиятлардан хабардор қилади);

- моделлаштириш (ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ривожланиш моделлари орқали жараёнларга таъсир ўтка-зиш. Масалан, сайловларда сиёсий партиялар ёки депу-татликка номзодларнинг ҳаракатларини белгилайди.).

Яна бир масала шуки, бу таҳлилшуносликнинг ама-лий фанлардан фарқ қилувчи томонлари мавжудлиги билан ҳам характерлидир. Жаҳон олимлари ўртасида “Таҳлилшунослик – заифлашган фандир” деган қараш ҳам мавжуд. Сиёсий таҳлилшунослик амалий сиёсатшуносликка яқин фандир. Лекин сиёсий таҳлилшунослик амалий сиёсатшуносликдан нисбатан юзакироқ бўлган-лиги билан фарқланади, лекин бу унинг аҳамиятини па-сайтирмайди, балки амалий характерга эга эканлигини эътиборга олиш керак.

Сиёсий амалиёт таҳлили имкониятларини ҳисобга олмаслик сиёсатшунослар фаолиятида, хусусан, сиё-сий қарорлар қабул қилишда, турли вазиятда оптимал ёндашувнинг юзага келишида, сиёсий истиқболни бел-гилашда, сиёсий ҳужжатларни шакллантиришда ва баъзи сиёсий институтлар яшовчанлигини таъминлай олмас-лик борасида камчилик келтириб чиқармоқда.

Буларнинг барчаси сиёсий қарор қабул қилиш тизи-мини такомиллаштиришни тақозо этади. Буни оқилона ҳал қилишнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида стратегик таҳлилни кўрсатиш мумкин. Сиёсий страте-гик таҳлил – муайян сиёсий воқелик ва сиёсий вазиятни ўрганиш воситасида ишлаб чиқиладиган турли илмий

услуглар мажмуи, оқилона сиёсий қарорлар қабул қилиш учун таклифлар мажмуини ишлаб чиқиш жараёнидир. Сиёсий фаолиятни такомиллаштиришда сиёсий таҳлил амалий сиёсатнинг таркибий қисми сифатида имконият ярата олади.

Ҳозир стратегик таҳлил шундай амалий тавсияларни бера олади. Шу ўринда икки масалага эътибор қаратиш лозим: биринчидан, амалий сиёсатшунослик имконият-ларини ўрганиш; иккинчидан, сиёсий амалиётда қўллаш учун сиёсий таҳлил услубларини ишлаб чиқиш. Мазкур қўлланмада ушбу соҳага оид тушунча ва иборалар, таъ-лимот ва ёндашувлар, шунингдек, стратегик таҳлил услублари, манба ва йўналишлари хусусида мулоҳаза юритилади.

## СИЁСИЙ ТАҲЛИЛ ПРЕДМЕТИ

### “Сиёсий таҳлил” атамасини тушунтиришга доир ёндашувлар

#### “Сиёсий таҳлил” атамасини тушунишга доир биринчи ёндашув

Етук сиёсатшунос учун сиёсий таҳлил услубини ўзлаштириш касб маҳоратининг муҳим белгисидир. Баъзида “таҳлил” иборасининг турли фан соҳаларида мантиқли фикр сифатида талқин этилиши қизиқарлидир. “Таҳлил” тушунчаси (грекча “analysis”) “баён қилиш” маъносини англатади ва объектни қисм ҳамда бўлақларга ажратиб, ўрганишни билдиради. Мантиқий таҳлил ёрдамида ўрганилаётган объектнинг тузилиши билиб олинади (бу ҳол алоҳида предмет, ҳодиса ёки жараён сифатида намоён бўлади), унинг тузилиши номавжудликдан мавжудлик тарзида ажратиб олинади. Мантиқий таҳлил ва синтез (таҳлил натижасида олинadиган барча маълумотларни бирлаштириш) ўрганилаётган объект ҳақида тўлиқ ҳамда аниқ тасаввур беради. Бу услуб фан соҳаларида, жумладан, сиёсатшуносликда ҳам кенг қўлланади. Натижада “сиёсий таҳлил” тушунчасини янада аниқлаштиришга зарурат туғилади.

Сиёсий фанларда “сиёсий таҳлил” атамасига доир фикрларни икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчисида сиёсий муаммоларни фундаментал ўрганишдаги мантиқий таҳлилнинг синоними (маънодоши) деб тушунилади. Бундай ёндашув вакилларида бири машҳур сиёсатшунос Р.Поль ҳисобланади. Унинг “Ҳозирги замон сиёсий таҳлили” асарида сиёсатшуносликнинг назарий муаммолари, яъни сиёсий институтларнинг функционаллашуви, сиёсий тизим турлари, сиёсий ҳокимият

табиати ва сиёсий қадриятлар таҳлил этилган. Шу боис бу қўлланма назарий сиёсатшуносликнинг асосий манбаларидан бирига айланган. Аммо, эътиборли жиҳати шундаки, муаллиф амалий сиёсатшуносликни назарий сиёсатшуносликдан кейинги ўринда турувчи омил сифатида баҳолайди. Америкалик таниқли сиёсатшунос олим Р.Даль бу тушунчани “умумий принципларни қабул қилишда, сиёсат фалсафасининг мавҳум жиҳатларини тушунишда қўлланувчи атама” деб изоҳлади. Аниқроқ айтганда, Р.Даль амалий сиёсатшуносликнинг вазифаси — фундаментал сиёсий назарияни амалиётга татбиқ этишдир. Шу сабабли сиёсий таҳлил вазифаси назарий сиёсатшунослик зиммасига юкланган.

Яна бир америкалик сиёсатшунос Д.Истон “сиёсий таҳлил” тушунчасини шундай талқин этади. Олим “Мумтоз сиёсий фикрлар ва сиёсий таҳлил” тўпламининг муҳаррири сифатида (у “Инглевуд Клиффс” нашриётида чоп этилади) унда сиёсий фанлар назариясига оид мақолалар бериб боради.

Баъзан айрим назарийчи олимларнинг “сиёсий таҳлил” тушунчасига менсимай қарашларига дуч келамиз. Бу мазкур атамага нисбатан иккинчи ёндашувда намоён бўлади. Бу ёндашувни ёқлаб чиқаётган олимларнинг аксарияти атамани таҳлилий имкониятлари жиҳатидан заиф деб ҳисоблайди. Бироқ сиёсатшуносликнинг кейинги ривож бундай мулоҳазаларнинг чекланганини кўрсатди. Аксинча, сўнгги вақтда амалий сиёсий тадқиқотлар йўналишига бўлган қизиқиш ортиб бормоқда.

## “Сиёсий таҳлил” атамасини тушунишга доир иккинчи ёндашув

Бу ёндашув вакиллари сиёсий фанларнинг “дуа-лизм”га эга эканини тан олишса-да, сиёсий тадқиқотларнинг назарий ва амалий жиҳатларга бўлишда сиёсий таҳлил йўналишини ҳисобга олишмайди, улар сиёсий назариянинг фундаментал тадқиқотчилик ва амалий сиёсатга таҳлилини сиёсат амалиёти сифатида қарайди.

Бундай ёндашув, айниқса, россиялик сиёсатшунос олимларга хос. Масалан, А.Дегтярев сиёсий фанни икки даражага, сиёсий таҳлилни эса икки турга бўлади. Бу каби ёндашувни Ғарб олимлари тадқиқотларида ҳам учратиш мумкин. Масалан, В.Дан сиёсий таҳлилни “сиёсий жараён ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш” деб ҳисоблайди. У илмий ишлаб чиқаришни фундаментал тадқиқотчилик сифатида тушунади, чунки сиёсий институтлар фаолиятида қўлланадиган асослар яратиш унинг моҳиятини ташкил қилади. Сиёсий назарий эмпирик материал асосида сиёсий тизимни кузатувчи ва механизмлар вазифаларини ишлаб чиқувчи деб ҳам ҳисобланади. Сиёсий фанда ишлаб чиқариш амалий сиёсат билан боғлиқ ҳодисадир. Бундай ёндашув билан В.Дан сиёсий таҳлилнинг амалий ва назарий жиҳати мавжудлигини уларни бир-биридан фарқлаш лозимлигини таъкидлайди. Бундай ёндашув сиёсий жараённи муайян мезон сифатида қабул қилишда кўзга ташланади. Назарий ва амалий сиёсатшуносликни фарқлаш эса “сиёсий таҳлил” тушунчасини аниқлаб олишда асқотади. Чунки “амалий сиёсий таҳлил” ва “назарий сиёсий таҳлил” тушунчалари ўз даражасига эга.

## Амалий ва назарий сиёсий тадқиқотларни фарқлаш

### Мақсад ва объект бўйича фарқи

Назарий ва амалий сиёсий тадқиқотларни фарқлаш учун қалит вазифасини ўтайдиган масала – уларнинг бош йўналиши ва муаммоларини ўрганишга асос бўлган объектга эътибор қаратишдир. Америкалик сиёсатшунослар Ж. Мангейм ва Р.Ричларнинг қарашларига кўра, амалий сиёсатшунослик ижтимоий эҳтиёжларни қондирадиган муаммоларни ўрганади. Шу сабабли бу соҳа хулосалари “муайян масалани ҳал қилишда кўмак беради, жамият олдида турган долзарб муаммолар ечимини топишга хизмат қилади”. Фундаментал (назарий) сиёсатшунослик эса “муайян эҳтиёжни, яъни ҳодисани англашдаги энг яхши назарий жиҳатларни тадқиқ этади”. Амалий ва назарий тадқиқот объектини бундай тушунтиришга интилишдаги умумийлик, ҳатто амалий сиёсатшуносликнинг ҳозирги сиёсий жараён билан боғлиқлигида намоён бўлади. Фикримизча, амалий тадқиқотлар сиёсий жараён олдида турган долзарб муаммоларни ўрганишга йўналтирилиши лозим. Айнан шу масала унинг асосий мақсади бўлиши керак. Амалий сиёсатшунослик дуч келадиган муаммоли вазиятлар, одатда, замон ва маконнинг кескин талабидан иборат бўлиб, бу амалий сиёсатшуносликнинг долзарблик хусусиятини вужудга келтиради. Шундай қилиб, ҳозирги сиёсий амалиётнинг муаммоли вазияти ва унинг ҳал қилиш чораларини қисқа муддатда ишлаб чиқиш жараёнини амалий сиёсатшуносликнинг объекти сифатида кўрсатиш мумкин.

Назарий тадқиқотчиликнинг вазифаси нисбатан фундаментал муаммоларни ўрганиш бўлиб, у сиёсий олам вазифалари механизмларини ишлаб чиқишга йўналти-



рилади. Одатда, бу муаммони ҳал қилишда сиёсий жараён кенг қўламда тадқиқ қилинади: назарий-сиёсатшунос ўз фаолиятида замон ва макон хусусиятлари нуқтаи назаридан қатъий чекланмайди, шу сабабли у замонавий сиёсий тизимни аввалги сиёсий тизимларга қиёслаш имкониятига эга бўлади; уни замон, макон ва жуғрофий хусусиятлар чеклай олмайди. Зеро, назарий сиёсатшунослик объекти сифатида ўтмиш ва замонавий сиёсий тизимларда содир бўлган ва бўлаётган ҳодисалар мажмуини ўрганиш ҳамда унинг сабаб-оқибатларини кўрсатиб бериш мумкин. Сиёсий ҳолатни бу ўринда ҳуқуқий ёки журналистик нуқтаи назардан таҳлил қилаётганимиз йўқ, аксинча, кенг қўламда – сиёсий тизим ва институтларни юзага келтириш ҳамда сиёсий тизимнинг функционал вазифаларини таркиб топтириш маъносида тушунмоқдамиз.

Бундан ташқари, сиёсатшунослар томонидан ишлаб чиқилган назарий конструкцияларни ҳам назарий сиёсатшунослик объектига киритиш мумкин. Бу объект назарий сиёсатшуносликнинг махсус тадқиқот қисмини ташкил қилади, яъни унда муайян даврда устувор бўлган сиёсий фикрлар ва сиёсий намунавий амалиётлар (парадигмалар) тадқиқ этилади. Бироқ сиёсий фанларда тутган аҳамиятига кўра, бу тадқиқотни иккинчи даражали деб ҳисоблаш мумкин. Чунки у ўтмиш сиёсий тафаккур тизимини тушунтириб беришга йўналтирилган бўлади.

Сиёсатшуносликнинг бу икки тури сиёсий жараёнда иштирок нуқтаи назаридан фарқланади, унинг асосий тадқиқ йўналишига диққат қилиш лозим. Негаки, амалий сиёсатшунослик муаммоли вазиятга доир долзарб масалаларни ўрганиши билан сиёсий жараёнда фаол иштирок этади, у бошловчи жараён сифатида фундаментал (назарий) тадқиқотчилик учун материал беради. Демак, амалий сиёсатшунослик социумнинг (ижтимо-

ий-сиёсий шахснинг) сиёсий ҳаётдаги фаолиятини ўзгартиришга таъсир кўрсатадики, бу сиёсий-назарий тадқиқотчилик объектининг шаклланишига олиб келади.

Таъкидлаш лозимки, бизнинг бу нуқтаи назаримиздан фарқли ўлароқ, сиёсатшуносликда амалий ва назарий сиёсатшуносликни фарқлаб кўрсатувчи муқобил вариантлар ҳам бор. Масалан, канадалик сиёсатшунос А.Пал сиёсатшуносликнинг бу икки турини тан олган ҳолда амалий ва назарий сиёсатшунослик турли сиёсий жараёнлар элементларини ўрганишга йўналтирилган деб ҳисоблайди. Шу сабабли олим муайян сиёсий ҳолатларни ўрганиш ва унинг натижаларига эътибор қаратади. Бу борада у қуйидагиларни таъкидлаб кўрсатади: 1) иқтисод, маданият, сиёсий партиялар, жамоатчилик фикри ва гуруҳларнинг қизиқишлари; 2) сиёсий жараёни ўрганиш учун вазифа қўйиш ва унинг ечимини топиш; 3) муайян сиёсий курс ёки сиёсий-ижтимоий тизим, иқтисодиёт йўналишларини амалиётга татбиқ этиш. А. Палнинг фикрича, назарий сиёсатшунослик сиёсий режа ва ҳолатлар билан мослашади, амалий сиёсатшунослик сиёсий режа ва унинг натижалари ўртасидаги муносабатни ўрганади.

Бироқ бу фикрни тўлиқ қабул қилмаслик лозим. Чунки назарий сиёсатшунослик муайян сиёсатнинг иқтисод, жамятнинг ижтимоий ва сиёсий тизимида амалиётга татбиқ этилган жараён натижаларини эътибордан четда қолдирмайди, бундай шароитда амалий сиёсатшунослик ҳам сиёсатчиларнинг ҳолатларини ўрганишни назардан қочирмайди. Шу маънода амалий ва назарий сиёсатшунослик объектларини турлича белгилаш ишончсиз бўлиб қолади, хусусан, бу икки соҳа сиёсий жараённинг барча босқичларини ўрганади. Айни пайтда, биринчидан, турли мақсад бўйича, иккинчидан, турли замон ва макон нуқтаи назаридан сиёсий жараёнларни ўрганади.

## Субъект бўйича фарқи

Назарий ва амалий сиёсатшунослик субъект бўйича ҳам фарқланади. Назарий сиёсатшуносликнинг субъекти, аввало, сиёсатшунос олимларни ўзида бирлаштирган йирик университет ва институтлар ҳисобланади. Амалий сиёсатшунослик субъекти эса фирмалар ёки давлат ташкилотларининг таҳлилий марказлари ҳисобланади (бундай таснифлаш қуйида батафсил изоҳлаб берилади).

Шунингдек, тадқиқотнинг бевосита субъектлари бўлиши мумкинлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Биз уларни буюртмачилар деб атаймиз. Бундай буюртмачи амалий сиёсатшуносликдан муайян долзарб муаммолар бўйича таҳлил ёки маслаҳатлар олишни истайди. Бунда буюртмачи аниқ субъект сифатида намоён бўлади, назарий сиёсатшуносликда эса буюртмачи мавҳум субъектга айланади. Шунинг учун кўпчилик сиёсатшунослар “Харидор” мақомини белгилашда мураккабликка дуч келади. Масалан, Д.Веймер ва А.Вай “Буюртмачи” деганда назариячи олимларнинг ўзини назарда тутди ва уларни “ижтимоий шахс ҳақида ҳақиқатни билувчи илмий жамоатчилик” деб атайди. Бироқ бундай тушунишни ҳақиқат сифатида қабул қилиш қийин. Чунки америкалик мутахассислар фикрича, олимларнинг ўзлари буюртмачи бўлиб чиқмоқда. Аксинча, жамиятнинг ўзи буюртмачи бўлиши керак. Чунки жамият сиёсий олам механизмлари функционал вазибаларидан хабардор бўлишни истайди. Бу даъвони университет ва институтларнинг фундаментал тадқиқотчилик билан шуғулланиши ҳамда давлат томонидан молиялаштирилиши ҳам исботлайди. Ҳолбуки, назариячи олимларнинг ўзлари ҳам солиқ тўловчи ҳисобланади.

Шундай қилиб, назарий ва амалий сиёсатшуносликни қуйидагича тасаввур қилиш мумкин:

## 1-жадвал

### Назарий ва амалий сиёсатшуносликнинг фарқли тамойиллари

Қиёс мезонлари	Назарий сиёсатшунослик	Амалий сиёсатшунослик
Мақсад	Сиёсий олам механизмларининг функционал механизмларини очиш	Сиёсий ҳолат олдида турган долзарб муаммолар ечимини топиш
Объект	Замон ва макон нуқтаи назаридан қатъи назар, сиёсий жараёнлар	Замон ва макон нуқтаи назаридан қатъий муаммолардан иборат вазиятлар
Сиёсий жараёнда иштирок этиш	Кенг маънода пассив	Кенг маънода фаол
Субъект	Махсус илмий бирлашмалар (университет ва институт) олимлари	Махсус илмий марказлар ёки давлат тузилмаларида ишловчи шахслар
Билвосита субъект (буюртмачи)	Ижтимоий шахс	Сиёсий ҳолатлар

## Назарий ва амалий тадқиқотчилик таҳлили

### Сиёсий таҳлилни ажратиш асослари

Назарий ва амалий сиёсатшуносликни фарқлаш сиёсий таҳлил асосларини аниқлаштириб боради. Зеро, агар “амалий сиёсий таҳлил” ва “назарий сиёсий таҳлил” атамаларини ишлатсак, бу билан биз жиддий методологик феноменни эътироф этган бўламиз. Шу маънода, назарий ва амалий сиёсатшунослик тадқиқотларида ишлатиладиган таҳлилий ёндашувлар бошқа фанларда ишлатилмаслигини асослаб беришимиз лозим бўлади.

Авалло, фундаментал (назарий) тадқиқотчилик ҳақида. Бу тадқиқотчиликда сиёсий ҳодисалар сабабини очиқда мантиқий таҳлил усулидан фойдаланилади. Бундай ҳолларда сиёсий таҳлил назарияси ҳақида эмас, балки назарий сиёсатшуносликда қўлланиладиган мантиқий таҳлил хусусида фикрлаш ўринлидир.

Бундай ёндашув Ж. Мангейм ва Р.Ричларнинг сиёсий назария таркибига доир баёнида яққол намоён бўлади. Улар сиёсий назарияни таркиб топтиришда асосан индукция ва дедукция услубларига урғу беради. Бироқ бу услублар умумилмий ҳисобланиб, барча фанларда фойдаланилади. Шу сабабли уларни фақат сиёсий таҳлилга хос деб бўлмайди.

Ж. Мангейм ва Р.Ричларнинг сиёсий тадқиқотчиликда индукция ва дедукция услубларидан фойдаланишлари тасодиф эмас, у мантиқ илми тажрибасидан олиниб, сиёсий тадқиқотчиликда истифода этилган. Зеро, америкалик сиёсатшунослар индукцияни (хусусийликдан умумийликка ўтишни) мантиқ қондасига биноан қўллайди. Бундай ҳолатда сиёсий категориялар бир мантиқ ишига тизилади. Масалан: “Барча афроамериканлар Миддлта-

унда баскетбол ўйнашни билади, демак, барча афроамериканлар баскетбол ўйнашни билади”. Бундай ҳолатда мисол сиёсий кучини йўқотди ва индукция аниқ маънони бера олмади. Шунинг учун, мантиқ услубларидан (айнан индукция ва дедукция) фойдаланиш билан чекланиш мақсадга мувофиқ эмас.

Айни вақтда “назарий сиёсий таҳлил” атамасини қўлловчилар талқинни ўзгача тақдим қилишлари мумкин. Яъни, бу атама турли сиёсий амалиётларни таҳлил қилишда ягона услуб бўлмоғи шарт. Албатта, сиёсий ҳодисани марксистик ёки бихевериолистик мактаблар нуқтаи назаридан баҳолашда турлича ёндашиш лозим. Бироқ назарий сиёсий таҳлил, бу услуб бошқа фан соҳаларида кенг қўлланилмаса, кенгроқ имконият бериши мумкин, натижада умумижтимоий таҳлил мактабларида алоҳида ўринга эга бўлади.

Айни пайтда, ижтимоий-гуманитар фанлар таркибидан сиёсатшуносликнинг ривожланаётганлиги, унинг шартли услубларга асосан тараққий эттириб бўлмаслигини кўрсатади. Буни тушуниш учун XX аср сиёсий фанининг тадрижий ривожига қараш kifоядир. Зеро, Иккинчи жаҳон уруши давригача бўлган сиёсатшуносликда қатъий рационалистик йўналишни тавсия этувчи сиёсий таҳлил кўзга ташланади. Шунингдек, сиёсатшуносликни табиий фанлар даражасига олиб чиқувчи сиёсий қонуниятга қатъий амал қилиш анъана бўлган. Бундай ёндашув барча гуманитар фанлар учун хос бўлиб, уларга О.Кантнинг ғоявий таъсири кучли бўлган. Зеро, О.Кантни мутлақ сиёсий мутафаккир деб бўлмайди. Шу маънода Иккинчи жаҳон урушигача ва ундан кейинги дастлабки йилларда позивитистлар томонидан қўлланилган ғоялар умумгуманитар фанларга тегишлидир.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда позивитистларнинг инқирози барча умумгуманитар фанларга,

жумладан, сиёсатшунослик ривожига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Унда позивитистларнинг услубини сиёсатшуносликда қўллаб бўлмасликни кўрсатди ва бу муқобил сиёсий ёндашувлар келиб чиқишига олиб келди. Улардан бири кундалик ёки бихевериолистик ёндашув бўлиб, у сиёсий фаолиятни психологик мотивациялар асосида таҳлил қилишга киришди. Бироқ бу ёндашув 1913 йилда психологиянинг йўналиши сифатида пайдо бўлганлиги билан сиёсий феномен бўла олмайди. У психологиянинг таҳлилий қарашларини қабул қилган, холос.

Ҳозирги замон сиёсатшунослик назарияси услубий намуналарини таҳлил қилиш кўрсатадики, улар нафақат сиёсий тадқиқотчиликда қўлланилмоқда, балки барча гуманитар фанлар контексти учун кўп томонламаликни туғдира олмайди. Масалан, қиёсий таҳлил услуби бир неча жамиятшунослик фанларида, аввал социологияда, сўнгра сиёсатшуносликда қўлланди. Бу ўринда тизимли таҳлил социология ва иқтисодда кенг қўлланилганини, шундан кейингина уни сиёсатшунослик қабул қилганини унутиб бўлмайди.

Маълумки, бугунги кунда маданий ёндашув ҳам омаллашиб бормоқда. Мазкур услуб ҳам бошқа гуманитар фанлардан олиниб, сиёсий материал таҳлилига татбиқ этилмоқда. Муайян халқ ёки миллат сиёсий маданиятининг асослари маданиятга оид тадқиқотнинг тарихий услуб асосида далиллаб берилишига биноан кўрсатилиб, унга сиёсий тус берилади, холос. Ушбу ёндашувда таҳлилий услуб тарих ва маданиятшуносликдан олинади. Ўзга томондан, у бихевиоралистик йўналиш касб этиб, индивиднинг сиёсий хулқ-атвори унинг миллий ва ижтимоий хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланмоқда. Демак, маданий ёндашув ҳам психология услубларидан истифода этилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, сиёсий назариячи олимлар

фалсафа, антропология ва социология соҳаларида ҳам фаолият кўрсатишган. К.Маркс, М.Вейер, Э.Дюркгейм ва Ю.Хабермасларни социология ҳам “ўзиники” ҳисоблаши бежиз эмас. Бу – гуманитар фанларда методологиянинг умумий бўлишини, булар эса позивитик, кундалик, систем, марксистик, функционал тузилиши, маданий ва компаратив ёндашув каби услубларнинг мавжуд эканлигини кўрсатади. Зеро, сиёсий таҳлилда умумгуманитар фанлар услубларидан фойдаланиш билан чекланиб қолиш ҳеч қандай натижа бермайди.

### Сиёсатшунослик услублари ҳақида фикр-мулоҳазалар

Таъкидлаш лозимки, ҳозирги замон сиёсатшунослик илмида уч услуб асосий ўрин тутаяди. Биринчиси умумий услуб бўлиб, у гуманитар ва табиий фанларга бирдек тегишлидир.

Иккинчи гуруҳ услубларига объектни ўрганиш ва баҳолашдан келиб чиқиб ёндашилади. Буни юқорида кўрдик ва у фақат сиёсий фанларгагина тегишли эмаслигини аниқладик.

Учинчи гуруҳ услублари борасида сиёсатшунослар орасида яқдиллик йўқ. Баъзилар эмпирик услубни хуш кўради, маълумот йиғиш услуби сиёсатшуносликка эмас, балки социологияга тегишлидир, дея фикр билдиришадди. Лекин амалий сиёсатшунослик фақат эмпирик материал йиғиш билан шуғулланиши ҳам маълум.

Ўзга тадқиқотчилар сиёсатшунослик фани ишлаб чиққан услубларга риоя қилишни уқтиради. Бироқ бундай услубларни кўрсатишда мураккаблик келиб чиқаяди, чунки уларнинг кўпчилиги амалий сиёсатшуносликка тегишлидир. Баъзилар назарий сиёсатшуносликнинг таҳлилий ёндашуви мавжудлигини рад эти-

шади. Уларнинг фикрича, назарий сиёсатшунослик ўз услуги ва техникасига эга эмас, у ўз тадқиқот объектига қараб, муайян фан услуги ва техникасини қабул қилади.

### **Амалий сиёсий таҳлилнинг методологик кўламдорлиги**

Сиёсий таҳлилни назарий ва амалий қисмларга бўлиш у қадар тўғри эмас. Сиёсий таҳлил деганда хусусий амалий сиёсий таҳлилни тушуниш лозим. Тўлиқ ишонч ҳосил қилиш учун амалий сиёсий таҳлил услубий жиҳатдан кўламдорликни рад этишига эътибор бериш лозим.

Таъкидлаш лозимки, психология ва бошқарув назарияси фанларидан амалий сиёсий таҳлил асосланган услублар ўзлаштирилган. Шу маънода, амалий сиёсий таҳлил ўз махсус услубларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилмаган. Бир томондан, амалий сиёсий таҳлил услублари ривожланиш босқичидан ўтган ва сиёсий таҳлил спецификасига мослашиб, янги сиёсий таҳлил касб этди. Бу кўп ҳолларда амалий сиёсий таҳлил спецификасига хос мавжуд сиёсий амалиётга қатъий ва аниқ ёндашувлар билан боғлиқдир. Шу маънода, амалий сиёсий таҳлил ўз тадқиқотчилиги услубларини таъсис эта олди. Улар, биринчидан, “ўз табиати”га кўра, индивидуал, иккинчидан, ўзга фанларда қўлланилмайдиган хусусиятга эгадир. Зеро, амалий сиёсий таҳлил назарий тадқиқот объектини аниқлашда ҳам, эмпирик материалларни қайта ишлашда ҳам иштирок этади. Демак, амалий сиёсий таҳлилнинг имкониятлари катта.

## **Сиёсий таҳлил кўлами**

### **Сиёсий таҳлилни тушунишга доир ёндашув**

Амалий сиёсий таҳлил кенг имкониятларга эга ва айнан “сиёсий таҳлил” деганимизда амалий таҳлилни тушунишимиз керак. Сиёсий таҳлилни икки босқичга бўлиш шарт эмас. Бундай ёндашув “сиёсий таҳлил”га нисбатан учинчи муносабатни билдиради ва у аниқ специфик хусусиятга эгадир.

Алоҳида таъкидлаш керакки, биз назарий сиёсий тадқиқотчилик ролини пасайтирмақчи эмасмиз. Бу ўринда амалий сиёсатшунослик тадқиқот объектини танлаш ва аналитик ёндашувда махсус хусусиятга эга эканини таъкидламоқчимиз, холос.

### **Сиёсий таҳлилнинг тузилиши**

Ғарб сиёсатшунослик илмида сиёсий таҳлилни амалий таҳлил сифатида тушуниш кўп учрайди. Масалан, А.Владавский “Ҳокимият ҳақида ҳақиқатни айтаман: сиёсий таҳлил санъати ва маҳорати” китобида сиёсий таҳлилни замонавий сиёсий жараён олдида турган долзарб сиёсий муаммолар ечимини берувчи ҳолат, деб баҳолаган. Шу сабабли у, сиёсий таҳлил – амалий фан, дея аниқ таъриф беради.

Д.Вейнер ва А.Вайнинглар ҳам сиёсий таҳлилга таъриф беради. Уларнинг фикрича, сиёсий таҳлил – харидорга йўналтирилган маслаҳатлар бўлиб, унда оммавий қарорлар қабул қилиш ва ижтимоий қадриятларни белгилаш ўз ифодасини топиши зарур. Бу фикрда амалий сиёсатшунослик ўз аксини топган бўлиб, унда харидорга аниқ йўналиш бериш ва сиёсий қарор қабул қилишда бевосита иштирок этиш мавжуд. Шундай қилиб, Д.Вейнер ва А.Вайнинглар сиёсий таҳлилни бевосита амалий тадқиқотчилик билан боғлайди.

В.Вильямс ҳам сиёсий таҳлилни ўзига хос тарзда тушунади. Унингча, сиёсий таҳлил “информация кўламини синтезлашдир (унга тадқиқот натижаси ҳам кирди) ва ундан сиёсий қарор қабул қилишда ҳамда маълумот олувчи учун сиёсий истиқболни белгилашда фойдаланилади”. В.Вильямс сиёсий қарор қабул қилишда сиёсий таҳлил таъсирини юқори баҳолайди ва фаннинг амалий жиҳатига урғу беради.

Ғарб олимлари замонавий сиёсий жараёнларда долзарб масалалар бўйича сиёсий қарор қабул қилишда сиёсий таҳлилнинг аҳамиятини тўғри таъкидлаб кўрсатади. Айти пайтда, сиёсий қарор қабул қилишда икки омил муҳим:

1) сиёсий жараён таҳлили; 2) уни тараққий эттиришга оид таклиф бериш. Шу маънода В.Вильямс сиёсий таҳлилнинг истиқбол режасини асослаб беришга ҳаракат қилган, бироқ у бу борада кўпгина бирёқламаликка йўл қўйган. Чунки сиёсий таҳлил нафақат маълумотлар истиқбол режасини бериш билан, балки ҳодисаларни таҳлил қилиш билан ҳам шуғулланади. Бундан ташқари, сиёсий таҳлил қарор қабул қилиш йўналишлари, янги муаммо олиш тартиблари ва бир неча истиқбол режаларини ишлаб чиқади.

Шундай қилиб, бизнингча, сиёсий таҳлил қуйидаги таркибий қисмларни қамраб олади: сиёсий жараённи таҳлил қилиш, унинг истиқболли режаси ва маъқул сиёсий қарор қабул қилиш йўлларини ишлаб чиқиш. Булардан келиб чиқиб, сиёсий таҳлил турли услублар тўплами бўлиб, у ёрдамида аниқ сиёсий ҳолат таҳлилинини амалга ошириш ва унинг тараққий йўлларини ишлаб чиқиш ҳамда сиёсий қарор қабул қилишда фойдаланиш мумкин.

## “Public policy analysis” ва “political analysis” атамаларининг таржимаси ҳақида

«Сиёсий анализ» атамасининг мундарижасини белгилашда бир неча сўзнинг моҳиятини ўрганиш муҳим ўрин тутди. Жумладан, “сиёсий таҳлил” атамасини инглиз тилига икки хил таржима қилиш мумкин. Булар: “public policy analysis” ва “political analysis” сўзларидир. Ҳар иккала сўз ҳам ўзбек тилида “сиёсат” маъносини англатади. Инглиз тилида эса бу сўзлар турли маъноларда ишлатилади. Шу сабабли америкалик сиёсатшунослар “сиёсий таҳлил” деганда “political analysis”ни ишлатишади, ўзгалар эса “political analysis” атамасини сиёсий жараённи таҳлил қилиш маъносиде ишлатишади.

Демак, Ғарб олимларида ҳам бу атамаларни ишлатишда яқдиллик йўқ.

## Сиёсат – “public polic” ва “politics” сифатида

Аввало, Ғарб сиёсатшунослари “public polic” атамасини ишлатганда қандай маъно тушунишлари билан танишиб чиқамиз. Бу атама қўлланилганда асосан давлат тузилмалари томонидан амалга оширилган аниқ тадбирлар кўзда тутилади. Масалан, А.Пал бу атамани “сайлаб қўйиладиган ҳокимиятнинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлик курси ва муаммони гуруҳ томонидан ечишга йўналтирилган омил” сифатида ишлатади. Ж.Мангейм ва Р.Ричлар уни “ҳокимият ходимларининг аниқ жадвал бўйича ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги” маъносиде ишлатади. “Брунсвик” нашриётининг сиёсий луғатида бу атамага “сайлаб қўйилган ёки тайинланган давлат хизматчиларининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларига асосан амалга ошириладиган фаолиятлари мажмуи” деб изоҳ берилган.

Аниқ сиёсий курс амалий сиёсатшунослик томонидан кўриб чиқилади, лекин у ягона объект эмас. Фик-

римизча, биз амалий таҳлил жараёнида турли хатти-ҳаракатларни ҳам ҳисобга олишимиз керак. Масалан, парламент ўз вакилларига эга бўлмаган сиёсий партияларнинг раддияси ва эътирозлари каби хатти-ҳаракатлар шулар жумласидандир. Уларнинг фаолияти “public policy”га кирмайди. Шунингдек, муайян ҳукуматнинг сиёсий курси ҳам умум қизиқишни ифодаламаслиги мумкин. Натижада “public policy” назарий сиёсатшунослик объектига айланиб қолади.

“Politics” атамаси ҳам “public policy” сингари муайян маънога эга. Бироқ бу атама, асосан, жамиятда ҳокимиятнинг тақсимланиши шароитида шахс ва гуруҳларга бўлган муносабат маъносида ишлатилади. Бу муносабатда муайян зиддиятларнинг бўлиши табиий ҳол. Шу маънода Винтерс ва Бенноуз “politics” атамасини “муайян мақсадга интилувчи кишиларнинг кураши ва унинг натижасида қадриятларни авторитар тарзда тақсимлаш” маъносида ишлатишади. Америкалик сиёсатшунос К.Райт эса бу атамани “сунъий таъсир, қамраб олиш ва сиёсий гуруҳларнинг уюшган куч сифатида назорат қилиши ҳамда муқобил кучларга қарши ҳолат” маъносида қўллайди.

Таҳлиллар кўрсатадики, “politics” атамаси ҳам “public policy” атамаси каби сиёсатшуносликка хос тушунча эмас. Шу маънода, бу атама ҳам назарий, ҳам амалий сиёсатшуносликка оид тушунчадир.

### **Сиёсий таҳлил – “political analysis” ва “public policy analysis” сифатида**

“Political analysis” атамаси назарий, “public policy analysis” атамаси эса амалий сиёсатшуносликка хос тушунчалар эмас. Чунки кўп олимлар “political analysis” атамасини “назарий таҳлил” маъносида ишлатишади.

Фикримизча, “сиёсий таҳлил” атамаси “public policy and political analysis” (сиёсатнинг амалий сиёсий таҳли-

ли) тушунчасини ифодалайди. Чунки “public policy analysis” ва “political analysis” атамалари сиёсий таҳлил маъносида тўлиқ ифодаланмайди.

Айни пайтда, “public policy and political analysis” атамаси Ғарб сиёсатшунослигида учрамайди. Лекин бу атамани сиёсий таҳлил маъносида ишлатишдан чўчмаслигимиз лозим.

### **Сиёсий таҳлилнинг асосий босқичлари ва унинг субъектлари. Сиёсий вазият таҳлили**

Сиёсий таҳлил мазмунини чуқурлаштириш ва тўлдириш учун унинг муайян босқичларини таҳлил қилишимиз лозим бўлади.

#### **“Сиёсий вазият” тушунчаси**

Сиёсий таҳлилнинг биринчи босқичи вазиятни таҳлил қилишдан иборатдир. Вазиятни таҳлил қилиш – сиёсий таҳлил биносининг ўзига хос пойдеворидир. Сиёсий оламдаги мавжуд вазиятни таҳлил қилмасдан, истиқболни белгилаб ёки сиёсий қарор қабул қилиб бўлмайди. Шу маънода, бинонинг бақувват бўлиши учун унинг пойдеворига жиддий эътибор бериш лозим, албатта. Шунингдек, сиёсий таҳлилда вазиятни ҳисобга олмаслик хатолар келиб чиқишига сабаб бўлади. Демак, вазиятни изчил таҳлил қилиш шарт.

Сиёсий вазият деганда, биз сиёсий тизим ҳолати ва муайян даврда унинг тузилмалари ўзаро ҳамкорлигини назарда тутамиз. Шундай қилиб, сиёсий вазиятни тўлиқ таҳлил қилиш ҳозирги жамият сиёсий тизимининг барча жиҳатларини қамраб олиши лозим. Замонавий амалий сиёсат учун эса заруратдир. Вазиятнинг долзарблиги – унга хос хусусиятдир.

Таъкидлаш лозимки, кўпгина сиёсатшунослар сиёсий вазиятни бизнинг қарашимиз бўйича тушунишади. Масалан, россиялик олим Хрусталёв сиёсий вазият деганда, “сиёсий тизим институтлари ва соҳалари муносабатларининг мажмуини ва улар кучларининг тенглигини” тушунади. Бизнингча, у субъектларни ниҳоятда кенг маънода тушунади ва уларни “бошқарувчи элита”, “сиёсий мухолифатлар ва сиёсий нейтрал турувчилар” гуруҳларига бўлади. Субъектлар умумлаштирилиб вазият таҳлил қилинса, вазиятнинг мегамоделига эга бўламиз. У икки мезондан иборат: 1) мамлакатда мавжуд сиёсий режим; 2) ички сиёсат даражаси. Сиёсий таҳлилнинг замонавий шаклида ҳар бир масалани аниқ деталлар асосида кўриб чиқиш керак. Яъни, йирик саноат ва молия компаниялари, ОАВ, мустақил сиёсий марказлар эътибордан четда қолмаслиги лозим. Айни пайтда, бирор йирик компания сиёсий мавқега эга бўлса, унинг сиёсий вазиятда таъсири юқори бўлиши таҳлилга таъсир қилмаслиги лозим. Чунки мазкур компаниялар асосан сиёсий раҳбариятнинг иродасини ифодалайди ва унда ўз манфаатларини ижроия ҳокимияти воситасида рўёбга чиқариш ҳолати юзага келади. Шунингдек, парламентда қонунларга ўзгартиришлар киритиш билан ўз мухолифларидан ғолиб келиш ҳисси пайдо бўлади. ОАВ билан эса вазият бошқача, уларнинг кўпчилиги сиёсат субъекти сифатида мустақил иштирок этади.

### Сиёсий вазият таҳлилининг гайришакли

Сиёсий вазият таҳлили сиёсий ҳаётнинг шаклланиш босқичида самарали бўлади. Чунки бундай пайтда сиёсий воситалар кам бўлади. Бундай сиёсий таҳлилнинг илк намуналари Арасту томонидан қадимги юнон шаҳар сиёсати мисолида яхши тушунтириб берилган. Унда маъ-

мурий бошқарув тизими ҳар бир шаҳарда турлича бўлган, бироқ уларда сиёсий субъектлар танқислиги сезилган. Ҳар бир юнон шаҳрида олий ҳукумат бўлиб, унинг сиёсий қурилишини тушуниш учун ягона бошқарув органи фаолиятини ўрганиш мумкин. Чунки шаҳарни алаб оқибатда ягона сиёсий орган бошқаради. Арасту дейдики, шаҳар олий ҳукуматлари “бевосита бир киши ёки кўпчилиكنинг қўлида тўпланган”. У уч “мантқиқий тўғри” давлатчилик шаклини кўрсатиб беради: монархия, аристократия ва сиёсат. Улар “бир одам ёки кўпчилик томонидан бошқарилади”. Шунингдек, давлатчиликнинг уч яроқсиз кўриниши ҳам бор: мустабид (“яккаҳукмрон шахс бошқарувчи ҳокимият”), олигарх (“мақбул сиёсатчи бошқарувидаги ҳокимият”) ва демократик (“кўпчилик манфаати устувор ҳокимият”).

Шундай қилиб, Арасту ўз даври сиёсий тузилмасини аниқ кўрсатиб, унинг моҳиятини ҳам таҳлил қилиб берган. Маълумки, бугунги кунда сиёсий тизим кўлами кенгайди ва унинг ички тузилмалари ҳам ўзига хослик касб этмоқда. Шунингдек, янги сиёсий тизимлар юзага келиб, уни мураккаб ҳолатга келтирган. Юнон шаҳар давлатида ҳокимият тақсимланиши йўқ эди. Сиёсий партиялар ҳам, ОАВ сиёсий корпорациялар ҳам бўлмаган.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирги сиёсий тизимларга нисбатан қадим юнон шаҳар давлатчилиги “қулайлик”ка эга эди, айни пайтда, Арасту таҳлилинини ўша давр сиёсий вазияти таҳлили сифатида қабул қилиб бўлмайди. Аввало, у юнон сиёсий тизимини таҳлил қилган, аммо сиёсий амалиётнинг долзарб муаммоларини кўрсатиб бермаган. Унинг мақсади давлат қурилишининг мақбул кодексини топиш эди. Шу маънода, Лакедемон, Крит, Карфагенлар ҳам шаҳар давлат сиёсатини “идеал давлат қурилишига мослиги ёки мос эмаслиги” нуқтаи назаридан ўрганишган.



Арасту таҳлилини сиёсий вазият таҳлили сифатида қабул қилмасликнинг иккинчи сабаби – файласуф муайян масалани назарий жиҳатдан асослаб беришни мақсад қилиб қўйган, шу сабаб унинг қарашлари сиёсий назарияга тўғри келади. Унинг тадқиқотлари тезкор эмас, маълумот йиғиш узоқ вақтни олади, натижада долзарблик йўқолади. Бу Арасту тадқиқотларини камситиш эмас, унинг мақсади бошқа эди. Бизни эса тадқиқотнинг амалий жиҳати қизиқтиради. Шу сабабли унинг “Сиёсат” асари бугун ҳам мумтоз назария сифатида ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бугунги сиёсий таҳлил учун “мева данаги” бўлиб хизмат қилади. Шу маънода, назарий тадқиқотчилик тезкорлик касб этмаслиги лозим. Унинг вазифаси – сиёсий таҳлилда сиёсий институтлар фаолиятини таҳлил қилиш, унинг аҳамияти ва ривожланиш йўллари кўрсатиб бериш.

Арасту томонидан илгари сурилган бу икки ғоя XX асрга асосий омил бўлиб келди. У Никола Макиавелли, Томас Мор, Шарль Монтескьё, Жон Стюарт Милл, Жон Локклар қарашларига оз таъсир қилди. XIX асрда сиёсий жараён бироз ўзгаргач, вазият ҳам ўзгарди, натижада сиёсий назариячилар амалий фаолиятда фаол иштирок эта бошлади. Албатта, сиёсий назариячиларнинг амалиётдаги фаоллиги Арастудан бошланган, у Искандар Зулқарнайннинг устози эди. Никола Макиавелли эса 14 йил давомида Флорент республикаси ҳукуматида турли лавозимларда хизмат қилиб, сиёсий шахс сифатида танилган. Бизнинг тарихимизда эса сиёсат назариячиси Юсуф Хос Ҳожибнинг (XI аср) Қорахоний ҳукмдорларга 17 йил давлат маслаҳатчиси (“Хос ҳожиб”) бўлиб хизмат қилганлиги маълум.<sup>1</sup> Бироқ кўп ҳолларда улар назариячи сифатида ном қолдирган.

<sup>1</sup> Ёкубов А. “Қутадуғ билиг” да давлатчилик концепцияси. –Т., “Академия”, 1997, 4-10-бетлар.

XIX асрнинг II ярмида ОАВнинг пайдо бўлиши сиёсий вазият таҳлилига бўлган ёндашувни ўзгартирди. Шундай қилиб, сиёсий таҳлилнинг тўлиқ тузилмаси XIX асрнинг II ярмида саноат ишлаб чиқариши билан бир вақтда пайдо бўлди. Шу даврда ҳокимият тақсимланиши юзага келди. Жумладан, парламент институтининг аҳамият касб эта бошлаши, сиёсий партиялар ролининг ошиши, маъмурий давлат бошқарувининг ажралиши, жамоат ва иқтисодиёт ташкилотларининг кўпайиши ҳам ОАВнинг давлат тузилмалари билан муносабатга киришишида катта аҳамиятга эга бўлди. Буларнинг барчаси сиёсий вазиятни таҳлил қилиш омилларини юзага келтирди ва унинг мустақил жараён сифатида шаклланишига асос бўлди. Натижада унинг сиёсий экспертлари пайдо бўлди.

### **Сиёсий вазият таҳлилининг умумий вертикал тури**

Сиёсий таҳлиллар ичида бутун сиёсий тизимни жиддий таҳлил тури мураккаб шакл ҳисобланади. Умумий сиёсий таҳлилни юзага келтириш учун икки ёндашув ҳисобга олиниши лозим.

Биринчиси, сиёсий тизимни институтларга бўлиш ва алоҳида таҳлил қилиб, ўзаро муносабатларини ўрганишдан иборат. Бу таҳлилни вертикал ёки институционал деб аташ мумкин. Чунки унда қуйидаги сиёсий институтлар таҳлилга қилинади: Президент ҳокимияти органлари, ҳукумат, парламент, сиёсий партиялар, жамоат сиёсий ташкилотлари, ОАВ ва бошқалар. Бу таҳлил хожибий давлатларда кенг қўлланилади.

Иккинчи ёндашув сиёсий институтларнинг мавқеини ҳисобга олишдан иборатдир. Инсон учун баъзи сиёсий институтлар ролининг ошишида ҳукуматнинг таъсири бўлади. Баъзан эса сиёсий арбоблар муҳим роль ўйнай-

ди. Шу маънода, сиёсий институтлар муайян сиёсий арбобларнинг сиёсий иродасини ифодалайдиган механизмдир. Сиёсий институтлар шахсга зарурий ҳокимият ресурсларини тақдим қилиш воситасига айланади.

### **Сиёсий вазият таҳлилининг умумий горизонтал тури**

Бу таҳлил ноинститут бирлашмаларини сиёсий тизимдан ажратиб, таҳлил қилишдир. Бу воситани горизонтал ёки гуруҳий тур деб аташ мумкин. Унда асосий объект сифатида ҳокимиятнинг турли тармоқларида фаолият юритадиган мустаҳкам сиёсий гуруҳлар олинади. Бундай ҳолатда муҳолиф гуруҳлар сиёсий таҳлилга тортилади.

Зеро, бу таҳлил турлари бир-бирини тўлдирувчи ҳисобланади. Вертикал тур кўзга кўринган вазиятларни, горизонтал тур эса сиёсий жараённинг “ички оқими”ни таҳлил қилади.

Сиёсий вазиятни тўлиқ таҳлил қилиш узоқ вақтни талаб қилади. Натижада бугунги ўзгарувчан шароитда объект ҳам ўзгариб кетиши мумкин. Шу маънода, сиёсий вазиятни тўлиқ таҳлил қилиш тезлик билан амалга оширилиши керак. Бунинг учун маҳорат керак. Хуллас, сиёсий вазиятни тўлиқ таҳлил қилиш – назарий ва амалий сиёсат ўртасидаги жараён бўлиб, ундан олинadиган натижа тезкор маълумотга эга бўлишдан иборатдир.

### **Сиёсий вазиятни қисман таҳлил қилиш**

Сиёсий вазиятни тўлиқ таҳлил қилиш кўп вақт ва кенг кўламли таҳлилларни талаб қилгани учун сиёсий вазиятнинг муайян қисмини таҳлил қилиш кенг тарқалган. Буни қисман таҳлил қилиш деб аташ мумкин. У ҳам умумий таҳлил сингари икки турдан иборат:

рат: 1) институал таҳлил; 2) вазиятни таҳлил қилиш. Биринчи тур асосан буюртмалар асосида амалга оширилади. Иккинчи тур эса муайян муаммони ҳал қилиш учун бажарилади. Бундай ҳолда сиёсий вазиятни деталлар бўйича таҳлил қилишга эҳтиёж йўқ, чунки буюртмачини муайян муаммо қизиқтиради, холос. Сиёсий таҳлил объекти мана шу омилларга қараб белгиланади.

Ғарб олимлари сиёсий таҳлилнинг қисман таҳлил қилиш турига кўп эътибор беришади, улар учун бу таҳлил усули ягона восита ҳисобланади. Айни пайтда, улар, таъкидлаганимиздек, кўп ҳолларда масалаларни қориптириб юборади. Бизнингча, сиёсий таҳлилни чеклаб қўймаслик лозим.

### **Сиёсий вазиятни муаммоли ва диагностик таҳлил қилиш**

Сиёсий қарор қабул қилишда сиёсий таҳлил натижалари илк босқич ролини бажаради. Биз вақт ўтиши билан сиёсий таҳлил ўз аҳамиятини йўқотади, деган фикрга қўшилмаймиз. Шу маънода, сиёсий вазиятни муаммоли ва диагностик таҳлил қилиш тури муайян мақсад ҳамда вазифани амалга ошириш учун муҳим аҳамиятга эга. Муаммоли таҳлилда қатъий ёндашув ва қарор қабул қилиш руҳи устувор бўлади. Шунинг учун бу тур сиёсий экспертлар учун мақбул турдир.

Диагностик тур эса Ғарб олимлари нигоҳидан четда қолган. Бу тур сиёсий тизимнинг кейинги фаолияти учун муҳим тавсиялар беради, мавжуд муаммо билан эмас, балки эҳтимолий муаммолар ҳақида тасаввур беради ва сиёсий субъект фаолиятининг самарадор бўлиши учун омил яратади.

Мисол сифатида қуйидаги вазиятни келтириш мум-

кин: муайян ҳудуд раҳбарияти марказдан мустақил равишда раҳбар ходимлар фаолиятини таҳлил қилишга қарор қилади. Бу бир томондан, марказий бошқарув ҳақида маълумотга эга бўлиш, иккинчи томондан, ҳокимиятга интилаётган кучлар ҳақида тасаввур ҳосил қилишдир. Бундай ҳолда муайян сиёсий муаммони ҳал қилиш ҳақида сўз бормади. Балки, биринчидан, юзага келган муаммони таҳлил қилиш билан марказ сиёсатининг натижасини тасаввур қилиш, иккинчидан, марказий ҳокимият тузилмалари билан бўладиган муносабатларни аниқлаштириб олиш ҳақида сўз бормоқда. Бундай таҳлилга, ўз навбатида, марказий давлат бошқаруви органлари томонидан ҳам буюртма берилиши мумкин.

Зеро, муаммоли ва диагностик таҳлил турлари бир-бирини ўзаро тўлдириши мумкин. Чунки муаммоли таҳлилда муайян вазиятга баҳо берилса, диагностик таҳлил билан унинг кейинги ҳолати ҳақида тасаввур ҳосил қилинади. Айни пайтда, бу таҳлиллар сиёсий қарор қабул қилиш учун мутлақ асос бермайди, балки асос учун замин ҳозирлайди, холос. Бундай ҳолда қиёсий таҳлил асосида муайян қарорга келинади.

Шундай қилиб, мақбул сиёсий қарор қабул қилиш вазиятни аниқ таҳлил қилиш асосида юзага келади. Албатта, вазиятни таҳлил қилиш натижалари буюртмачи мақсадини кутган даражада ифодаламаслиги ҳам мумкин. Шу сабабли диагностик таҳлил ўтказган муаллиф материалларни таҳлил қилишни муайян гуруҳга юклаши мумкин. Умуман, сиёсий вазиятни таҳлил қилишда диагнос-тик таҳлил тури аниқ самара бериш имкониятига эга. Шу сабабли бу усул сиёсий режалаштириш муаммоси билан бевосита боғлиқдир.

## Сиёсий истиқболни белгилаш (режалаштириш)

### “Сиёсий истиқболни белгилаш” тушунчаси

Сиёсий таҳлилнинг иккинчи қисми сиёсий истиқболни белгилашдан иборат. Ғарб олимлари “прогноз” атамасини ишлатади. Бу атама грекча “prognosis” сўзидан келиб чиққан бўлиб, муайян объектнинг эртаси ва келажаги ҳақида маълумот олиш, уни кўра билиш маъноларини англатади. Ўзбек тилида уни “истикқолни белгилаш” тарзида ишлатиш мумкин. Ғарб олимлари кўп ҳолларда бирор ҳодисанинг истиқболини белгилаш борасида сўзлайди.

Бундан ташқари, Ғарб олимлари истиқболни белгилашга доир фикр-мулоҳазалар асосланиши лозимлигини уқтиради, лекин бу ҳолатни илмий талаб даражасига кўтармайди.

Россия сиёсат илмида эса “истикқолни кўра билиш” ва “белгилаш” тушунчалари фарқланиб, унга кўра, кўра билиш келажак ҳақида ҳар қандай маълумотга эга бўлиш имконини, истиқболни белгилаш эса илмий асосга эга тадқиқотчиликни билдиради. Шу маънода, биз ҳам “сиёсий истиқболни белгилаш” деганда илмий асосланган фаразларни назарда тутамиз.

Айни пайтда, биз сиёсий фаразлар мажмуи билан чекланамиз. Ҳозирги кунда Ғарб оламида башоратгўйлик ўсиб бормоқда ва уни янги даврнинг мистик ҳамда тахаюл фарози сифатида қабул қилиш ортиб бормоқда. Биз истиқболни белгилаш оламидан фақат сиёсий истиқболни белгилашни ажратиб оламиз. Унинг объекти, аввало, сиёсий тизим ва сиёсий жараёндр. Сиёсий истиқболни белгилаш жараёнида барча сиёсий тизимлар ёки унинг муайян субъектларининг келажаги ҳақида илмий асосланган фикрларга ҳам эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Бироқ бу борада сиёсий таҳлил кенг кўламлик касб этади, шу сабабли биз амалий ва назарий

тадқиқотчилик оралиғида бўлишни афзал деб биламиз.

Назарий сиёсатшунослик сиёсий истиқболни белгилаш деганда муайян мамлакат ёки дунёнинг сиёсий истиқболини фараз қилишни назарда тутлади. Яъни, сиёсий тизимнинг муайян даврдаги йўналишини илмий башорат қилиб беришдир. Бундай анъана қадимий бўлиб, ўтмиш мутафаккирларининг барчаси ўз ижтимоий қарашларини баён қилишган. Бу ўзига хос истиқболни белгилашдир. Афлотуннинг “Давлат”, Т.Морнинг “Утопия”, Т.Компанелланнинг “Қуёш шаҳри”, Т.Гоббснинг “Левиафан” асарларини, Ш.Монтескё, Ж.Локклар томонидан ишлаб чиқилган сиёсий тизимнинг либерал моделини эслаш кифоя. Кўп ҳолларда бу прогнозлар реал талабларга жавоб бермайди ва хоҳишлар ифодаси сифатида қолиб кетмоқда. Шунга қарамасдан, бу каби прогнозлар илмий асосга эга бўлиб, улар ўз даври учун катта аҳамиятга эга эди ва шу сабабли уларни сиёсий прогнозлар ҳисоблаймиз.

XX аср арафасида сиёсий прогнозлар баён қилишдан уларни амалга ошириш йўлларини тасвирлашга ўтила бошланди.

Ниҳоят сиёсатшунослик ҳозирги ривожланиш босқичида сиёсий прогнозлаш назарий сиёсатшуносликдан аста-секин амалий жиҳатга ўта бошлади. У илмий, ишонарлилик характериға эга бўлиб, сиёсий тизимни трансформация қилиш йўлларини кўрсатиб бермоқда.

### **Сиёсий “олдиндан кўриш” ёки “башорат” масаласи ва уни тадқиқ этишнинг айрим усуллари**

Инсон ўзига хос мавжудот бўлиб, ҳаёти давомида орзу-умид билан яшайди, турли режалар тузади, келажакни олдиндан билишга интилади. Шунинг учун ҳар

бир инсоннинг келажакни олдиндан билишга интилиб яшаши унинг бутун онгли ҳаёти жараёнида муҳим ўрин эгаллайди.

Олдиндан билишга интилиш инсон учун азалий эҳтиёж бўлиб, унинг манбалари сифатида меҳнат фаолияти, диний эътиқод, турмуш тарзи, урф-одатлар ва бурчни адо этиш каби талаб-эҳтиёжлар мажмуи амал қилади.

Келажакни олдиндан билиш нима учун зарур? Чунки, ҳаётнинг мантиқий хулосаси инсонни воқеликка мослашган ҳолда яшашга ундайди. Инсон учун бундай мослашувчанликни кўпчилик ҳолатда келажак ҳақидаги билим ва ахборотлар – олдиндан кўриш (башорат) белгилайди. Эртанги кун ҳақида тўла ахборотга эга бўлган шахс бутунги кунда ҳам ўз фаолиятини яхшироқ ташкил эта олиши мумкин.

Ҳозирги замон кишининг, у қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар, бошқа жонзотлардан энг катта фарқи, унинг бошқалардан ўзиб кета олиши, келажакни олдиндан кўра олиш ва айта олиш қобилиятидир. Мавжуд шарт-шароитларда ахборотлар ҳаракат омили бўлиб, келажакдаги кўлами, айрим кишиларнинг фавқулодда қобилияти ёки илм-фанга асосланган ҳаракати ҳар қандай соҳада муваффақиятга эришиши учун бош омил бўлиб хизмат қилади. Сиёсат билан шугулланувчи шахс учун “ҳокимият” тушунчаси ва ундан фойдаланиш белгиловчи кўрсаткич омили ҳисобланади.

Башорат қилиш қўлланилаётган соҳалар орасида сиёсатни алоҳида кўрсатиш мумкин. Унинг ўзига хос томони, у ижтимоий ҳаётнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларига кириб боради, миллионлаб кишиларнинг манфаатига таъсир қилади, жамиятнинг келажакни, халқ ҳаётининг ривожланиши ва гуллаб-яшнаши ва унга боғлиқ жараёнларни олдиндан билишда муҳим роль ўйнайди.

Башорат қилиш сиёсатга йўналтирилган бир томонлама тадқиқот эмас, албатта. Сиёсат, хусусан, сиёсий ижод янги келажакни туғдиради, ижтимоий ҳаётнинг барча йўналишларига дастур бера олади. Маълумки, халқаро воқеаларнинг асосий занжири, тарихдаги тектоник ўзгаришларнинг бош механизми ҳокимият востасида амал қилади. Бундай ҳолатда башоратчиликнинг вазифаси - зарур сиёсий қарорлар қабул қилиш йўли билан мумкин бўлган ўзгаришларнинг бутун спектрини таҳлил этиб, мақбул бўлмаганларини рад қилишдан иборатдир.

Бундай тадқиқотнинг вазифаси сиёсатда олдиндан кўриш (башорат)нинг объектив имкониятларини, ушбу воқеалар асосланганлигини кўрсатиш ва уни амалга ошириш технологиясини аниқлашдан иборат. Уни бажаришдаги қийинчиликлар, яъни келажакни лойиҳалаш мумкинлигининг ўзи муаммоли эканлиги, унда маълум бир қонуниятни аниқлаш қийинлиги, кўпроқ субъектив соҳада инсон ақлини қўллаш зарурлиги каби маълумотлар билан қоришиб кетган. Яна бир масала шундан иборатки, ушбу мавзунини фундаментал ўрганишга бағишланган илмий-тадқиқот ишлари, олдиндан кўриш билан боғлиқ масалаларни ёритган илмий адабиётлар ҳам ниҳоятда камлигидир.

Олдиндан кўриш асослари муайян вақт ҳамда маълум маънода ўтмиш, ҳозирги кун ва келажак ҳақида эмас, балки фақат ўтмиш ва келажак ҳақида айтилиши мумкин, чунки уларнинг иккинчиси узлуксиз равишда шартли ажратилган оқим - вақт орқали биринчисига “ўтиши”, яъни ҳозирги кунга ўтиши ўрганилади.

Фан муайян даражада ўтмиш (тарихий фанлар, жумладан, физика, химия, биология ва бошқа фанлар тарихи ҳам) ёки келажак билан шуғулланади, улар муайян

даражада маълум вақтдан сўнг ўтмиш бўлиши учун ҳозирги кунга “кириб келади” (табиий, фалсафа, иқтисодий, сиёсий фанлар шуғулланаётган), шунингдек, тор маънода “ҳозирги кун” доирасидан чиқиб туради.

Ижтимоий соҳани ўрганишда “олдиндан кўриш” ва “башорат қилиш” тушунчаси, бир томондан, “олдиндан кўриш” ва “бошқариш”, бошқа томондан эса ўзаро муносабатларнинг методологик муаммолари ечимини топиш маъносини англатади.

Олдиндан кўриш ва бошқарув ўртасида турли даражадаги интенсивлик номуносабиб алоқада бўлади: амалдаги яқин ёки нолга тенг (назарий жиҳатдан ҳеч қачон нолли аҳамиятга эга бўлмаган) ҳолатдан фавқулодда интенсив бўлган, олдиндан айтишни “ўзига сингдириб юбориш”ни келтириб чиқарувчи сифатида прогнознинг ўзини амалга ошириш ёки аксинча, ўзини вайрон қилиш каби натижани бериши мумкин.

Изланувчан башорат (олдиндан кўриш) умумий кўришда ўрганилаётган ҳолатларда кузатилаётган фикрнинг келажакда давом этиши шартли сифатида аниқлаш мумкин, унинг ривожланиш қонунлари ўтмиш ва ҳозирги кунда етарли даражада маълумдир. Шу билан бирга, олдинда мумкин бўлган, баъзан зарур дастурий ва ташкилий қарорлар кўзда тутилган ҳолатлар кўришинини ўзгартириб юборишдан келиб чиқади. Шуниси аниқки, бундай ёндашувда ўрганилаётган объектнинг келажакдаги объектив ҳолатини олдиндан билиш мумкин эмас. Лекин олдиндан айтиб беришга оид изланиш, илмий изланишнинг ўзига хос алоҳида шакли сифатида ўз олдида бундай вазифани қўймайди. Унинг моҳияти ва мақсади бошқача бўлиб, нима бўлиши, қандай муаммолар пайдо бўлиши ёки ривожланишининг мавжуд тенденциясини сақлаб туриши ва нима-

лар етилиб келаётганлигини, яъни бошқарув соҳаси нохуш ҳолатини ўзгартириш учун зарур қарорлар қабул қилмаса, нималар содир бўлишини аниқлашдир.

Аниқроқ айтганда, сиёсий соҳани ўрганишнинг нисбатан афзаллигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Сиёсий амалиётда мақсад прогноз қилиш эмас, балки у бошқарув фаолияти билан боғлиқдир, чунки у бошқарувни такомиллаштириш ва тузатиб бориш учун тузилади. Прогнозни тайёрлаш жараёнида доимо, қадам-бақадам, фавқулодда мураккаб ва қийин муаммолар пайдо бўлади, уларни ҳал этиш учун анчагина куч сарфлашга тўғри келади. Тинч амалга ошаётган ишларда ҳам келажакда қандай муаммолар пайдо бўлиши, кескинлашувини олдиндан билиш керак. Айнан олдиндан билиш тадқиқотлари ҳақиқатан ҳам қимматли ахборот беради, етилиб келаётган қийинчиликларнинг олдини олишга бошқарув воситаларини замонавий тадбирлар кўриш билан такомиллаштириш имконини беради.

Маълумки, ушбу ёндашувда изловчи ва норматив олдиндан кўриш (башорат) усули асосий, ҳал қилувчи роль ўйнайди, деб тушуниш нотўғридир. Бунда ижтимоий фанларнинг барча имкониятларидан, жумладан, социология маълумотларидан ҳам фойдаланиш эътиборда тутилади. Ижтимоий социология олдиндан кўриш (башорат), пайдо бўлаётган муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва унинг ҳал этилишига ёрдам берувчи илмий ахборотларни беришига шубҳа йўқ. Башорат қилишнинг замонавий усуллари ҳақида гап кетганда олдиндан кўришни ҳар томонлама такомиллаштириш ва қўллашда кенг тарқалган математика усуллари, ЭҲМ, компьютер технологияси ҳамда электрон тармоқлардан фойдаланиш ҳам тўла натижа бера олмайди.

Олдиндан кўриш (башорат) асоси кузатиш ҳисобла-

нади. Аниқроғи, кузатишнинг ўзи эмас, кузатилаётган объектнинг аҳволи, ҳолатининг кўрсаткичи аҳамиятга эга (сиёсатшуносликда қўлланганда сайловлар пайтида номзод рейтинги кўрсаткичлари). Уларнинг маълум вақтдаги ҳолати ва аҳамиятини кўриш учун мавжуд ҳолатнинг ўзгариш жараёнининг жадвалли асосини олиш мумкин. Бундай математик ҳисоблар тез-тез содир бўлувчи таҳлилий жадваллар тузишга олиб келади.

Келажакни аниқлаш усулининг моҳияти қуйидагилардан иборат: демография, маркетинг ва сиёсатшуносликда кўпроқ иқтисодий кўрсаткичлар, статистик маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш.

Келажакни лойиҳалаш ва аниқлашнинг ушбу усулини аниқ фанларда қўллаш қулай, сиёсатда иқтисодга нисбатан сиёсий фаолият асосининг қатъий эмаслиги ва сиёсий жараённинг субъектив кучига кўра барқарор эмаслиги учун унинг самарадорлиги нисбатан камроқ бўлади. Келажакда содир бўлиши мумкин бўлган воқеаларни олдиндан билишда тез-тез такрорланиш таҳлили, катта ёки кичик, яъни математик ва статистик ишлаш мумкин бўлган мавжуд ҳолатларни аниқлаш имкони бор. Шундай йўл билан қилинган ҳисоблар ҳақиқатга нисбатан яқинроқ бўлади. Шу билан барча илмий башорат усуллариға характерли бўлган хулосани чиқариш мумкин. Таҳлил қилиш лозим бўлган воқеалар кўлами қанчалик кичик бўлса, уни башорат қилиш (олдиндан айтиш) шунчалик аниқроқ бўлади.

Сиёсий башорат сиёсий фанлардаги кўплаб тушунча ва воқеликлар билан ўзаро боғлиқдир. У сиёсий субъект амалга ошираётган сиёсий фаолиятнинг таркибий қисми ҳисобланади. Сиёсий башоратнинг мазмуни объектнинг келажакдаги ҳолати, амалга ошишининг муқобил йўллари ва муддати ҳақидаги илмий асосланган мулоҳазадир. Олдиндан кўришни ишлаб чиқиш, тайёрлаш жараёни

башорат (олдиндан айтиб бериш) деб аталади. Олдиндан айтиб бериш (башорат) - аниқ жараёнлар, ҳолатлар, воқеаларни ўтмиш ёки ҳозирги кунда маълум маълумотлар асосида ўрганишдир. У алоҳида илмий тадқиқот бўлиб, у орқали башорат қилинаётган объектда бўлиши мумкин бўлган ҳолат ҳақида тушунча ёки турли маълумот мавжуд бўлади.

Ўтмиш, ҳозирги кун ва келажак ўзаро алоқаларини кузатиш имконини берувчи асосий қонунлардан бири сабабият қонуни ҳисобланади, у эса вақт ва фазода сабаб ҳамда оқибат боғлиқлигини кузатиш имконини беришдир. Сабаб остида воқелик тушунилади, у эса оқибатни келтириб чиқаради. Сабаби маълум бўлгандан сўнг оқибатини олдиндан билиш мумкин. Агар у нохуш бўлса, уни келтириб чиқариши мумкин бўлган сабабларга чек қўйиш мумкин.

Олдиндан кўриш (башорат) ўзида бир неча функцияларни мужассамлаштиради ва қатор вазифаларни бажаради. Фарблик олимлар фикрича, башорат ўзида:

биринчидан, сиёсий субъект учун қандай аниқ сиёсий мақсадларни қўйиш ва амалга ошириш мумкинлиги ҳақидаги ахборотларни бериши;

иккинчидан, тараққиётнинг ҳозирги босқичида қўйилган мақсадларнинг қай бири жамият манфаатларига нисбатан кўпроқ мос келишини аниқлашга ёрдамлашиши;

учинчидан, прогнозлар муқобил сиёсий мақсад бўлган ҳолда уларнинг қайси бири жамият манфаатларига кўпроқ мос келиши бўйича тўғри қарор қабул қилиш учун асос бериши;

тўртинчидан, прогнозлар мавжуд ва ҳозирги кундаги вазифалар билан яқин ва узоқдаги мақсадлар, минимум ва максимум талаблар, мақсад ва воситалар ўртасидаги мақбул муносабатлар мажмуини топишга ёрдам бериши;

бешинчидан, башоратлар бугун қабул қилинаётган

қарорларнинг қандай натижаларга олиб келиши мумкинлигини очиб бериш вазифаси туради.

“Сиёсий башорат” амалий сиёсатнинг бир қисмидир. Кўплаб башоратлар қилинади, мутахассислар фикрича, уларнинг оқимида ўралашиб қолмаслик учун башоратларни турларга ажратиш талаб этилади. Улар мақсади, вазифаси, объекти, характери, огоҳлантириш даврига қараб, турли мезонлар асосида қурилиши мумкин.

Сиёсий башоратларнинг асосий тўрт амалий вазифасига қараб, уларнинг турини ажратиш кўрсатиш мумкин:

1. Изланувчан башоратлар – улар айнан амалий мақсадлар учун тузилади. БМТ даврий чоп этадиган Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг ишлаб чиқарган баъзи башоратлари мисол бўлади.

2. Таҳлилий башоратлар – ижтимоий-сиёсий башоратларнинг илмий захирасини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш учун тузилади. Бундай башоратларга Ж.Форесторнинг ишлари (“Оламшумул динамика” китоби) алоқадордир.

3. Умумий-меъёрий башоратлар – маълум келажакни акс эттиришнинг исталган ёки турли муқобиллари билан таққослаганда нисбатан устунроқ бўлган вазифани ҳал этади.

4. Огоҳлантирувчи башоратлар. Бундай башорат муаллифлари келажакнинг нохуш манзараси билан жамоатчиликни таҳликага солишга интилади.

Режалаштирилишига қараб бугунги кун учун қисқа муддатли, ўртача муддатли, узоқ муддатли ва жуда узоқ муддатли прогнозларга бўлинади.

Прогнозлар муаммоли-мақсадли меъёрлари бўйича изланувчан ва нормага мувофиқ равишда икки турга бўлинади.

“Изланувчан башорат – сиёсий бошқарув воситаси қарорлари билан истиқболдаги муаммоларни аниқлаш

ва тузатишдан иборатдир”. Бундай прогноз жамиятда мавжуд ижтимоий-сиёсий тенденцияларда нималар бўлиши мумкинлигига жавоб беради.

Норматив прогноз исталаётган мақсадга қандай эришилади, деган саволга жавоб беради.

Турларга бўлиниш айтилаётган прогнозлар оқимида ўралашиб қолмаслик имконини беради. Аммо сиёсий башорат қилишнинг яна битта қирраси мавжуддир. Башорат қилишнинг объекти сиёсат (ички ва ташқи), предмети воқеалар, кўринишлар, жараёнларнинг мумкин бўлган ҳолатларини билиш ҳисобланади. Шунинг учун уларни ички сиёсий ва ташқи сиёсий прогнозлар (башорат)га ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Ички сиёсий башорат қилишга ички сиёсатнинг барча мазмуни киради. Сиёсий тараққиётнинг мураккаб характери, бир томондан, сиёсий жараёнларни бошқаришнинг энг мақбул манфаатлари учун келажакдаги сиёсий муаммолар ва уларни ҳал этиш йўлларини, бошқа томондан, хуш ва нохуш сиёсий воқеаларни олдиндан билиш долзарблигини таъминлайди. Унинг икки жиҳати: биринчиси, аниқ сиёсий воқеаларни прогноз қилиш даражасини, иккинчиси, жамиятдаги сиёсий институтлар фаолияти ва унда кечаётган сиёсий жараёнларни прогноз (башорат) қилишни қамраб олади.

Ташқи сиёсий прогноз қилиш ёки олдиндан айтиб бериш халқаро алоқалар ва ташқи сиёсат соҳасидаги башоратлардир.

Умуман, прогноз (башорат) қилишнинг икки жиҳати деганда, мумкин ва мақбул бўлган келажакга, аҳволи, қарорлар баён этишни олдиндан айтиш ҳамда ушбу муаммоларни айнан ҳал этишни олдиндан айтиш тушунилади. Шунга кўра, прогноз (башорат) қилиш муаммоларининг икки томони: назарий-билиш ва бошқарувни ажратиш кўрсатиш мумкин.

Сиёсий прогноз объектини аниқлаш ва унинг мураккаблиги билан пайдо бўладиган ҳолатига алоҳида эътибор қаратиш лозим. “Прогноз объектини, унинг амал қилиши ва ривожланиши, прогноз қилинаётган тизим ва жараёнга муайян даражада таъсир этувчи умумий кўринишдаги ҳолатларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш, прогнозларни тайёрлашнинг асосий ва биринчи даражадаги шартидир. Шундай қилиб, сиёсий прогноз объектлари: сиёсий системанинг ривожланиши (тузилиши ва бошқалар); сиёсий бошқарув функцияларининг ривожланиши, ихтисослашуви ва кенгайиши; шахснинг сиёсий ва ҳуқуқий мақоми (масъулият, интизом ва бошқалар); сиёсий партиялар ва ташкилотлар фаолиятининг шакл ва усуллари; давлатнинг ривожланиши, унинг шакл ва вазифалари ўзгариши; жамиятнинг синфий таркиби, синфий ва сиёсий онгининг ўзгариши; сиёсий демократиянинг ривожланиш йўллари ва шакллари; ижтимоий фикрнинг амал қилиш ривожланишидир. Прогноз қилиш объектларини аниқлашда баъзи қийинчиликлар туғилади:

1. Объектни белгилашда тасодифий таассурот шаклланади, чунки объектларни ҳисоблаш ҳамда бошқарувни босқичма-босқич бўйсунувчанлигини аниқлаш мантиқи ва тамойилларини аниқ кўриш қийин, белгиланган объектнинг ҳажми ва мазмуни қисман бир-бирига ўтиб кетиши, тайёрланаётган схемани кенгайтириш ёки қисқартириш имконини беради, холос.

2. Объект сиёсатнинг таркиби сифатида чиқади, яъни унинг элементларини санаб ўтади, лекин сиёсатнинг тузилиши тарзида эмас, балки элементларининг ўзаро характери, моҳиятини очиб беришида кузатилади.

3. Жиддий илмий сиёсий олдиндан кўришнинг бош объекти бўлиб, сиёсатнинг таркиби ва тизимини ташкил этувчи ядриси, яъни унинг кўп қиррали томонлари, унинг содир бўлиш жиҳатини белгиловчи бўлиши керак.



Шундай қилиб, сиёсатда прогноз қилиш илмий тадқиқотнинг мураккаб тизимини акс эттиради, унинг хулосалари бирдан иккинчисига аста-секин ўтади. Ушбу мураккаб тизимнинг муваффақиятли амал қилиши учун айрим тамойиллар ва белгиланган усуллардан фойдаланиш зарурдир:

1. Муқобиллик тамойили воқеалар ривожланишининг бир неча аниқ йўналишлари билан боғлиқдир. Лекин муқобилликни прогноз қилишнинг эҳтимоллилик характери билан аралаштириб юбормаслик лозим. Эҳтимоллик ўзида прогнозни тасдиқлаш, қонунларни бошланғич ва якуний қоидаларини аниқ билишга асосланган чегараларини ифода этади. Муқобиллик, ўз навбатида, сиёсий воқеалар ривожининг турли вариантларининг тубдан амал қилиши ва бажарилиши имкониятларини билдиради. Муқобиллик тамойили амалий бажарилишининг асосий вазифаси, яъни ривожланишнинг амалга ошириш мумкин бўлган вариантини мавжуд ва кўзда тутилган шароитда бажариш имкони бўлмаган вариантлардан ажратиш имконини беради. Шу билан бирга, воқеалар ривожининг муқобиллиги ўзида қатор муаммоларни, яъни уларни прогнозлаштириш жараёнида ҳисобга олишни тақозо этади. Унда амалга ошириш даражаси бўйича вариантларни чегаралаш ва босқичма-босқич бажариш имконини беради. Ушбу тамойилни ҳисобга олиш воқеалар ҳақиқий ривожини, прогнозлар аниқлигини оширади ҳамда воқеаларга таъсир этувчи омиллар ҳисобига танлаш имконини беради.

2. Прогнозлаштиришнинг тизимлилиги тамойили. Сиёсат прогнозлаштиришнинг ягона объекти сифатида кўриб чиқилади, ўз вақтида прогнозлар мустақил бир неча йўналишлар бўйича амалга оширилади, бу сиёсий

ҳаётнинг ҳар бир йўналиши бўйича сиёсий келишилган ва қарама-қарши бўлмаган прогнозлар ишлаб чиқиш имконини беради.

3. Прогнозлаштиришнинг узлуксизлиги тамойили. Таҳлил объекти динамик ҳаракатчандир, шунинг учун прогноз амалга ошириладиган объект вазифасига янги ахборотлар тўпланишига қараб прогнозларга узлуксиз равишда тузатишлар киритиб туриш киради.

4. Верификация тамойили - ишлаб чиқилган прогноз тўғрилигини аниқлаш.

Башорат қилиш тамойиллари илмий прогностик тадқиқотларнинг аниқ усуллари орқали амалга оширилади. Илмий асосланган прогноз, умуман, прогностика тадқиқотлари асосида қандай усул ёки усуллар тизими ётганлигига қараб қабул қилинади. Унда нафақат тадқиқот натижалари, балки унга олиб борадиган йўл ҳам ҳақиқий бўлиши шарт.

1. Жамоавий эксперт баҳолаш усули - ички ва ташқи сиёсат ёки унинг айрим соҳаларини баъзи мутахассислар томонидан тараққиётнинг истиқболли йўналишларини аниқлашга имкон берадиган сиёсий муносабатлар ривожланишини белгилашда экспертлар фикрлари ҳам-ҳанглиги ишлатилади.

2. Жамоавий ғоялар бўғини - “ақлий ҳужум” келажакни тадқиқ қилишда кенг фойдаланиладиган усулдир. Муаммоли вазиятларда “ақлий ҳужум” орқали мутахассисларни ижодий потенциалини фаоллаштириш, ғояларнинг юзага келиши ва кейинчалик бузилиши, бу ғояларни танқид қилиш орқали унга қарши ғояни шакллантиришдир.

3. “Дельфи” усули. Бу усул уч хусусияти билан аҳамиятли бўлиб, улар экспертларнинг гуруҳий ўзаро ҳамкор-

лиги усулидан фарқ қилади, экспертларнинг мавҳумлиги ҳамда биринчи ўтказилган сўров натижалари - гуруҳий жавоблардан фойдаланиш билан фарқ қилади.

4. Режалар тартибини тузиш усули. Тартиб (сценарий) режаси - катта тизим (халқаро муносабатлар, ижтимоий муносабатлар ва бошқалар) муқобил ривожланиш мақсадни аниқлаш учун воқеаларнинг мантиқий кетма-кетлигини таъминлаш усулидир.

Ёзилган тартиб ҳаракатларининг кетма-кетлиги қуйидагича бўлиши мумкин: вақт оралиғини ҳисоблаш - воқеаларни аниқ ифода этиш - воқеалар мазмунини тушуштириш - эскалация (ўсиш) шкаласидаги миқдорий баҳодир. Унда жадвал тузиш самарали бўлиб, абцисса ўқи бўйича вақт оралиғининг, ордината ўқи бўйича олдиндан ишлаб чиқилган ва миқдорий баҳоланган воқеалар категориясининг ўсишидир.

5. Экстрополяция (кузатиш) усули. Прогнозлаштиришда қўпол хатолардан қочиш учун олинган хулосаларнинг бошқа қисмига татбиқ этишда эҳтимоллик назарияси хулосаларини қўллаган ҳолда математик статистика ҳисоб комбинацияларини ўзида акс эттирувчи мураккаб кузатиш усули қўлланилади.

6. Моделлаштириш - тадқиқот усулида объект эмас, балки модели тадқиқ этилади. Лекин моделнинг объекта тўлиқ мос келиш имконияти йўқлиги туфайли, олдиндан кўриш (башорат) юқори аниқлик ва ҳақиқийликка даъво қила олмайди.

Сиёсий жараёнлар, воқеаларни башорат қилишнинг муайян усулини танлаш, прогнозларни мақсадли гуруҳлаштириш, уни ишлаб чиқиш, белгиланган муддат ва вақт билан боғлиқлигидан келиб чиқади.

Сиёсий прогнозни ишлаб чиқишнинг энг муҳим операцияларини умумий мантиқий кетма-кетлиги қуйидаги асосий босқичларга олиб келади:

биринчи босқич - прогнознинг олдинги йўналиши (ориентация). Унда прогноз учун вазифалар аниқланади, прогнознинг характери (хусусияти), кўлами, мақсади, ишчи тахминлари асосланади, прогнозлаштиришни ташкил этиш жараён ва усуллари аниқланади.

Прогнозни ишлаб чиқишнинг иккинчи босқичи - тизимли таҳлил усули билан прогнозлаштиришда объектнинг дастлабки ҳолати модели яратилади. Моделни аниқлаш учун аҳоли ва экспертлар орасида сўров ўтказиш мумкин.

Прогнозни ишлаб чиқишнинг учинчи босқичи юқорида таъкидланган усуллар орқали прогноз ҳолати бўйича маълумотлар йиғишдир. Прогноз асоси - сиёсий башорат вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган объекта нисбатан башорат шарт-шароитларининг ташқи мажмуасидир. Масалан, иқтисодий ривожланиш прогнозни келажакда ҳисобга олишнинг зарурий шарт-шароити сифатида эътиборда тутати. Бусиз сиёсий прогнознинг аниқлигига ишониш қийиндир.

Тўртинчи босқич - кўрсаткичларнинг динамик қаторларини қуриш - экстраполяция усули билан келажак прогнози моделлари ўзагининг асосларини ҳамда ушбу материалларни башорат моделининг олдинги тартиби сифатида умумлаштириш мумкин. Динамик қатор - ўтмишни ҳисобга олган ҳолда прогнозлаштиришнинг ўзгарувчан объектдаги миқдорий тавсифини билдиради, яъни прогноздаги воқеалар олдини олиш давридаги ўзгарувчанлигида қўлланилади.

Бешинчи босқич - изланаётган таҳлилий ҳолат ва умумий кўринишига оид кўрсаткичларнинг минимал, максимал ва нисбатан эҳтимоллилик аҳамиятини аниқлаштириш билан дастлабки туркумини яратиш.

Олтинчи босқич - прогнозлаштирилаётган объектнинг норматив таҳлил усули билан мутлақ (прогноз ҳолатини чекланмаганлиги доирасида) ва нисбий (ушбу доира боғ-

ланганлиги) аҳамиятини аниқлаштирилган энг мақбул вариантини олдиндан белгиланган меъёрлар билан ҳамоханг бўлган нормалар, идеаллар, мақсадларнинг тахминий умумий моделини яратишдир. Бунда мақсад ва нормалар аниқ бўлиши керак.

Еттинчи босқич - прогнознинг ишончлилиги ва тўғрилилигини ҳамда асосланганлигини баҳолаш - яъни, экспертларнинг сўров усуллари билан тахминий моделларни аниқлашдир. Прогнознинг ишончлилигини текшириш усули билан унинг илмий асосланганлиги, мантиқий тўғрилилиги, тажрибавий текширув ва интуитив (ички ҳис билан сезиш) аниқлиги, деб ҳисоблаш мумкин.

Саккизинчи босқич - бошқарув соҳасидаги қарорлар учун изланувчан ва норматив моделларни таққослаш орқали ишлаб чиқилади. Ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги ўзгаришларда, сиёсий қарорлар қабул қилишда прогноз усули юқори даражада ҳисобга олиниши керак. Бу сиёсатшунос-прогнозчиларга катта масъулият юклайди.

Тўққизинчи босқич - тайёрланган прогноз ва тавсияларни қисмларга ажратиб таҳлил (экспертиза) этиш, муҳокама натижаларини ҳисобга олган ҳолда уни қайта ишлаш ва буюртмачига бериш.

Ўнинчи босқич - прогноздан олдинги йўналишни, ишлаб чиқилган прогноз материалларини қайта солиштириш асосида прогноз ҳолатини янги маълумот ва цикллари (прогнозлаштириш узлуксиз бўлиши лозим бўлиб, мўлжаллаш, режалаштириш, умуман бошқарув, унинг самарадорлигини юксалтиришга хизмат қилиши керак) тайёрлашни тақозо этади.

Прогнозни ишлаб чиқиш усуллариининг ўзига хослиги прогнозлар имкониятларини вақт кўламида ҳам (бир неча йил), тадқиқот объекти кўламида ҳам (ҳар қандай ҳолат

ҳам бир хил даражада прогноз баҳолаш имконини бермайди) жиддий чегаралашга мажбур қилади.

Хулоса қилиб айтганда, прогнозлаштириш усуллари ва уларнинг мантиқий кетма-кетлигидан фойдаланиш тажрибалари сиёсат билан шуғулланувчи мутахассислар, раҳбарлар ва илмий ходимларга ҳозирги кунда сиёсат (ички ва ташқи) соҳасида режалар ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш жараёнида мавжуд ҳолат ва воқеаларнинг ривож, объектив ва субъектив омилларни ҳисобга олган ҳолда ҳаётга татбиқ этиш имконини беради. Бугунги кунда ушбу йўналишда турли тадқиқот ва изланишлар ўтказилмоқда.

Инсониятни яқин келажакда нималар, қандай воқеалар кутмоқда, деган саволга бўлажак воқеаларнинг тахминий ҳолатларини акс эттириш, ер куррасида бўлаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнларнинг ривожланиши тўғрисида сифат ва миқдор жиҳатдан ўзига хос турли назарий йўналишлар, прогнозлар айтилмоқда.

XX аср охири - XXI аср бошларида глобаллашув жараёнлари тобора чуқурлашиб бораётган бир даврда инсониятни ташвишга солаётган иқтисодий тараққиёт истиқболи, бойлик ва қашшоқлик, экология, уруш ва қарама-қаршилиқлар, терроризм, коррупция, наркомания, алкоголизм, ахлоқий бузуқлик каби муаммолар ва унинг олдини олиш, келажакни тасаввур қилиш турли доираларни, яъни давлат раҳбарлари, сиёсий етакчилар, олимлар, башоратчи-футурологлар, астролог ва ҳар бир шахсни ташвишга солаётган масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Инсоният олдида турган ушбу долзарб муаммолар дунёнинг барча мамлакатлари каби Ўзбекистонда ҳам сиёсий жараёнларни прогноз қилиш масалалари давлатнинг ички ва ташқи сиёсат фаолияти йўналишларида ўз

аксини топмоқда. Чунки Ўзбекистон мустақилликка эришган мамлакатлар каби ўз тараққиёт йўлини излади, янги жамият барпо этишда ўзига хос ва мос йўлини ишлаб чиқди. Ўзбекистон турли йўналишда ўз тараққиётини таъминлаган давлатларнинг тўплаган тажрибаларини ижодий ривожлантирди, ўзига мақбул йўлдан борди. Ўзбекистон тараққиётининг ўзига хос модели - мамлакатимиз шароитидан келиб чиқиб, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий жараёнларнинг изчиллик билан олиб борилишига асосланган тараққиёт йўлидир.

Ўзбекистоннинг келажаги қандай бўлади, биринчи навбатда қайси устувор масалалар ҳал этилиши лозимлиги ҳақида стратегик йўналиш, сиёсий олдиндан кўриш ва башорат қилиш масалалари республика Президенти Ислом Каримов асарларида, унинг турли халқаро, минтақавий ва республика анжуманларида сўзлаган нутқларида ўз ифодасини топди. Сиёсий прогноз қилишнинг илмий-назарий асослари яратилди ва бу ўз тасдиғини топмоқда.

Ислом Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”, “Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли”, “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”, “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”, “Ўзбекистон XXI асрга интилоқда” каби асарларида, айниқса, БМТ сессияси ва Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг анжуманлари, республика Олий Мажлиси сессияларида сўзлаган нутқларида кўтарилган масалалар воқеаларни олдиндан кўриш ва сиёсий башоратнинг ўзига хос намунаси бўлиб, сиёсатшунослик фанида атрофлича ўрганишни тақозо этади.

Кенг қўламли, серқирра башоратларни кичик мақо-

лада ёритишнинг иложи йўқ. Мустақилликка эришилган дастлабки кунларда, “қандай яшаймиз?” деган савол барчани қийнаётган пайтда И.А.Каримов “нима қилмоқ керак, нимадан бошламоқ керак?” деган саволни қўйиб, ўтмиш, ҳозирги кун ва келажак масалалари ҳақидаги фикр ва тахминлари амалда тўғри чиққанлиги, Ўзбекистон сиёсий ҳаётида амалга ошаётганлиги муҳим илмий-назарий тадқиқот намунаси сиёсатшунослик фанида ўрганиладиган сиёсий башорат ва “олдиндан кўриш”нинг асосларидир. Мамлакатимиз учун хос ижтимоий-сиёсий тараққиётни олдиндан кўришнинг йўналиши жуда кенг, хусусан, И.А.Каримов терроризм хавфи ҳақида турли халқаро анжуманларда бу офатнинг қандай кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида гапириб, “...эй одамзод, кўзингизни очинг, огоҳ бўлинг, бугун терроризмнинг даҳшатли қиёфасини англаш вақти етди”, деб даъват этганлигини эсласак, бу олдиндан башорат қилиш, дунё ҳамжамиятини огоҳлантириш эди, ўз вақтида жиддий қарорлар қабул қилиш заруриятини талаб этарди. Афсуски, ушбу даъватни, яъни сиёсий башоратни ўз пайтида кўпчилик тушуниб етмади. Бугунга келиб, инсоният бошига террорчилик мислсиз кулфат келтирувчи ёвуз кучга айланганини, даҳшатли балою офат эканини ўз ҳаётида кўриб, унга қарши биргаликда курашиш вақти етганини, бу курашдан ҳеч ким четда туриши мумкин эмаслигини англаб етилди.

Хулоса қилиб айтганда, сиёсий прогноз ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг илмий-назарий асосланган моделларини ишлаб чиқиш, ҳаётга татбиқ этиш соҳасида И.А.Каримов томонидан яратилган тамойиллар ҳамда тавсиялар бўйича тадқиқотлар олиб бориш, бугунги кунда барча сиёсатшуносларнинг муҳим вазифаси бўлиши керак.

## **Когнитив ихтилоф (конфликт)ларда қарор қабул қилишни моделлаштириш ва кўллаб-қувватлаш масалалари**

### **“Ихтилоф” тушунчаси ва унинг моҳияти**

Инсонларнинг қарашларидаги тавофутлар, муайян ҳодисани тушуниш ва баҳолашнинг мос келмаслиги баҳсли вазиятга олиб келади. Агар юзага келган вазият ўзаро алоқадаги иштирокчиларнинг ҳеч бўлмаганда биттасига қўйилган мақсадга эришиш учун таҳдид уйғотса, у ҳолда ихтилофли вазият юзага келади. Кўп ҳолларда ихтилофли вазият асосида объектив зиддиятлар ётади, лекин баъзида бирор арзимаган нарса – сўз, гап ҳам ихтилофли вазиятнинг бошланишига сабаб бўлиши мумкин.

Ихтилоф = ихтилофли вазият + можаро.

Ихтилоф эҳтимоли инсон ҳаётида доимо мавжуддир. Унинг сабаби жамият ҳаётининг издан чиқиши (аномалия) ва инсоннинг мукамал эмаслигига асосланади. Ихтилофни келтириб чиқарувчи сабаблар орасида, аввало, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ахлоқий сабабларни айтиб ўтиш керак. У турли ихтилоф вужудга келишини ривожлантирувчи муҳитдир. Ихтилофнинг вужудга келишига инсонларнинг руҳий, жисмоний ва биологик хусусиятлари таъсир қилади.

Инсон ҳаётининг барча соҳалари – оила, иш ёки дам олишда турли масалаларни ҳал этишда ихтилофни кузатиш мумкин. У ҳар бир инсон ҳаётида муайян ўрин эгаллайди, чунки баъзи ихтилофнинг оқибатлари узоқ йиллар давомида ҳам сезилади. У бир неча кун, ҳафта, ой ёки йил давомида бир инсон ёки инсонларга салбий таъсир ўтказиши мумкин.

Инсон ихтилофни асосан, тажовузкорлик, таҳдид,

баҳслар, адоват ва уруш билан боғлайди. Ихтилоф – исталмаган ҳодиса бўлиб, юзага келган заҳотиёқ уни тезда бартараф этиш керак.

Баъзи ҳолларда ихтилофни ҳал этиш тез, хатосиз ўтади, баъзан эса тажрибасизлик туфайли салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ихтилоф ижобий хусусиятга эга бўлмайди. Унинг бир қисми сунъий бўлиб, баъзи инсонлар томонидан касбий омилкорликни яшириш учун вужудга келтирилади. Масалан, мажлисда бир шахс баҳслашмаси тура олмаганлиги сабабли баҳслашса, эгаллик ва ҳурмат-эътибор эҳтиёжини пасайтириши ҳамда гуруҳ қобилятини камайтириши мумкин. Мажлис аъзолари ихтилофдан ва у билан боғлиқ кўнгилсизликлардан қутилиш учун тўғри гапирётганларга ишончлари камайиб баҳслашаётган шахс қарашларини ёқлашлари мумкин. Ихтилофлар ҳар бир жамоада бўлиб, баъзан фойдали бўлиши ва фаолиятнинг ижобий ривожланиши учун туртки бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ихтилофда ҳаракатлантирувчи куч инсоннинг жамиятдаги ўз ҳолати, хавфсизлиги ва барқарорлигини яхшилаш, сақлаб қолиш ёки ғолибликка қизиқувчанлиги ва интилиши, қўйилган мақсадга эришишга бўлган умидидир.

Ҳар бир ихтилофнинг ўзига хос хусусияти иштирокчи тарафлар бошқа тарафда қабул қилинаётган қарорнинг келажакдаги хатти-ҳаракатини олдиндан аниқ билмайди, демакки, ҳар бири ноаниқлик шароитида ҳаракат қилишга мажбур.

Гарчи ихтилофларнинг пайдо бўлиши, ҳаракати ва уларни бошқариш масалалари бўйича кўплаб тадқиқотлар бўлса ҳам, бироқ уларнинг табиати, жамоалар ва жамиятнинг ривожига таъсирини тушунтириб берувчи умумқабул қилинган назария йўқ.

Барча ихтилофларнинг умумий томонлари, табиатидан қатъи назар, манфаатлар, интилишлар, мақсадлар, уларга эришиш йўлларининг тўқнашиши, икки ёки ундан ортиқ томонлар – ихтилоф иштирокчилар ўртасидаги келишувнинг йўқлигидан иборат. Ихтилофнинг мураккаблиги алоҳида шахслар ва турли манфаатларга эга жамоаларнинг оқилона ҳаракатларига сабаб бўлади.

### Ихтилоф турлари

Ташкиллаштиришга инсонлар томонидан мақсадга эришишдаги ҳамкорлик, ўзаро боғлиқ ташкилий бирликлар тармоғи сифатида қараш, самарали бошқарувни эса ушбу ўзаро боғлиқликни моҳирона бошқариш сифатида тушуниш мумкин. Ташкилий бирликлар ўртасидаги муносабатлар ушбу бирликларнинг ўзаро алоқасига катта таъсир кўрсатади.

Ташкилотда гуруҳлардаги ўзаро алоқанинг ҳар бир шаклида қуйидаги тўртта муносабатлар турини ажратиш мумкин:

1. Куч ва тобелик муносабати. Ташкилотда фаолият юритувчи инсон муайян соҳада ўз имконият ва қобилияти ҳамда мавқеини оширишга уриниб, хатти-ҳаракатларига маълум даражагача ўзаро таъсир ўтказиши мумкин.

2. Музокаралар олиб боришдаги муносабатлар. Ишчилар етарли бўлмаган ва чекланган захираларни тақсимлаш ҳақида қарорлар қабул қилишда ўз улушини олиш жараёнида бир-бирларига боғлиқ бўлиб қолади.

3. Меҳнат муносабатлари. Замонавий ишлаб чиқаришда ишчилар ўзаро “ишлаб чиқариш воситалари” ҳолатида бўлади. Ташкилот ишчиларининг ҳар бир гуруҳидаги бундай қонуний ҳолат, аввало, технологик алоқалар туфайлидир. Гап шундаки, ўз майдонидаги ишлаб чиқаришни ташкил этиш объектив равишда бошқа майдон

ва гуруҳлар ишининг натижасига таянади. Бунда ташкилот умумий мақсади учун гуруҳларнинг ҳамкорликдаги ишга ўзаро боғлиқлиги, бир томондан, келишмовчиликларни бартараф этиш учун бўлган сабабни, бошқа тарафдан, гуруҳлараро фаолият самараларини айирбошлаш шаклини белгилайди.

4. Ижтимоий-ҳиссий муносабатлар баъзи вақтларда хуш кўриш ёки хуш кўрмаслик (шахслар, гуруҳ ва ташкилотга нисбатан) шаклида намоён бўлади.

Зикр этилган муносабат турлари тамойиллар ва марказий муаммоларга эгадир. Муайян келишмовчиликларнинг муайян табиатга (марказий ёки ахлоқий) мансублиги ихтилофга аралашини турини белгилаб беради. Ихтилоф қилаётган тарафлар учун келишмовчиликларни тизимли бартараф этишга йўналтирилган ташқи таъсир назарда тутилган. Ихтилофни ҳал этишнинг ўзи ташкилот мақсад нуқтаи назаридан (ёхуд уни ҳал этишнинг вақт мезони бўйича – ташкилотнинг мақсадига яққол мос эмаслиги) самарали эмаслиги кўзда тутилади. Ташкилотда пайдо бўладиган, тадқиқотчилар томонидан кузатиладиган қуйидаги ихтилофлар турларини ажратиш кўрсатамиз:

1. Иш берувчи ва ходимлар орасида (шахслараро) ихтилофлар. У турли шаклда бўлиши мумкин. Энг кўп тарқалган шакллардан бири ролли ихтилофи бўлиб, бир шахсга унинг иш натижаси қандай бўлиши кераклиги ҳақида талаблар қўйилишидир. Масалан, дўкон бўлим бошлиғи сотувчидан ҳар доим бўлимда бўлиб, харидорларга маълумот бериб, хизмат кўрсатиб туришини талаб қилиши мумкин. Бошлиқ эса сотувчи харидорларга кўп вақтини сарфлаб, бўлимни маҳсулотлар билан тўлдиришга кам эътибор қаратапти, деб ўз норозилигини билдириши мумкин. Бундай вазиятда сотувчи кўрсатмаларни нисбатан қабул қилади, нима қилиш ва

қилмаслик – бир-бирига зид. Агар ишлаб чиқариш бўлинмасининг бошлиғига унинг бевосита раҳбари маҳсулот ишлаб чиқаришни тезлаштириш ҳақида кўрсатма берса, сифат бўйича бошлиқ эса ишлаб чиқариш жараёнини секинлаштириш йўли билан маҳсулот сифатини оширишни талаб қилса, шунга ўхшаш вазият рўй берган бўлар эди. Иккала мисолда ҳам бир шахсга бир-бирига зид вазифа берилиб, ундан ўзаро алоҳида бўлган натижа талаб қилинпти. Биринчи вазиятда ихтилоф айнан бир шахсга қўйилганлиги бир-бирига зид талаблар натижасида содир бўлган эди. Иккинчи вазиятда ихтилоф сабаби яккабошчилик қоидаларининг бузилиши бўлган.

Шахслараро ихтилоф ишлаб чиқариш талаблари шахсий эҳтиёжлар ёки нархлар билан номувофиқлиги сабабли ҳам келиб чиқиши мумкин. Масалан, аёл раҳбар кўпдан бери шанба ва якшанба кунлари турмуш ўртоғи билан дам олишга боришни режалаштириб юрарди, чунки унинг ишга ҳаддан ташқари эътибори оилавий муносабатга салбий таъсир кўрсата бошлаганди. Лекин жума кuni унинг раҳбари дам олиш кунлари бир муаммони ҳал қилиш билан шуғулланишни талаб қилди.

Шахслараро ихтилоф, шунингдек, ишдаги ҳаддан ташқари оғирлик ёки енгилликка нисбатан жавоб бўлиши мумкин. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, бундай шахслараро ихтилоф ишдан қониқиш даражасининг пастлиги, ўзи ва ташкилотга ишончининг камлиги, шунингдек, қаттиқ асабийлашиш билан боғлиқ.

2. Йирик ташкилотнинг бўлимлари орасида (гуруҳлараро) ихтилофлар. Ташкилот ҳам расмий, ҳам норасмий сифатида кўпгина гуруҳлардан иборат. Энг яхши ташкилотларда ҳам бундай гуруҳлар орасида ихтилофлар юзага келиши мумкин. Раҳбар уларга нисбатан адолатсиз муносабатда деб ҳисоблаган норасмий ташкилот-

лар мустаҳкам жипслашиб, у билан меҳнат унумдорлигини камайтириш билан “ҳисоблашишга” уринишлари мумкин. Касаба уюшмаси ва маъмурият ўртасидаги давомли ихтилоф гуруҳлараро ихтилофга мисол бўлиб хизмат қилади. Афсуски, мунтазам ва вақтинчалик ишлайдиган ходимлар орасидаги келишмовчилик гуруҳлараро ихтилофнинг энг кўп учрайдиган туридир. Вақтинчалик ходимлар мунтазам ходимларга қараганда ёшроқ ва ўқимишлари кўпроқ бўлади, мулоқот чоғида техник жаргонлардан фойдаланишни ёқтиради. Бундай тафовут мулоқотда қийинчиликка олиб келади. Мунтазам ходимлар вақтинчалик ходимларнинг тавсияларини рад қилишлари ва улардан ахборот билан боғлиқ қарамлиги сабабли норозилик билдиришлари мумкин. Кескин вазиятларда мунтазам ходимлар мутахассисларнинг таклифларини бажаришнинг шундай усулини атайлаб танлашлари мумкин, лекин бу иш муваффақиятсизлик билан тугайди. Бу ишларнинг ҳаммаси мутахассисларни “ўз жойига” қўйиш учун бажарилади. Вақтинчалик ходимлар, ўз навбатида, мунтазам ходимлар ва уларнинг вакилларига ўз қарорларини ўзлари ҳаётга татбиқ этишларига имкон бермаётганликлари ва улардан ахборот қарамлигини сақлашга уринаётганликлари ёқмаслиги мумкин. Бу вазифа зид (дисфункционал) ихтилофга бўлган ёрқин мисолдир.

Кўпинча мақсадлар тафовут сабабли ташкилот ичидаги функционал гуруҳлараро ихтилоф чиқаришлари мумкин. Масалан, савдо-сотик бўлими, одатда, харидор билан ишлайди, ишлаб чиқариш бўлими сарф-харажат ва натижалар, шунингдек, даромад билан шуғулланади. Савдо-сотик бўлими буюртмаларни бажариш учун маҳсулот захираларини сақлашни, демак харажатларни кўпайтиришни ўйлайди, бу эса ишлаб чиқариш бўлими манфаатига зид. Тиббиёт ходимларининг кундузги сменаси

кечки смена ходимларини беморларга яхши қарамаётганликда айблаши мумкин. Катта ташкилотда бир бўлим компаниянинг бошқа бўлимларнинг ўз маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини пастроқ нархда қондириш ўрнига, ўз даромадини тайёр маҳсулотларни ташқи истеъмолчиларга сотиш билан оширишга ҳаракат қилиши мумкин.

3. Шахслараро ихтилоф. Ихтилофнинг бу тури энг кўп тарқалган бўлиб, у ташкилотларда турли тарзда намоён бўлиши мумкин. Бу – чекланган захиралар, сармоя ёки ишчи кучи, ускуналардан фойдаланиш муддати ёки раҳбарларнинг лойиҳани маъқуллашга бўлган курашидир. Уларнинг ҳар бири, захиралар чекланган бўлгани учун, юқори раҳбариятни бу захираларни бошқа раҳбарга эмас, айнан унга ажратишини ишонтириш керак, деб ҳисоблайди. Шахслараро ихтилоф, шунингдек, шахслар тўқнашуви сифатида ҳам намоён бўлиши мумкин. Турли фазилат, қарашлар ва қадриятларга эга инсонлар баъзан ўзаро чиқиша олмайди. Одатда, бундай инсонларнинг қараш ва мақсадлари тубдан фарқ қилади.

4. Шахс ва гуруҳ орасидаги ихтилофлар. Ишлаб чиқариш гуруҳлари хулқ-атвор ва малака мезонларини белгилайди. Ҳар ким норасмий гуруҳ томонидан қабул қилиниши учун мазкур мезонларга риоя қилиши, шу йўл билан ўз ижтимоий эҳтиёжини қондириши керак. Агар гуруҳнинг қарашлари алоҳида бир шахснинг қарашларига зид бўлса, ихтилоф келиб чиқиши мумкин. Масалан, кимдир ишдан ташқари ишлаб кўпроқ пул топишни хоҳласа, гуруҳ бундай “ўзбошимча” ҳаракатга салбий хатти-ҳаракат, деб қарайди.

Агар алоҳида шахс ва гуруҳ орасида ўзгача ҳолатда иш юритилса ҳам ихтилоф юзага келиши мумкин. Масалан, мажлисда савдо ҳажмини ошириш имконларини муҳокама қилиб, кўпчилик бунга нархларни пасайти-

риш йўли билан эришиш мумкин, деб ҳисоблайди. Бир шахс эса, бундай йўл (тактика) даромаднинг камайишига олиб келиб, уларнинг маҳсулоти сифати рақобатчиларнинг маҳсулоти сифатидан паст, деган фикр уйғонишига қаттиқ ишонади. Гарчи шахснинг бу фикри ташкилот манфаатини ўйласа ҳам, барибир уни ихтилоф асоси деб қарашади, чунки у гуруҳнинг фикрига қарши боряпти.

Шунга ўхшаш, ихтилоф раҳбарнинг хизмат вазифалари асосида келиб чиқиши мумкин: муайян ишлаб чиқаришни таъминлаш зарурияти ва ташкилотнинг қоида-тартибларга риоя қилиши ўртасида. Раҳбар, ходимлар назарида, оммалашмаган интизом чораларини ишга солишга мажбур бўлиши мумкин. У ҳолда гуруҳ жавоб зарбасини бериши мумкин – раҳбарга бўлган муносабатни ўзгартириб, меҳнат унумдорлигини пасайтиришлари мумкин.

### Ихтилоф сабаблари

Ихтилофнинг бир нечта сабаблари бўлиши мумкин. Унинг асосий сабаблари – захираларнинг чекланганлиги, вазифаларнинг ўзаро боғлиқлиги, мақсадлар, тасаввур ва қадриятлар, ахлоқ-одоби, маълумот даражаси ўртасидаги тафовутлар ҳамда коммуникациялардир.

Захираларни тақсимлаш. Энг йирик ташкилотларда ҳам захира чекланган бўлади. Раҳбарият ташкилот мақсадига эришиш учун турли гуруҳлар ўртасида ходимлар, материаллар, пулларни тақсимлаши зарур. Раҳбар захиранинг катта улушини ходим ёки гуруҳга ажратиши бошқалар умумий миқдордан кам улуш олаётганини аёнлатади. Бу қарор нимага тааллуқли эканлигининг аҳамияти йўқ: тўрт котибдан қайси бирига дастурли компьютер ўрнатиб бериш, университетнинг қайси факультетида ўқитувчилар сони кўпайиши, раҳбар ўз фаолиятини кен-



гайтириши учун қўшимча воситалар олиши ёки қайси бўлим маълумотларни қайта ишлашда устунликка эга бўлади. Шу йўл билан, захирани тақсимлаш турли ихтилофга сабаб бўлади.

Вазифаларнинг ўзаро боғлиқлиги. Бир шахс ёки гуруҳ вазифаларни бажаришда бошқа бир шахс ёки гуруҳ боғлиқ бўлган жойда ихтилоф эҳтимоли мавжуд. Масалан, ишлаб чиқариш бўлимининг раҳбари ходимлар иш унумдорлиги пастлигини таъмирлаш хизматининг ускуналарни тез таъмирлай олмаганлиги билан изоҳлаши мумкин. Таъмирлаш хизмати бошлиғи, ўз навбатида, кадрлар бошқармасини таъмирловчилар муҳтож бўлган янги ишчиларни ишга олмаганликда айблайди. Бундай усул билан, агар янги маҳсулот ишлаб чиқариш билан банд муҳандислардан бири яхши ишламаса, бу бошқалар вазифаларини бажаришларига таъсирини сезиш мумкин. Бу гуруҳ фикрича, ёмон ишлаётган муҳандис ихтилофга олиб келиши мумкин. Барча ташкилотлар яхлит тизим бўлгани учун бир бўлим ёки шахснинг номувофиқ иш юритиши ихтилоф сабабига айланиши мумкин.

Ташкилий тузилма ва муносабатларнинг айрим турлари вазифаларнинг ўзаро боғлиқлигидан келиб чиқадиган ихтилофга сабаб бўлади. Мунтазам ва вақтинчалик ходимлар ўртасидаги ихтилоф сабаби ишлаб чиқариш муносабатларнинг ўзаро боғлиқлигидир. Бир томондан, мунтазам ходимлар вақтинчалик ходимларга боғлиқ, чунки улар мутахассислар кўмагига муҳтож. Бошқа томондан, вақтинчалик ходимлар мунтазам ходимларга боғлиқ, чунки ишлаб чиқариш жараёнидаги носозликларни аниқлаш ёки маслаҳатчи вазифасини бажарган пайтда унинг қўллаб-қувватлашига муҳтождир. Бундан ташқари, вақтинчалик ходимлар ўз тавсияларини киритишда мунтазам ходимларга боғлиқ бўладилар.

Ташкилий тузилмаларнинг муайян турлари ҳам их-

тилоф эҳтимолини кучайтиради, бундай эҳтимоллик яккабошчилик қондаси қасддан бузиладиган ташкилотнинг матрицали тузилмасида кўпаяди. Ихтилоф эҳтимоли, шунингдек, функционал тузилмаларда юқори, чунки ҳар бир йирик хизмат (функция), асосан, ўзининг ихтисослашган соҳасига эътибор қаратади. Ташкилий чизманинг асоси бўлимлар бўлган ташкилотларда (қандай хусусиятларига кўра тузилмасин: озиқ-овқат, истеъмолчилик ёки ҳудудий) бир-бири билан ўзаро боғлиқ раҳбарлар юқори даражадаги умумий ягона раҳбариятга бўйсунди, шу йўл билан тузилмали сабаблар натижасига кўра пайдо бўладиган ихтилоф эҳтимолини пасайтиради.

Мақсаддаги тафовутлар. Ташкилот ихтисослашиб, бўлимлар кўпайгач, ихтилоф ҳам ортиб боради. Ихтисослашган бўлимлар ташкилот манфаатини ўйлаб, фаол ҳаракат қилишлари мумкин. Масалан, савдо бўлими ҳар хил маҳсулотлар ва унинг турли хилларини ишлаб чиқаришни қатъий талаб қилиши мумкин, чунки бу савдо ҳажмини оширади. Агар маҳсулот тури (рўйхати) хилма-хил бўлмаса, ишлаб чиқариш бўлимлари талабини бажариш осонроқ бўлади. Шунга ўхшаб, таъминот бўлими маҳсулот бирлигининг ўртача таннархини пасайтириш учун қатта ҳажмда хом ашё ва материал сотиб олишни хоҳлаши мумкин. Бошқа тарафдан, молия бўлими сармоя қўйилган капиталга бўлган умумий даромадни ошириш учун товар-материал захираларидан олинган маблағдан фойдаланиб, уларни молиялаштиришни исташи мумкин.

Тасаввур ва кадриятлардаги тафовутлар. Бирор-бир вазият ҳақидаги тасаввур муайян мақсадга эришиш истагига боғлиқ. Вазиятни холис баҳолаш ўрнига фақат ўз гуруҳи ва шахсий эҳтиёжи учун муқобилларни кўриб чиқиш мумкин. Бу тамойил савдо бўлими, кадрлар бошқармаси ва мижозлар билан алоқалар хизмати бошлиқ-

лари битта муаммони ҳал этишлари натижасида намоён бўлади. Уларнинг ҳар бири муаммони фақат унинг функционал бўлими бажара олиши мумкин, деб ҳисоблаган. Қадриятлардаги тафовутлар ихтилофнинг кўп тарқалган сабабидир. Масалан, ходим ўз фикрини ифодалашга ҳар доим ҳақли деб ҳисоблаши мумкин, раҳбар эса ходим ўз фикрини фақат ундан сўрашганда ифода этишга ва қандай вазифа топширилса, шуни бажаришга ҳақлиман, деб ўйлайди. Тадқиқот ва ишлаб чиқариш бўлими ходимлари барчанинг мустақил бўлишини хоҳлайди. Агар уларнинг бошлиғи ходимларнинг ишини диққат билан кузатиш керак деб ҳисобласа, қадриятлардаги тафовут ихтилоф келтириб чиқариши мумкин. Ихтилоф кўпинча университетларда таълимга (бизнес ва техника) йўналтирилган факультетлар орасида келиб чиқади. У, шунингдек, соғлиқни сақлаш ташкилотларида, самардорлик ва рентабелликка интилаётган маъмурий ходимлар ва беморларга кўрсатилаётган ёрдамнинг сифати қадрият ҳисобланган тиббиёт ходимлари ўртасида келиб чиқади.

Ўзини тутиш одоби ва ҳаётини тажрибадаги тафовутлар. Бу тафовут ҳам ихтилофнинг келиб чиқиш эҳтимолини оширади. Баджаҳл шахслар ўз атрофида ихтилоф келтириб чиқарадиган муҳит яратади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўз-ўзини ҳурмат қилишдек тушунчага нисбатан юқори даражада обрўталаб (авторитар), кескин (догматик) ва бефарқ қилиб қўядиган феъл-атворга эга одамлар ихтилофга тез берилади. Баъзан ҳаётини тажриба, қадриятлар, маълумот даражаси, малака, ёш ва ижтимоий хусусиятлардаги тафовутлар турли бўлимлар вакиллари ўртасида ўзаро тушуниш ва ҳамкорлик даражасини камайтиради.

Қониқарсиз коммуникациялар. Ахборотни ёмон узатиш ихтилофнинг ҳам сабаби, ҳам оқибати ҳисобланади.

У алоҳида ишчилар ёки гуруҳга вазият ёхуд бошқаларнинг нуқтаи назарларини англашга ҳалақит қилиб, ихтилофнинг катализатори сифатида ҳаракат қилиши мумкин. Агар раҳбарият ходимлар диққатига ишлаб чиқариш билан боғлиқ меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги тизими ишчиларнинг “сувини сиқиш”ни эмас, балки ташкилот даромади ва рақобатчилар орасида унинг ҳолатини оширишини етказа олмаса, ходимлар иш суръатини пасайтиришлари мумкин. Ихтилофни келтириб чиқарувчи ахборот узатишнинг кенг тарқалган муаммолари – сифатнинг турли мезонлари, барча ходим ва бўлимларнинг хизмат мажбуриятлари ҳамда вазифаларини аниқ белгилай олмаслик, шунингдек, ишга бир-бирига зид талабларнинг қўйилиши. Бу муаммолар раҳбарнинг ходимлар диққатига хизмат вазифаларининг баёнини етказа олмаслиги сабабли келиб чиқиши ёки чуқурлашиши мумкин.

### Ихтилоф жараёни модели

2-жадвалда ихтилоф модели жараён сифатида ифодаланмоқда. Кўришиб турибдики, ихтилофнинг бир ёки ундан ортиқ манбасининг мавжудлиги бошқарув жараёнида ихтилоф ҳолатининг келиб чиқиш эҳтимолини оширади. Бироқ ихтилоф келиб чиқиш эҳтимолининг юқорилигида ҳам томонлар кейинчалик вазиятни чуқурлаштириш учун фикр билдиришни истамасликлари мумкин. Тадқиқотчилар гуруҳи шуни аниқладикки, инсон кичик талафотга олиб келадиган ва кам хатарли деб ҳисоблаган ихтилофли ҳолатлардан доим таъсирланмайди. Бошқача айтганда, баъзилар ихтилофда иштирок этишнинг фойдаси сарф-харажат қилишга арзимаслигини тушунади. Уларнинг ушбу вазиятга муносабати қуйидагича ифодаланади: “Бу сафар мен унга ўзича иш тутишга йўл бераман”.


Бирок, кўпгина ҳолатларда инсон бошқаларга исталган мақсадга эришишга йўл қўймаслик учун фикр билдиради. Амалдаги ихтилоф кўпинча бошқа тараф ёки бетараф воситачини “мана у ноҳақ, менинг нуқтаи назарим тўғри” эканлигига ишонтиришга уринишда намоён бўлади. Инсон бошқаларни унинг нуқтаи назарини қабул қилишга ишонтиришга уриниши ёки ўзганинг қарашларини мажбурлаш, мукофотлаш, анъана, мутахассис баҳолари, харизм, ишонтириш ёки иштирок этиш каби илк таъсир воситалари ёрдамида тўсиб қўйиши мумкин.

Шунга эътибор бериш керакки, тижорат фаолиятида ихтилофга кўп инсонларнинг жалб этилиши дунёқарашнинг кенгайиши билан боғлиқ ихтилофнинг муҳим ижобий вазифаси ҳисобланган кўплаб альтернатив ва натижаларни аниқлаш ҳамда кескин ошириш имконини беради.

Ихтилоф ҳолатларини даврларга ажратиш мумкин бўлган маълум вақтда тараққий этадиган жараённи 5-жадвал ўзида ифодалайди. Масалан, у ихтилофдан олдинги давр, ихтилофли ўзаро ҳаракат ва ихтилофдан кейинги даврлар тарзида бўлиши мумкин.

Ихтилофдан олдинги даврда кескинлик вақт ўтиши билан ( $t_0-t_1$ ) аста-секин (1) ёки шиддатли тарзда (2) ортади, энг авж  $t_2$  пайтида катта аҳамиятга эга бўлади, сўнгра пасаяди. Шунини таъкидлаш жоизки, баъзан ихтилофли ўзаро ҳаракат атиги 1 минут атрофида давомийликка ( $t_3-t_1$ ) эга, ихтилофдан кейинги даврда эса 600-20000 минутгача ва ундан кўпроқ, шу билан бирга, иккала томон учун ихтилофлар кўрсаткичлари зарарга эга бўлиши мумкин.

Ихтилоф модели – жараён сифатида



**Ихтилофлар ҳам ижобий, ҳам салбий вазифаларни бажариши мумкин**

**Ихтилофнинг вазифалари**


Ижобий	Салбий
Ихтилофлашаётган томонларга диққат-эътибор қаратиш	Ихтилофда иштирок этиш учун харажатлар
Ихтилофда иштирок этиш учун харажатлар	Ходимларнинг ишдан бўшатилиши, интизомнинг пасайиши, жамоада ижтимоий-руҳий муҳитнинг ёмонлашиши
Рақиб (оппонент) ҳақида янги ахборот олиш	Мағлуб гуруҳларнинг мағлубиятини тасаввур қилиш
Ходимларнинг ишдан бўшатилиши, интизомнинг пасайиши, жамоада ижтимоий-руҳий муҳитнинг ёмонлашиши	Ихтилофли ўзаро ҳаракат жараёнига ҳаддан ташқари берилиш туфайли ишга зиён етиши
Ташкилот жамоасининг ташқи душманга қарши курашишда жипслашуви	Ихтилоф тугаганидан сўнг жамоанинг бўлимлари ўртасида ҳамкорлик даражасининг пасайиши
Рақиб (оппонент) имкониятини баҳолаш	Ишга бўлган муносабатларнинг қийинчилик билан тикланиши

Ихтилоф ўз ривожда бир қанча босқичлардан ўтади. Бу 4-жадвалда кўрсатилган.

**Ихтилофнинг ривожланиши босқичлари билан мувофиқ равишда музокаралар ўтказиш аҳтимоли**

Ихтилофнинг ривожланиш вариантлари	Музокаралар ўтказиш
1. Кескинлик, норозилик	Ўтказиш ҳали эрта, ихтилофнинг таркибий қисмлари аниқ эмас
2. Рақобат	Ўринли
3. Тажовузкорлик	Учинчи тараф иштирокида
4. Зўравонлик, ҳарбий ҳаракатлар	Имкон йўқ, амалга оширилган тажовузкорлик ҳаракатлари мақсадга мувофиқ

**Ихтилофни даврларга ажратиш**



**Ихтилофлар ҳам ижобий, ҳам салбий вазифаларни бажариши мумкин**

**Ихтилофнинг вазифалари**


Ижобий	Салбий
Ихтилофлашаётган томонларга диққат-эътибор қаратиш	Ихтилофда иштирок этиш учун харажатлар
Ихтилофда иштирок этиш учун харажатлар	Ходимларнинг ишдан бўшатилиши, интизомнинг пасайиши, жамоада ижтимоий-руҳий муҳитнинг ёмонлашиши
Рақиб (оппонент) ҳақида янги ахборот олиш	Мағлуб гуруҳларнинг мағлубиятини тасаввур қилиш
Ходимларнинг ишдан бўшатилиши, интизомнинг пасайиши, жамоада ижтимоий-руҳий муҳитнинг ёмонлашиши	Ихтилофли ўзаро ҳаракат жараёнига ҳаддан ташқари берилиш туфайли ишга зиён етиши
Ташкилот жамоасининг ташқи душманга қарши курашишда жипслашуви	Ихтилоф тугаганидан сўнг жамоанинг бўлимлари ўртасида ҳамкорлик даражасининг пасайиши
Рақиб (оппонент) имкониятини баҳолаш	Ишга бўлган муносабатларнинг қийинчилик билан тикланиши

Ихтилоф ўз ривожда бир қанча босқичлардан ўтади. Бу 4-жадвалда кўрсатилган.

**Ихтилофнинг ривожланиши босқичлари билан мувофиқ равишда музокаралар ўтказиш эҳтимоли**

Ихтилофнинг ривожланиш вариантлари	Музокаралар ўтказиш
1. Кескинлик, норозилик	Ўтказиш ҳали эрта, ихтилофнинг таркибий қисмлари аниқ эмас
2. Рақобат	Ўринли
3. Тажовузкорлик	Учинчи тараф иштирокида
4. Зўравонлик, ҳарбий ҳаракатлар	Имкон йўқ, амалга оширилган тажовузкорлик ҳаракатлари мақсадга мувофиқ

**Ихтилофни даврларга ажратиш**



## Ихтилофларни ҳал қилишнинг тузилмавий усуллари

Ихтилофли ҳолатни бошқаришнинг бир нечта самарали усуллари мавжуд. Уларни икки туркум – тузилмавий ва шахслараро усулларга ажратиш мумкин. Ихтилофни ҳал этишда раҳбар ҳақиқий сабабларни таҳлил қилиши, сўнгра тегишли услубни қўллаши керак. Ихтилоф эҳтимолини ихтилофни ҳал этиш усуллари қўллаш билан камайтириш мумкин.

Ихтилофларни ҳал этишнинг 4 та тузилмавий усули мавжуд:

Ишга бўлган талабларни тушунтириш. Бошқарувнинг дисфункционал ихтилофни бартараф этувчи усуллари дан бири – ҳар бир ходим ва бўлимдан қандай натижа кутилаётганлигини тушунтириш. Бунда кутилаётган натижа даражаси, турли ахборотларни ким тақдим этапти ва ким қабул қиляпти, ваколат ва жавобгарликлар тизими каби параметрлар ҳисобга олиниши, шунингдек, сиёсат, тартиб-қоидалар белгиниши керак. Шу билан бирга, раҳбар барча масалаларни ўзи учун эмас, балки ходимлари нимани қандай вазиятда кутаётганини билишлари учун аниқлаб олади.

Мувофиқлаштирувчи (координатор) ва жипслаштирувчи (интеграция) механизмлар. Бу мувофиқлаштирувчи механизмларни қўллашдир. Энг кўп тарқалган механизмлардан бири – буйруқлар занжири. Ихтилофли ҳолатларни бошқаришда бошқарув иерархияси, вазифалар орасидаги алоқани амалга оширувчи хизматлардан фойдаланиш, функционаллараро гуруҳлар, мақсадли гуруҳлар ва бўлимлараро кенгашлар каби интеграция воситалари фойдалидир. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ўзлари учун зарурий интеграция даражасини ушлаб турган ташкилотлар бу ишни амалга оширмаганларга қараганда

юқори натижага эришган. Масалан, бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган бўлимлар – савдо ва ишлаб чиқариш бўлимлари орасида ихтилоф вужудга келганда, ташкилот буюртмалар ва савдо-сотик ҳажмини мувофиқлаштирувчи оралиқ хизматни ташкил қилиб, муаммони ҳал қила олади. Бу хизмат савдо ва ишлаб чиқариш бўлимлари орасидаги алоқани амалга ошириб, савдо-сотикқа бўлган талаб, ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, баҳонинг шаклланиши ва етказиб бериш жадваллари каби масалаларни ҳал қилади.

Умумташкилий комплексли мақсадлар. Умумташкилий комплексли мақсадларни йўлга қўйиш – вазиятни бошқаришнинг яна бир тузилмали усули. Ушбу мақсадни самарали амалга ошириш икки ёки ундан ортиқ ходим, гуруҳ ёки бўлимларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларини талаб этади. Бу мақсад ғояси иштирокчиларнинг ҳаракатини умумий мақсадга эришишга йўналтиришдир.

Масалан, агар ишлаб чиқариш бўлимининг учта сменаси ўзаро ихтилофлашаётган бўлса, ҳар бир сменага алоҳида эмас, балки ўз бўлими учун мақсадни шакллантириш зарур. Шу йўл билан бутун ташкилот учун аниқ шаклланган мақсадни йўлга қўйиш ҳам бўлим бошлиқларига фақат ўзларининг хизмат соҳаларига эмас, балки бутун ташкилотга қулайлик туғдирувчи қарорлар қабул қилишга ёрдам беради. Ташкилотнинг қонун-қоидаларини баён этиш комплексли мақсаднинг мазмунини очиб беради. Ташкилот барча ходимларнинг аҳиллигига эришиш учун умумташкилий комплексли мақсадни баён қилиб, ихтилоф эҳтимолини камайтиришга ҳаракат қилади.

Мукофотлаш тизимининг тузилмаси (структураси). Дисфункционал оқибатлардан қутилиш учун ходимларнинг хатти-ҳаракатларига таъсир этиб, ихтилофли ва-

зиятни бошқариш усули сифатида мукофотлашдан фойдаланиш мумкин. Умумташкилий комплексли мақсадга эришиш учун ўз ҳиссасини қўшаётган, ташкилотнинг бошқа гуруҳларига кўмак бераётган ва муаммо ечимига ҳар томонлама ёндашишга ҳаракат қилаётган ходимларни миннатдорчилик, мукофот ёки лавозимини кўтариш билан рағбатлантириш мумкин.

Мукофотлаш тизимидан доимий равишда ўзаро мувофиқлашган ҳолда фойдаланиш ва раҳбариятнинг хоҳиш-истакларига мос келиши учун ходимлар ихтилофли вазиятда ўзларини қандай тутишлари кераклигини тушунишларига ёрдам бериб, *умумташкилий* мақсадни амалга оширишга кўмаклашаётганларни рағбатлантириш лозим.

### **Ихтилофни ҳал қилишнинг шахслараро услублари**

Ихтилофни ҳал этишнинг бешта шахслараро услублари мавжуд:

**Четга чиқиш.** Бу услуб инсон ихтилофдан четга чиқишга уринишини кўзда тутиш билан таърифланади. Ихтилофни ҳал этишнинг усулларида бири – зиддиятнинг пайдо бўлишига олиб келувчи вазиятни вужудга келтирмаслик, келишмовчиликка сабаб бўладиган масалаларни муҳокама қилишга киришмасликдир.

**Кескинликни юмшатиш.** Бу услуб ишонч (эътиқод) ҳукмини ўтказадиган хатти-ҳаракат билан таърифланади, яъни хафа бўлмаслик керак, чунки “биз барчамиз – ягона бахтли жамоамиз, кемани чайқатмаслик керак”. “Кескинликни юмшатувчи” бирдамликка бўлган эҳтиёжга таяниб, ихтилофни ташқарига чиқармасликка уринади. Афсуски, баъзан ихтилоф замиридаги муаммони бутунлай унутиб қўйилади. “Бу катта аҳамияга эга эмас!”, деган жумлани такрорлаб, бошқаларнинг ихтилофга бўлган ҳолатини камайтириш мумкин. Натижада тинч-

лик, хотиржамлик қарор топади, лекин муаммо ҳал бўлмай қолаверади. Ҳис-туйғуларни намоён этиш учун бошқа имконият йўқ, лекин муаммо кўпая бошлайди. Умумий безовталиқ ортиб, оқибатда “портлаш” юз бериши мумкин.

**Мажбурлаш.** Бу услуб доирасида ўз қарашларини қабул қилиш учун мажбурлашга бўлган уриниш устун келади. Бу ишни қилишга уринаётганлар ўзгалар фикри билан қизиқмайди. Бу услубни қўллайдиган шахс, одатда, ўзини тажовузкорона тутади, бошқаларга таъсир ўтказиш учун ҳокимиятдан мажбурлаш орқали фойдаланади. Жуда ҳам кучли ҳокимиятга эга эканлигини кўрсатиб, рақибни мағлуб қилиб, ундан раҳбарлик ҳуқуқини тортиб олиб, ихтилофни назоратга олиши мумкин.

Мажбурлашнинг бу услуби раҳбар ходимлари устидан қатъий ҳукмронликка эга бўлган вазиятда самарали бўлиши мумкин. Бу услубнинг камчилиги шундаки, у ходимлар ташаббусини сўндиради.

**Келишув.** Бу услуб, фақат маълум даражагача, бошқа томоннинг нуқтаи назарини қабул қилиш билан таърифланади. Келишса олиш услуби бошқарувда юксак баҳоланади, чунки у иккала томонни муросага келтириб, ихтилофни тез ҳал этиш имконини беради. Бироқ муҳим қарор туфайли келиб чиққан ихтилофнинг илк босқичида келишувдан фойдаланиш муаммога ташхис қўйиш ва муқобил қарорларни излашга кетадиган вақтни қисқартиришга ҳалақит бериши мумкин. Бундай келишув, агар бунда ҳатто мулоҳазали ҳаракатлардан воз кечиш юз бераётган бўлса ҳам, фақат низолардан қутилиш учун бўлган розиликни англатади. Бундай келишув – мавжуд далил ва маълумотларнинг мантиқий эканлигини қатъий излаш эмас, балки мумкин бўлган нарсалардан қаноатланишдир.

**Муаммони ҳал этиш.** Ушбу услуб ихтилофнинг са-

зиятни бошқариш усули сифатида мукофотлашдан фойдаланиш мумкин. Умумташкилий комплексли мақсадга эришиш учун ўз ҳиссасини қўшаётган, ташкилотнинг бошқа гуруҳларига кўмак бераётган ва муаммо ечимига ҳар томонлама ёндашишга ҳаракат қилаётган ходимларни миннатдорчилик, мукофот ёки лавозимини кўтариш билан рағбатлантириш мумкин.

Мукофотлаш тизимидан доимий равишда ўзаро мувофиқлашган ҳолда фойдаланиш ва раҳбариятнинг хоҳиш-истакларига мос келиши учун ходимлар ихтилофли вазиятда ўзларини қандай тутишлари кераклигини тушунишларига ёрдам бериб, *умумташкилий* мақсадни амалга оширишга кўмаклашаётганларни рағбатлантириш лозим.

### **Ихтилофни ҳал қилишнинг шахслараро услублари**

Ихтилофни ҳал этишнинг бешта шахслараро услублари мавжуд:

**Четга чиқиш.** Бу услуб инсон ихтилофдан четга чиқишга уринишини кўзда тутиш билан таърифланади. Ихтилофни ҳал этишнинг усулларида бири – зиддиятнинг пайдо бўлишига олиб келувчи вазиятни вужудга келтирмаслик, келишмовчиликка сабаб бўладиган масалаларни муҳокама қилишга киришмасликдир.

**Кескинликни юмшатиш.** Бу услуб ишонч (эътиқод) ҳукмини ўтказадиган хатти-ҳаракат билан таърифланади, яъни хафа бўлмаслик керак, чунки “биз барчамиз – ягона бахтли жамоамиз, кемани чайқатмаслик керак”. “Кескинликни юмшатувчи” бирдамликка бўлган эҳтиёжга таяниб, ихтилофни ташқарига чиқармасликка уринади. Афсуски, баъзан ихтилоф замиридаги муаммони бутунлай унутиб қўйилади. “Бу катта аҳамияга эга эмас!”, деган жумлани такрорлаб, бошқаларнинг ихтилофга бўлган ҳолатини камайтириш мумкин. Натижада тинч-

лик, хотиржамлик қарор топади, лекин муаммо ҳал бўлмай қолаверади. Ҳис-туйғуларни намоён этиш учун бошқа имконият йўқ, лекин муаммо қўпая бошлайди. Умумий безовталиқ ортиб, оқибатда “портлаш” юз бериши мумкин.

**Мажбурлаш.** Бу услуб доирасида ўз қарашларини қабул қилиш учун мажбурлашга бўлган уриниш устун келади. Бу ишни қилишга уринаётганлар ўзгалар фикри билан қизиқмайди. Бу услубни қўллайдиган шахс, одатда, ўзини тажовузкорона тутаяди, бошқаларга таъсир ўтказиш учун ҳокимиятдан мажбурлаш орқали фойдаланади. Жуда ҳам кучли ҳокимиятга эга эканлигини кўрсатиб, рақибни мағлуб қилиб, ундан раҳбарлик ҳуқуқини тортиб олиб, ихтилофни назоратга олиши мумкин.

Мажбурлашнинг бу услуби раҳбар ходимлари устидан қатъий ҳукмронликка эга бўлган вазиятда самарали бўлиши мумкин. Бу услубнинг камчилиги шундаки, у ходимлар ташаббусини сўндиради.

**Келишув.** Бу услуб, фақат маълум даражагача, бошқа томоннинг нуқтаи назарини қабул қилиш билан таърифланади. Келиша олиш услуби бошқарувда юксак баҳоланади, чунки у иккала томонни муросага келтириб, ихтилофни тез ҳал этиш имконини беради. Бироқ муҳим қарор туфайли келиб чиққан ихтилофнинг илк босқичида келишувдан фойдаланиш муаммога таъхис қўйиш ва муқобил қарорларни излашга кетадиган вақтни қисқартиришга ҳалақит бериши мумкин. Бундай келишув, агар бунда ҳатто мулоҳазали ҳаракатлардан воз кечиш юз бераётган бўлса ҳам, фақат низолардан қутилиш учун бўлган розиликни англатади. Бундай келишув – мавжуд далил ва маълумотларнинг мантиқий эканлигини қатъий излаш эмас, балки мумкин бўлган нарсалардан қаноатланишдир.

**Муаммони ҳал этиш.** Ушбу услуб ихтилофнинг са-



бабини англаш ва барчага мос келадиган ҳаракат йўналишларини топиш учун фикрлар ўртасидаги тафовутни тан олиб, бошқа фикрлар билан танишишга тайёр туришдир. Бу услубни қўлловчилар бошқалар ҳисоби-га ўз мақсадига эришишга интилмайдди, балки ихтилофли вазиятни ҳал этишнинг энг мақбул чорасини қидиради. Қарашлардаги келишмовчилик ақлли одамларда нима тўғри ва нима нотўғри эканлиги ҳақида ўз тасаввурлари мавжудлигининг муқаррар натижаси сифатида қаралади. Сизнинг қарашларингиздан фарқ қилувчи шахс билан бевосита мулоқотга киришиш йўли билан ҳиссиётларни йўқотиш мумкин. Чуқур таҳлил қилиш орқали ихтилофни ҳал этиш мумкин, фақат бунинг учун етуклик ва одамлар билан ишлаш санъати талаб этилади. Ихтилофни ҳал этишдаги бундай тузилиш (муаммони ечиш йўли билан) шахс ва ташкилотнинг муваффақияти учун зарур соғлом муҳитни яратишга ёрдам беради.

Тадқиқотлардан маълумки, ихтилофли вазиятларда муаммони ҳал этиш услубидан юқори самарага эга ташкилотлар паст самарали ташкилотларга қараганда кўпроқ фойдаланган. Юқори самарага эга ташкилотларда раҳбарлар зиддиятларни таъкидлаб ўтмай, қарашлардаги фарқларни очиқ муҳокама қилганлар.

Ихтилофни ҳал этишнинг ушбу услубидан фойдаланиш учун айрим таклифлар:

1. Муаммони мақсадлар эмас, ечимлар туркумида аниқлаб олинг.

2. Муаммо аниқлангандан сўнг иккала томон учун мос келадиган ечимларни топинг.

3. Эътиборни бошқа томоннинг шахсий сифатларига эмас, балки муаммога қаратинг.

4. Ўзаро таъсир ва ахборот алмашинувини ошириб, ишонч муҳитини яратинг.

5. Мулоқот чоғида иккинчи томон фикрларига қулоқ тутиб, қизиқишингизни намоён этинг, шунингдек, ўзаро ижобий муносабат яратинг.

### Ўйинларнинг математик назарияси

Математик фанлар математик қурилма томонидан қайта ишлашга берилувчан ҳодиса сифатида ўйин ҳодисаларини тадқиқ қиладиган шахсий тармоғи билан ажралиб туради. Назарий ўйин мунозараларининг келиб чиқиши Баше де-Мезирак (XVII аср ўргалари) ишларига бориб тақалади. Ихтилофнинг математик назарияси - ўйинлар назариясини яратиш гоёси XX асрнинг бошларидан шаклланиб келмоқда. Бунга К. Бутон, Э. Ласкер, Е. Мур, Э. Цермело, Э. Борел, Г. Штейнгаузларнинг ишлари мисолдир. Ўша пайтдан бошлаб математика, иқтисод, биология ва кибернетика фанларида қўллана бошланган ўйинлар назарияси бўйича ишлар пайдо бўла бошлаган. Хусусан:

— “ўйин” тушунчасида унинг иштирокчилари голибликка интилиб, муайян қоидалар, шартлар ва чекланмалар тизимига мувофиқ ҳаракат қиладиган ҳар қандай мусобақаларни тушуниш мумкин;

— ўйинлар назарияси феъл-атвор масалаларини тадқиқ қилиш ва ихтилофли вазиятда ҳар бир иштирокчи хатти-ҳаракатининг мақбул қоидаларини (стратегия) ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи математиканинг бир бўлимини ифодалайди;

— ўйин ҳар бир ихтилофнинг модели сифатида ифодаланади, яъни турли манфаатлар, сабаблар, қурилмаларга эга бир нечта иштирокчилар жалб этилган вазият.

Ўйинлар назариясида ўйинчилар ортида ким ёки нима ширилганининг фарқи йўқ: жонли ёки жонсиз нарсалар, табиат, ижтимоий ёки биологик борлиқ унсурлари.

бабини англаш ва барчага мос келадиган ҳаракат йўналишларини топиш учун фикрлар ўртасидаги тафовутни тан олиб, бошқа фикрлар билан танишишга тайёр туришдир. Бу услубни қўлловчилар бошқалар ҳисобига ўз мақсадига эришишга интилмайдди, балки ихтилофли вазиятни ҳал этишнинг энг мақбул чорасини қидиради. Қарашлардаги келишмовчилик ақлли одамларда нима тўғри ва нима нотўғри эканлиги ҳақида ўз тасаввурлари мавжудлигининг муқаррар натижаси сифатида қаралади. Сизнинг қарашларингиздан фарқ қилувчи шахс билан бевосита мулоқотга киришиш йўли билан ҳиссиётларни йўқотиш мумкин. Чуқур таҳлил қилиш орқали ихтилофни ҳал этиш мумкин, фақат бунинг учун етуклик ва одамлар билан ишлаш санъати талаб этилади. Ихтилофни ҳал этишдаги бундай тузилиш (муаммони ечиш йўли билан) шахс ва ташкилотнинг муваффақияти учун зарур соғлом муҳитни яратишга ёрдам беради.

Тадқиқотлардан маълумки, ихтилофли вазиятларда муаммони ҳал этиш услубидан юқори самарага эга ташкилотлар паст самарали ташкилотларга қараганда кўпроқ фойдаланган. Юқори самарага эга ташкилотларда раҳбарлар зиддиятларни таъкидлаб ўтмай, қарашлардаги фарқларни очиқ муҳокама қилганлар.

Ихтилофни ҳал этишнинг ушбу услубидан фойдаланиш учун айрим таклифлар:

1. Муаммони мақсадлар эмас, ечимлар туркумида аниқлаб олинг.

2. Муаммо аниқлангандан сўнг иккала томон учун мос келадиган ечимларни топинг.

3. Эътиборни бошқа томоннинг шахсий сифатларига эмас, балки муаммога қаратинг.

4. Ўзаро таъсир ва ахборот алмашинувини ошириб, ишонч муҳитини яратинг.

5. Мулоқот чоғида иккинчи томон фикрларига қулоқ тутиб, қизиқишингизни намоён этинг, шунингдек, ўзаро ижобий муносабат яратинг.

### Ўйинларнинг математик назарияси

Математик фанлар математик қурилма томонидан қайта ишлашга берилувчан ҳодиса сифатида ўйин ҳодисаларини тадқиқ қиладиган шахсий тармоғи билан ажралиб туради. Назарий ўйин мунозараларининг келиб чиқиши Баше де-Мезирак (XVII аср ўрталари) ишларига бориб тақалади. Ихтилофнинг математик назарияси - ўйинлар назариясини яратиш гоёси XX асрнинг бошларидан шаклланиб келмоқда. Бунга К. Бутон, Э. Ласкер, Е. Мур, Э. Цермело, Э. Борел, Г. Штейнгаузларнинг ишлари мисолдир. Ўша пайтдан бошлаб математика, иқтисод, биология ва кибернетика фанларида қўллана бошланган ўйинлар назарияси бўйича ишлар пайдо бўла бошлаган. Хусусан:

— “ўйин” тушунчасида унинг иштирокчилари голибликка интилиб, муайян қоидалар, шартлар ва чекланмалар тизимига мувофиқ ҳаракат қиладиган ҳар қандай мусобақаларни тушуниш мумкин;

— ўйинлар назарияси феъл-атвор масалаларини тадқиқ қилиш ва ихтилофли вазиятда ҳар бир иштирокчи хатти-ҳаракатининг мақбул қоидаларини (стратегия) ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи математиканинг бир бўлимини ифодалайди;

— ўйин ҳар бир ихтилофнинг модели сифатида ифодаланади, яъни турли манфаатлар, сабаблар, қурилмаларга эга бир нечта иштирокчилар жалб этилган вазият.

Ўйинлар назариясида ўйинчилар ортида ким ёки нима яширилганининг фарқи йўқ: жонли ёки жонсиз нарсалар, табиат, ижтимоий ёки биологик борлиқ унсурлари.

У учун асосийси ихтилоф мавжуд, ўйинчи ёки ўйинчиларга у ноаниқликнинг турли босқичларида математик жиҳатдан аниқ ҳисобланган фаолиятни таклиф этади. Ноаниқлик нафақат ўйинчини, балки кузатувчи, томошабинни ҳам ўзига тортади. Ғалабага бўлган ишонч ҳаракатланаётган ўйинчиларнинг кучи ҳисобланади. Ўйинларнинг жозибаси маълум даражада натижанинг ноаниқлигидан иборат. Бу ноаниқлик инсонларни ихтилофли вазиятга киришишига, ўйинда нафақат ўйинчи сифатида, балки ишқибозлар сифатида иштирок этишга ундайди.

Ж. Поскалевнинг фикрича, инсонлар ноаниқлик шароитида голиб чиқиш учун ихтилофга киришади, яъни ютуқ аломати, албатта, ўйинда мавжуд бўлади. У иккиламчи бўлиб, ихтилофдан ҳосил бўлади. Ихтилоф муайян натижа: ютуқ ёки мағлубият ёхуд дуранг натижа билан яқунланади.

Демак, ўйин назариясида ўйин асосий омил сифатида ихтилоф тусини олади. Инсон ҳаёти чексиз ихтилофлар алмашинуви эканлигини қуйида кузатиш мумкин: “Йилнома тарихининг 5600 йили давомида инсоният қарийб 14600 та урушни бошидан ўтказди, бу йилига тахминан 2,6 та дегани”. Кейинчалик “Тажовуз” китобининг биринчи нашри муаллифлари Р. Бэрон ва Д. Ричардсонларнинг таъкидлашларича, “бу даврда яшаган бир юз саксон бешта авлоддан бор-йўғи ўнтасига ҳаётларини уруш даҳшатлари нималигини билмай ўтказиш бахти муяссар бўлган”. Ҳар бир аср, ҳар бир замон, шу жумладан, XX асрда ҳам ҳарбий ихтилофлар бўлган. Тадқиқотчилар ихтилоф салбий жазаванинг ифодаланиши, деган фикрга таянишмоқда. Жазавага тушишнинг барча манбаларини инсоният жамиятига хос бўлган мавжуд жисмоний ва ижтимоий дунёдан йўқотиб юборишнинг иложи йўқ. “Ихтилоф, – А.Г. Здравомысловнинг фикрича, – бу инсонларнинг жамиятда ўзаро ҳаракат қилиш-

ларининг муҳим томони бўлиб, ижтимоий борлиқнинг ўзига хос хужайрасидир. Ижтимоий фаолиятнинг нуфузли ёки фаол субъектлари орасидаги муносабатларнинг ушбу шакли, баъзи сабабларга кўра, бир-бирига зид қадриятлар ва меъёрлар, манфаатлар ва эҳтиёжлар билан шарт қилиб қўйилган”. Бундан ташқари, муаллиф шуни алоҳида таъкидлайди, “... ихтилоф – ҳаётнинг оддий ҳодисасидир; умуман олганда, ихтилофни аниқлаш ва ривожланиши фойдали ҳамда зарурдир”.

Ихтилофшунослик (конфликтология) бўйича мутахассис А.Я. Анцуповнинг таъкидлашича, “ихтилоф” тушунчаси катта ҳажмга эга “резинали” тушунчаларга мансуб: “... ихтилоф кенг маънода урушдан бошлаб, сутли ва қаймоқли музқаймоқлардан бирини танлашгача бўлган барча нарсаларни ўз ичига олади ...”. Ихтилоф шахсий, шахслараро, ижтимоий гуруҳлараро, давлатлар ва давлатлар ўртасидаги иттифоқлар даражасигача авж олади.

Шу йўл билан ихтилофнинг кенг тарқалганлиги ва уни ўйинларнинг математик назарияси доирасида ҳал этиш зарурияти ҳақида мантиқий хулоса келиб чиқади. Тарихий жараёндаги амалиёт бутунги кунга келиб, инсоннинг мавжудлигига бевосита таҳдид солувчи (сиёсий, диний, ҳарбий, этник, ирқий, технологик, ахборот каби) кўпгина ихтилофлардан башарият қутилишни ҳали ўрганиб олмаганини кўрсатмоқда. Б.С. Галимов ва А.И. Селивановлар фикрлари деярли бир хил: “Ихтилофлар табиий ва сунъий йўл билан келиб чиқади. (Қизиқ, масалан, қачонлардир дунёда юзага келган миллий ихтилофларнинг ҳеч бири ҳал этилмаган.)”. Шу йўл билан, эътибор шаклланишидан ҳеч ҳам қутилишнинг иложи бўлмаган ихтилофнинг ўзига эмас, балки ундан чиқиш усуллари, уни назорат қилинадиган, бинобарин, инсоннинг ўзи томонидан ўзгарадиган беҳатар ҳолатга ўтказишга қаратилади.

Ўйинларнинг математик назарияси ўз назарияси до-

ирасида ихтилофли ҳолатларни назарий ҳал этишда катта билим имкониятини тўплаган. Ушбу фан асосчиси Ж. фон Нейман шундай таъкидлайди, "... агар шахмат назарияси бутунлай маълум бўлганда эди, бу ўйинни ўйнашнинг қизиги қолмасди". Ихтилофни ҳал этиш - ўйиннинг яқуний алгоритмини бир марта ҳосил қилиб, назария ўйин ҳолатини қотиб қолган, механик фаолиятга айлантиради. Ўйин гўёки ишни тайёрлайди, унга шароит яратиб, асос бўлиб хизмат қилади. Бошида ўйинда ўрғанилган нарсалар кейинчалик қандай қилиб кундалик меҳнат фаолиятига ўтади. Бунда ўйин меҳнатдан тайёргарлик ва самарали меҳнатнинг шарти сифатида илгарилаб кетади.

Йирик математик Н.Н. Воробьев "ихтилоф" тушунчасини қуйидагича таърифлайди: "Ихтилофни мазмунан табиий ҳодиса сифатида тушуниш керак, бу ҳодисага мос равишда унда ким ва қандай иштирок этиши, унинг яқунлари қандай бўлиши мумкин, шунингдек, ким ва қандай қилиб бу яқунлардан манфаатдор эканлиги ҳақидаги масалалар тушунилади". Ўйинлар назарияси ихтилофлар шароитида мақбул қарорлар қабул қилиш назариясидир, бунда онгли равишда қуйидагилар олдиндан айтилади: "... ўйинлар назарияси, мақбул қарорлар қабул қилиш билан муносабатда бўлиб, асло ихтилофларни фаҳмлашнинг дескриптив жиҳатларига эмас, меъёрий жиҳатига тааллуқлидир. У, айниқса, бу сўзнинг ҳаётий маъносида муайян ўйинларнинг тавсифига, шунингдек, улар ихтилоф, агар таъбир жоиз бўлса, уларнинг қалбаки нусхалари тегишли эмас. Айнан шундай ўйинлар назарияси чекланган меъёрда ҳақиқий ихтилофларни идрок этишнинг конструктив жиҳатига алоқадор бўлади (шу билан бирга, уларнинг қалбаки нусхалари - ўйинлар) ва голиблик рецептини ишлаб чиқишга ёрдам бера олса ҳам, уларни кўрсатишни талаб этмайди".

Бир тарафдан, ўйинларнинг математик назарияси

ихтилоф мавжуд бўлган ҳодиса ва жараёнларни умумий қамраб олишга даъво қилса, бошқа тарафдан, ўз фаолият доираларини қатъий шарт қилиб қўяди - у эса деярли ҳеч нарсага жавоб бермайди. Ихтилоф назарияси - ҳодиса бўлса, ихтилофнинг хавфли оқибатларига йўл қўймаслик бутунлай бошқадир. Шу билан бирга, ўйинларнинг ўнлаб, юзлаб номларини келтириш мумкин, уларни тадқиқ қилганлар оддий аломат сифатида ихтилоф аломатини кўрсатмайди. Кўпгина ўйинлар ўз-ўзидан бўлиши керак бўлган, гўё тараққиётнинг табиий силжиши сифатида шунчаки ўйналади. Мисол учун, болаларнинг тенгдошлари билан қўғирчоқларни ўйнаши, янги турмуш қурганларнинг севги ўйинлари, сут эмизувчи ва қушларнинг севги ўйинлари. Улар ўйналади ва ўйинчилар бу ҳолатларда яққол намоён бўладиган ихтилофни ҳал этиш мақсадини қўймайдилар.

"Ўйинчи" тушунчаси бу унсурнинг мавжудлигини хотирада сақлайди. Бирор-бир ўйин математик жиҳатдан қайта ишланиб, ўйинчи ҳаракатининг беҳато алгоритми яратилиши биланок, у шу заҳоти ё ютуқ, ё дуранг ёки мағлубиятга етакловчи қатъий белгиланган ҳаракатлар кетма-кетлигига айланиб, ўйинлик хусусиятини йўқотади. М.З. Грузман кўрсатишича, Р. Гаскел ва М. Ваниганларнинг ўйинларида "оддий алгоритм мавжуд, ўйинни бошловчи ҳуқуқига эга ўйинчи бу алгоритмни билган ҳолда ўзи учун ҳар доим ютуқни таъминлайди". Бундай алгоритм намоён бўлгандан сўнг ундан хабардор бўлганлар учун ўйин худди иррационал, маънавий омил сифатида ўз жозибасини йўқотади, у белгилаб қўйилган ҳаракатларнинг қатъий йиғиндисига айланади. Бироқ ҳатто ўйинларнинг математик назарияси ҳам айрим ихтилофларнинг яқунини юз фоиз олдиндан аниқлай олмайди. Ўйин (ихтилоф) яқунидаги ноаниқликнинг 3 та асосий сабабини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчидан, барчани ёки ўйин хатти-ҳаракатларининг кўпгина вариантларини ҳамда бу ўйинлардан ютуққа олиб келадиган омилни тадқиқ қилишнинг имкони мавжуд. Ноаниқлик вариантларнинг кўпчилиги ва ҳақиқийлига кўра, уларни тартибга солишдаги мураккаблик туфайли келиб чиқади. Инсон онги чекланган вақт ораллигида барча вариантларни тадқиқ қила олмайди (масалан: японча ўйин ГО, русча ва халқаро шашкалар, британча реверслар).

Иккинчидан, ўйинчилар томонидан прогноз қилинмайдиган омилларнинг ўйинга тасодифий таъсири мавжуд. Бу омил ўйин натижасига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади ва оз миқдорда ўйинчилар томонидан назорат қилиниши ёки аниқланиши мумкин. Ўйиннинг якуний натижаси кичик миқдорда ўйинчиларнинг ҳаракати билан белгиланади. “Тасодифий сабабларга кўра, натижаси ноаниқ бўлган ўйинлар қизиқтирувчи (азарт) ўйинлар деб аталади (французча *hasard* - тасодиф)”. Ўйин натижаси ҳар доим тахминий хусусиятга эга бўлади (рулетка, ошиқ, “орлянка” ўйинлари).

Учинчидан, ноаниқлик ўйинчи рақибга қарши қандай стратегияга амал қилаётгани ҳақидаги ахборотнинг йўқлигидан келиб чиқади. Ўйинчининг рақибнинг хатти-ҳаракатларидан беҳабарлиги принципиал хусусиятга эга ва ўйиннинг қоидалари билан белгиланади. Бундай ўйинлар стратегик деб номланади.

Ўйинларни таснифлаш қуйидаги асослар ёрдамида ўрганилади:

а) ўйинчиларнинг сони – якка, жуфт, уч ўйинчи билан, тўртта ўйинчи билан ва ш.к.;

б) стратегиялар сони – якуний (ҳар бир ўйинчи якуни мавжуд кўплаб юришларга эга) ва чексиз (камида бир ўйинчи чексиз юришларга эга, мисол учун, биологик бир турнинг табиат билан ўйини);

в) ўйинчилар муносабатларининг хусусияти – ҳар бири ўзи учун ўйнайдиган уюшмаган (коалицион бўлмаган) ўйинлар, бир хил ўйин вақтидан манфаатдор ўйинчилар бир иттифоққа бирлашадиган ҳамкорликдаги (кооператив) ўйинлар;

г) ютуқ хусусияти – миқдори нолга тенг ўйинлар (умумий ютуқ миқдори ўзгармайди, фақат қайта тақсимланади ёки ўша ўйиннинг барча партияларида ҳамма ўйинчилар ютуқларининг йиғиндиси нолга тенг) ва миқдори нол бўлмаган ўйинлар (масалан: ташкилотчи ҳар доим голиб келадиган лоторея), бошқа ўйинчилар (билетни харид қилганлар) эса доимо билет нархидан анча кам бўлган ютуқ миқдорини қўлга киритади;

д) юришлар сони – бир ва кўп юришли, кўп юришлиси стохастик ва дифференциалга бўлинади;

е) ўйин ҳақидаги ахборот ҳолати – тўлиқ ахборотга эга ўйинлар (ўйинчилар барча ўйин ҳақидаги ахборотни рақибнинг навбатдаги юришидан кейин олади) ва тўлиқ бўлмаган ёки яширин ахборотли ўйинлар.

### Синергетика ва мустақил ташкил этиш

Синергетика – ўз маъносининг муайян қисмида ҳамда мустақил ташкил этиш, ривожланиш ва эволюция каби тушунчалар уларга синергетик жараённинг натижалари сифатида барча нарсаларни кўрсатиш имконини берувчи умумийликка эга. Айниқса, мустақил ташкил этиш синергетика билан чамбарчас боғлиқдир. Бироқ бундай боғланишлар икки маънога эга. Бир томондан, мустақил ташкил этишнинг самараси муҳимдир, лекин шундай бўлса ҳам синергетикани ифодаловчи таркибий қисмлардан бири, бошқа тарафдан, айнан шу таркибий қисм синергетиканинг умумий тушунчасига алоҳида маъно беради. Одатда, у муҳимроқ ва катта қизиқиш уйғотади.

Мустақил ташкил этишнинг нафақат натижалари, балки шарт-шароитлари, сабаблари ва ҳаракатланувчи кучлари муқобилига эга. И.Р. Пригожиннинг диссипатив тузилмаларга мувофиқ бўлган қарашларида сўз когерент мустақил ташкил этиш ҳақида кетяпти, унга А.П. Руденко томонидан ишлаб чиқилган ва таклиф этилган индивидуал микротизимларнинг давомли (континуал) мустақил ташкил этиши муқобил ҳисобланади. Тенг мувозанатда бўлмаган очиқ тизимларни мустақил ташкил этиш ҳодисасини назарий асослаш, тартибга солиш жараёни И.Р. Пригожин ва А.П. Руденколар томонидан бир-бирларидан алоҳида ҳолда деярли бир вақтда тақдим этилган. А.П. Руденко таклиф этган “континуал” мустақил ташкил этишнинг асосий устунлиги айнан шундай ёндашув мустақил ташкил этиш ва мустақил ривожланиш алоқаларини муҳокама қилиш имконини беришидир. Илғор қарашлар билан мувофиқ равишда ривожланувчан эволюциянинг моҳияти индивидуал объектларни континуал ташкил этишнинг мустақил ривожланишидан иборат. Табиий танланиш мустақил ривожланиш ва эволюциянинг фақат континуал ташкил этишга оид индивидуал микрообъектлар эга ва айнан ривожланувчан кимёвий эволюция ҳаётнинг пайдо бўлишида замин бўла олади.

Шундай қилиб, мавжуд анъаналардан келиб чиқиб, Г. Хакеннинг асосий фикри ва ифодаларга таяниб, қуйидаги таърифларни таклиф этиш мумкин:

**Синергетика** (грекча *synergetikos* – биргаликдаги, мос равишда ҳаракат қилувчи) – таълим жараёнлари ва объектларнинг (унсурлар, осттизимлар) оммавий (жамоавий) ўзаро ҳаракатларини ўрганувчи илмий йўналишидир: 1) мувозанати тенг бўлмаган шароитдаги очиқ тизимларда рўй берадиган; 2) моддаларнинг жадал алмашинуви ва тизимли осттизимлар қуввати ҳамда атроф-муҳит тизимлари билан кузатиладиган; 3) объектлар (ост-

тизимлар) хатти-ҳаракатларининг ўзбошимчалилиги (ташқаридан кучли детерминациянинг йўқлиги), ушбу объектлар (осттизимлар)нинг ўзаро ҳаракатига мос келувчи; 4) тартибга солиш, мустақил ташкил этиш, энтропиянинг камайиши, шунингдек, тизимларнинг эволюцияси натижасига эгаллиги билан таърифланади.

“Ножисмоний” мазмунни ўз ичига олувчи кенг ифода-далаш:

айнан синергетикани таърифлашдан воз кечиб, бу соҳада мутахассислар қандай тадқиқотлар билан шуғулланаётганликларини аниқлаш лозим. Шу муносабат билан қуйидаги таърифлар таклиф этилади.

Мустақил ташкил этишнинг синергетик тамойили

1. Тадқиқот объектлари моддалар ва осттизимлар ўртасида ҳамда уни ўраб турувчи тизим ўртасидаги қувватнинг жадал (оқимли, кўп дискретли) алмашинуви билан таърифланувчи тенг бўлмаган ҳолатдаги очиқ тизимлар ҳисобланади.

Муайян тизим, шунингдек, унинг субстрати бўлган муҳитга тушади.

2. Муҳит — ҳаракатдаги (динамика) унинг (муҳит) объектларини ташкил қилувчи омиллар йиғиндиси. Муҳитда тадқиқ қилинаётган объектларнинг ўзаро ҳаракати яқин ҳаракат - алоқали ўзаро ҳаракат сифатида таърифланади. Объектлар муҳити газсимон, бир турдаги ёки яхлит ҳолда таърифланадиган жисмоний, биологик ва бошқа даражада амалга оширилиши мумкин.

3. Ташкил этиш ва мустақил ташкил этиш жараёнлари бир-биридан фарқ қилади. Улар учун умумий ҳолат муҳитнинг (шунингдек, бошқа мезонларга кўра ҳалокатдан узоқлашиш) мустақил равишда ўзаро ҳаракат қиладиган унсурларининг термодинамик мувозанатини ўрнатишга зид бўлган жараёнларнинг бориши натижасида тартибнинг кўпайишидир.

(Ташкил этиш, мустақил ташкил этишдан фарқли равишда, мисол учун, бир турдаги барқарор статистик тузилмаларнинг ташкил этиш билан таърифланиши мумкин).

4. Мустақил ташкил этиш натижаси, мавжуд муҳит (объектлари) унсурларига қараганда, ахборот моҳиятига кўра, анча мураккаб ҳаракатланувчи (динамик) объектларнинг пайдо бўлиши, ўзаро ҳаракати ҳамда ёрдам кўрсатиши (масалан, кооперация) ва регенерациясидир. Тизим ва уни таркибий қисмлари зарурий ҳаракатланувчи тузилмалар ҳисобланади.

5. Мустақил ташкил этиш жараёнларининг йўналтирилганлиги объектларнинг (осттизим) ички хусусияти, уларнинг индивидуал ва жамоавий намоён бўлишида, шунингдек, тизим “юкланган” муҳит томонидан бўладиган таъсирларда шарт қилиб қўйилган.

6. Унсурлар (осттизимлар) ва тизимларнинг хатти-ҳаракати кутилмаганлик (спонтанность) билан таърифланади, хулқ-атвор фаолиятлари қатъий детерминлашмаган.

7. Мустақил ташкил этиш жараёнлари бошқа жараёнлар, хусусан, қарама-қарши йўналганлик билан муайян муҳитда содир бўлади ва тизимлар мавжудлигининг алоҳида даврларида ҳам кейингиларидан устун туриши (прогресс), уларга ён бериши (регресс) мумкин. Бунда тизим барқарор тамойил ёки эволюция ёхуд инқирозга эга бўлиши мумкин.

Мустақил ташкил этиш ўз асосида ташкил этиш жараёни натижасида илгари пайдо бўлган ўзгариш жараёни ёки тузилманинг таназзулига эга бўлиши мумкин.

Келтирилган таъриф, синергетикага тааллуқли мазмунни аниқлаштириш (конкретизация) ва моделлаштирувчи мустақил ташкил этиладиган муҳитни вужудга келтириш учун мезонларни ишлаб чиқиш йўлида зарурий қадам бўлади.


Синергетика ва мустақил ташкил этишнинг ўзаро муносабати ҳақида шуни аниқ айтиш керакки, улар кенгайтирадиган мазмун ҳамда уларга жойланган ғоялар бир-биридан ажралмасдир. Бироқ улар тафовутларга ҳам эга.

### Когнитив ихтилофни ҳисобга олувчи қарорлар қабулини қувватлаш тизими (ҚҚҚТ)нинг тузилмавий модели

Юқорида тилга олинган психологик ва математик қарашлардан қуйидаги хулоса чиқариш мумкин:

1. ҚҚҚТ (қарор қабулини қувватлаш тизими) учун ихтилофни баҳолайдиган эксперт модулини қўшиш лозим.
2. Аниқланган ихтилоф ушбу ихтилофнинг қўплаб ечимлари ҳосил бўлиши билан ҳал этилади.
3. ҚҚҚТ ўз услублари билан энг кўп рационал ечимларни баҳолайди ва у билан мос равишда келгусидаги ҳолатни ривожлантиради.

Уни қуйидаги 6-жадвалда кузатиш мумкин:



Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

ҚҚҚТ ихтилофни аниқ кўрсатади ва уни эксперт тизимига узатади, у эса ихтилофнинг кўплаб ечимларини аниқлаши мумкин. Кўплаб ечимлар қўлга киритилгач, ҚҚҚТни ҳал эта оладиган мувофиқлаштиришнинг янги масаласини оламиз. Бунда ёпиқ ва барқарор тизим пайдо бўлади. ҚҚҚТ қўйилган мезонларга биноан ўз рационал ечимини топади. Барча ихтилофлар таснифланган ва рационал ечимни саралаш мезонларини қатъий кўрсатиши мумкин.

Шундай қилиб, моделлаштирилаётган тизим бир нечта мустақил модулларга бўлинади, у эса тизимли хатоларга нисбатан зид бўлишда енгиллик ва барқарорликни тақдим этади.

Ахборот тизимлари ва ҳисоблаш машиналари қуввати тараққиёти босқичида қуйидаги тасвир жуда тез ишлайди ҳамда мустақил бошқарув тизимлари ва роботлар фаолиятида қўлланиши мумкин. Чунки асосан робототехник ҳужжатларда билимлар базасининг маҳсулот сифатидаги кўриниши кўрсатилади ва қоидаларни излаш услублари кенг ва тартибли равишда жойлаштирилади.

Жадвалдан кўришиб турибдики, эксперт, агар тўхтовсиз ишласа, ихтилофни тахминан беш баҳога (энг юқори баҳо) ҳал этиш учун қарийб 65 соат, яъни 2 суткаю 17 соат сарфлайди.

Худди шундай баҳога лойиқ эксперт каби тезроқ ҳал этади, бунга тизим тахминан 8 минут сарфлайди. Лекин эксперт тизими барча маълумотларни тўплашга тахминан 16 минут сарфлаб, тақдим этадиган дастлабки маълумотни олиши керак. Шундай қилиб, бундан ҚҚҚТ ва ЭТ жуфтлиги ихтилофни тахминан 24 минутда ҳал этиши келиб чиқади.

## Гуруҳий эксперт баҳолаш услублари

### Эксперт баҳоларининг бевосита гуруҳий усуллари

Сиёсий таҳлилнинг энг муҳим усулларида бири қарор қабул қилишнинг гуруҳий усулидир. Унинг муҳимлиги шундаки, таҳлилий ҳаракатларда бир эмас, бир неча эксперт қатнашади ва иш тўғри ташкил этилса, вазият таҳлил сифатини, ишлаб чиқиладиган башоратлар, қабул қилинаётган сиёсий қарорларнинг яхшиланишига олиб келади. Шу аснода экспертларнинг гуруҳий усули асосий ҳисобланади, чунки улар қўлланмаса, гуруҳли экспертга натижалари унча юқори бўлмайди.

### Гуруҳий эксперт баҳоларининг турлари

Гуруҳий эксперт баҳолари икки катта гуруҳ – бевосита ва билвосита гуруҳларга бўлинади. Бевосита усуллар молиявий ва ташкилий харажатларни талаб қилмаслиги сабабли кўп қўлланади.

Бевосита гуруҳий эксперт баҳолари ўз навбатида икки гуруҳга бўлинади. Биринчи усул муҳокама қатнашчиларининг ижодий салоҳиятини очишга йўналтирилган. Бу усулни баҳснинг психологик усуллари деб ҳам аташ мумкин, чунки унинг асосида психологик усулларни қўллаш мавжуд, уларнинг мақсади экспертларнинг ижодий фаоллигини рағбатлантиришдир.

Иккинчи гуруҳни баҳс қатнашчиларининг шуурий салоҳиятини очиш учун ҳеч қандай воситалар қўлланилмайдиган усуллар ташкил этади. У қўйилган муаммо бўйича оддий фикр алмашувдан иборатдир.

### Мажлис – экспертлар ишини ташкил этишнинг кам самарали усули

Усулларнинг сўнгги турига мажлис ва семинарлар



киради. Қўйилган муаммо бўйича янги ғояларни ишлаб чиқиш - эксперт баҳолаш барча усулларининг асосий мақсади нуқтаи назаридан қараганда, мажлислар энг кам самарали ҳисобланади. Чунки мажлислар экспертлар салоҳиятидан тўла фойдаланишга имкон бермай, балки уларнинг шуурий ижодига ғов бўлади. Бунинг сабаби мажлисларни ўтказиш тартибида яширинган бўлади. Мажлис икки асосий қисм - маъруза ва унинг муҳокамасидан иборат. Қатнашувчиларни муайян ахборот билан таъминлаш асосий мақсади бўлган маърузалар кўп вақт йўқотилишига олиб келади. Ахборотни электрон почта ёки қоғозда тарқатиш анча самарали, бу ҳам вақтни тежайди, ҳам ахборотни яхши ўзлаштирилишига сабаб бўлади. (Қарор қабул қилишнинг билвосита усули айнан шу асосга қурилган).

Маъруза муҳокамасига келсак, улар бирор тизимга эга эмас. Мажлис қатнашчилари унга нисбатан фикрларини билдиришлари мумкин, бироқ ғояларни шакллантириш жараёнида фикрларни фаоллаштириш учун бирор махсус психологик усулдан фойдаланилмайди. Аксарият мажлислар бирор қарорнинг яратилиш жараёнини акс эттиради, яъни мажлис қатнашчилари олдиндан тайёрланган таклиф учун овоз беради, улар муҳокама жараёнида озгина ўзгариши мумкин. Бироқ бундай ҳолат доимо учрамайди, чунки сайлов қатнашчилари "бошлиқ ва бўйсунувчилар" қабилда танланади. Раҳбар якка ўзи қарор қабул қилишдан қўрқиб, масъулиятни ходимларга ағдариш ниятида мажлис ўтказади. Мажлис зиммасига қабул қилинаётган қарорлар сифатини йўқотиш яширинган, сиёсатда эса бу масала жуда жуда муҳимдир.

Бевосита усулларнинг биринчи гуруҳини мажлислар ва бевосита мунозара олиб боришнинг стандарт усуллари муқобиллик сифатида қараб чиқамиз. Таъкидлага-

нимиздек, қўйилган муаммо бўйича экспертлар фикрини эшитиш учун ташкил этиладиган оддий мажлисдан улар экспертларнинг ижодий салоҳиятини кенгайтиришга уриниш ва турли психологик усуллар ёрдамида фикрлаш жараёни сифатини яхшилашга эришиши билан фарқланади.

### **Брейнстемнинг усули ва у ҳақдаги тасаввурлар**

Бевосита экспертизанинг машҳур психологик усули "брейнстемнинг" бўлиб, ўзбек тилида "ақлий ҳужум ёки мия ҳамласи" деган маънони беради. Брейнстемнинг XX асрнинг 50-йилларида ишлаб чиқилиб, бугун анча кенг тарқалган усулдир. Агар бир неча одам бирор муаммони муҳокама қилаётган бўлса, улар "ақлий ҳужум"да қатнашаётгани яққол кўринади. Бу, айниқса, Россия матбуотида сиёсий қарор қабул қилиш борасидаги чиқишлар таҳлилида кўринмоқда. Масалан, Россия экспертлар гуруҳининг бирор муаммо устидаги иши "ақлий ҳужум ёки мия ҳамласи" деб аталмоқда, гарчи сиёсий экспертлар «ақлий ҳужум - мия ҳамла»сидан фойдаланишмаса ҳам. Бироқ мажлисда қатнашмаган журналистлар ҳам, экспертларнинг ўзлари ҳам ҳар қандай экспертли муҳокама «мия ҳамласи»дан бошқа нарса эмаслигига ишончлари комил.

Қарорлар муҳокамасининг «мия ҳамласи»га ўхшаш бўлган экспертлар томонидан ўтказиладиган муаммонинг сўровли муҳокамаси ҳам шундай аталмоқда. Масалан, сиёсий арбобларнинг икки томонлама музокаралари ҳам, ҳукумат ва унинг айрим комиссиялари мажлислари ҳам «мия ҳамласи» категориясига бориб тақалмоқда, аслида улар оддий мажлисдан бошқа нарса эмас. Собиқ президент Б.Ельциннинг Россия расмий делегацияси билан Россия томони позициясининг давлат

бошлиқлари - “катта саккизлик” аъзолари билан 1997 йил ёздаги мажлис муҳокамаси ҳам “мия ҳамласи”, деб аталди. Агар брейнстеминг усуллари диққат билан ўрганилса, президент қарор қабул қилишнинг бундай усулида қатнашмаслиги маълум бўлади, чунки брейнстеминг давлатнинг олий мансабдор шахслари учун эмас, балки экспертлар учун ишлаб чиқилган.

Бир неча юзлаб қатнашчиси бўлган форум ўз иштини мажлис кўринишида ташкил этсада, лекин у ҳам “мия ҳамласи” деб аталмоқда. Масалан, 1997 йил майда Екатеринбургда бўлган Россия иқтисодий форуми - “Россиядаги иқтисодий ислохотлар: хулосалар ва истиқболлар”ни бир неча нашрлар “мия ҳамласи” деб эълон қилди. Унинг ташкилотчиларидан бири - Россия молия корпорацияси президенти А. Нечаев ҳаттоки “Ақлий ҳамла форуми” атамасини таклиф қилди. Агар, “ақлий ҳамла” хусусиятидан таҳлил этсак, бу ақлга сифмаслигига ишонч ҳосил қиламиз, чунки брейнстеминг кичик гуруҳлар учун мўлжалланган. Айни вақтда Екатеринбургдаги мазкур форумда мингга яқин одам қатнашди. “Сибирь битими” аталмиш уюшманинг 1999 йил январидан бўлган мажлиси ҳам “мия ҳамласи” деб аталди. Унда Сибирь вилояти ва ўлкалари маъмурияти раҳбарлари, федерал ҳукумат раҳбарияти аъзолари, шу жумладан, ўша пайтда бош вазир лавозимини эгаллаб турган Е. Примаков қатнашган. Бироқ қарор қабул қилишнинг олий босқичида психологик усулларнинг қўлланиши деярли истисно қилинди, чунки бу ерда гап муаммоларни ҳал қилишнинг муқобил усуллари ҳақида эмас, балки турли томонлар билан (мазкур ҳолатда федерал ҳокимият ва маъмурият бошқарув раҳбарлари қатори билан) тайёрланган қарорлар ҳақида бормоқда. Шунингдек, ОАВда сўл ватанпарвар муҳолифлар томонидан Россия Федерацияси Коммунистик партияси МК президиуми ва коти-

бияти мажлислари ҳам “ақлий ҳамла”, деб аталмоқда.

Бу мисоллар “ақлий ҳамла” тушунчаси кенг тарқалганини кўрсатмоқда, у муаммони муҳокама этишнинг ҳар қандай шаклини, мажлис ва конференцияларни тавсифлаш учун ишлатилмоқда. Аслида брейнстеминг усули унчалик содда эмас, лекин муайян қоидаларга қатъий риоя қилишни талаб этади.

### **Брейнстеминг усулининг асосий босқичлари**

“Ақлий ҳужум”даги гуруҳий қарор қабул қилиш жараёни икки қисмга бўлинади: биринчи босқичда мунозара қатнашчилари ҳар қандай, ҳатто, хатарли, имкони бўлмаган қарорлар вариантини ҳам тавсия этишади, улар бу босқичда танқид қилинмайди. Иккинчи босқичда асосий эътибор уларни танқидий муҳокама этишга қаратилади. Бундай ёндашиш брейнстемингнинг асосларидан биридир. Унга мувофиқ, агар танқид истисно қилинса, фикрлаш самаралироқ бўлади. Бу - танқид назардан четда дегани эмас, фақат фикрларни жамлаш ва уларни муҳокама қилиш жараёни бўлиб юборилади. Бу хусусият инсон онгининг икки ёқламалик психологик феноменига асосланган: биз бир томондан, танқидий тафаккурга эгамиз, бошқа томондан эса яратувчи тафаккур соҳибимиз. Шу аснода, агар мазкур томонлар бир вақтнинг ўзида ҳаракатга киришса, маълум даражада бир-бирини тўсиб қўяди. Агар гоёлар жамланиши ва унинг танқиди бўлиб юборилса, анча самарали бўлади, чунки “соф” ижод ва “соф” танқид уларни бирлаштириб юборишдан самаралидир. Бундан ташқари, гоёларни кўриб чиқиб тарқатиш, нафақат ижодий фаолликни тўсиб қўяди, балки яхши гоёлар муҳокама пайтида тушунилмаслиги, натижада юзага чиқмай, йўқолиб кетиш хавфи ҳам бўлиши мумкин. “Мия ҳамласи”нинг қоида-

сида “тормозни босиб олдинга ҳаракатланиш мумкин эмас”, деб белгиланган.

### **“Ақлий хужум”да эксперт гуруҳининг таркиби**

Брейнстомингда қарорлар тарқатиш ва уни танқид жараёни амалга оширилишини таҳлил қилишдан олдин гуруҳ таркибини аниқлаб олиш керак, чунки бевосита эксперт баҳолашнинг бу усули экспертларнинг муайян “тўплами”ни талаб этмайди. Энг аввало, гуруҳда мавжуд экспертлар умумий сонини билиш керак. Бу ҳар қандай кичик гуруҳнинг сонлар ҳудуди масаласи билан боғлиқдир. Узоқ вақтгача 7-+2 кишидан иборат кичик гуруҳ самарали ишлаши мумкин, деб ҳисобланди. 7+-2 рақами психологияда “Миллернинг сеҳрли рақами” деб аталади, чунки у, инсоннинг хотираси айнан шу миқдордаги нарсаларни сақлаб қолиши мумкин деб ҳисоблаган. Сеҳрли рақам бевосита мунозара иштирокчиларининг сонига ҳам жорий қилинди - бундай ёндашиш тарафдорлари гуруҳда музокарани ташкил этиш учун, гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ўз мулоқот доирасида бошқа иштирокчиларни ҳам жалб қилиши керак. Гуруҳ 7+-2 одам билан таъминланиши мумкин, буни гуруҳ аъзоси хотирасида сақлаб қолади. Бироқ бу тасдиқланмай қолиб кетди.

Айни вақтда шу нарса ҳам аниқки, мунозара қатнашчилари сонини ҳаддан ортиқ кўпайтириб юбориш ҳам унинг сифат тавсифига таъсир қилади. Бундай ҳолда, биринчидан, муаммони муҳокама қилиш жараёни чўзилиб кетади, иккинчидан, муҳокама қатнашчилари эътиборини муҳокама мавзусига йиғишга йўл қўймайди, экспертларнинг ижодий салоҳияти психологик механизмларини очишга имкон бермайди. Шу сабабдан, 10-12 кишидан иборат гуруҳ норма ҳисобланади.

Бевосита иштирокчиларга келсак, “ақл ҳамласи” гуруҳига 3-5 қатнашчи, булар гуруҳнинг асоси ҳисоблана-

ди, 5 та янги аъзо, олиб борувчи ва котиба зарур. Гуруҳ асосини, брейнстоминг кимнинг ташаббуси билан ўтказилаётган бўлса, ўша тизимнинг етук сиёсий экспертлари ташкил этади. Айтайлик, таҳлил маркази буюртма олди, уни сифатли бажариш учун бошқа тизимлардан олий табақали экспертларни бир марта жалб этиши мумкин. Бу ҳолда гуруҳнинг ярмини ишни бажариш юклатилган марказнинг экспертлари, “мия ҳамласи”нинг бошқа қатнашчилари эса ўзга таҳлилий тизим экспертлари бўлиши мумкин. Шунингдек, давлат ҳокимияти тизимидаги сиёсий муаммоларни муҳокама қилиш учун тижорат марказларидан ҳам экспертлар таклиф этилиши мумкин, чунки таҳлил бўлимлари олдида турган вазифани ҳал қилиш учун янгича ёндашув зарур бўлганда “ташқаридан келган” экспертлар таҳлил ишлари сифатини оширишлари мумкин. Бошқа сиёсий маслаҳатчиларни ҳам жалб қилишни тақозо этадиган мураккаб муаммоли вазиятлар сиёсатда ҳам тез тез учраб туради.

Баъзан шундай ҳам бўлади, гуруҳ асосининг ўзи йўқ, барча экспертлар турли таҳлил марказларидан йиғилган. Шунга боғлиқ ҳолда айтишимиз мумкин, “мия ҳамласи” учун гуруҳнинг “асоси” бўлиши кенг тарқалган ҳодиса, лекин унинг асосий шарти эмас. Муҳими шуки, ҳар қандай тесқари вазият бўлмасин, яъни брейнстоминг жараёнида доимо бир шахслар қатнашаверса, психологларнинг фикрича, гуруҳда янги гоёлар туғилмайди. Шу сабабдан брейнстоминг қатнашчилари орасида муайян ротация ўтказиб туриш мақсадга мувофиқдир.

### **Гуруҳий тафаккур феномени**

Янги аъзоларнинг иштироки гуруҳий тафаккур деб аталмиш психологик феноменга қарши курашиш билан

боғлиқдир. Гуруҳий тафаккур гуруҳли музокаралар сифатини ишдан чиқарувчи шакллардан биридир, унинг мавжудлиги экспертизанинг гуруҳий шакли танқидчиларига уларни шахсий таҳлил фаолияти шаклларига нисбатан кам самарали, дейишга имкон беради.

Гуруҳий тафаккур феномени америкалик психолог И.Янис томонидан сиёсий ва ҳарбий қарорлар қабул қилувчи гуруҳларни ўрганиш пайтида юзага келган. Маълум бўлишича, ўзгармас таркибли гуруҳлар муайян вақтдан сўнг тажрибага асосланмаган қарорлар қабул қилишдики, бундай қарорларни ҳеч ким назарга илмаган. Бундай мисоллар сиёсий амалиёт тарихида кўплаб учрайди. И.Яниснинг XX асрнинг 30-йилларида Буюк Британия раҳбариятининг Германия ҳукумати тепасига келган Гитлер мавқеини мустаҳкамлаш мамлакат учун фойдали экани ҳақидаги қарори, АҚШ Президенти Р.Трумен атрофидаги экспертларнинг Кореяда ҳарбий ихтилоф бошланиш зарурати ҳақидаги тавсиялари, Американинг яна бир Президенти Л.Джонсоннинг Вьетнамда ҳарбий ҳаракатлар бошлаш ҳақидаги қарорини бу хилдаги қарорларнинг энг кўзга кўринганлари, деб эътироф этган эди. Булар экспертлар томонидан умумий муҳокамадан кейин қабул қилинган эди. Шунингдек, АҚШ Президенти Ж.Кеннедининг Плайя-Хиронни босиб олиш ҳақидаги на сиёсий, на ҳарбий нуқтаи назардан оқланмаган қарорини ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин. Гуруҳли муҳокама жараёнида юзага келган бундай ўхшаш сиёсий хатолар кўплаб учрайди. Бундай мисолларни нафақат ғарб мамлакатларида, балки Россиянинг сиёсий тарихида ҳам учратиш мумкин. Б. Ельцин президентлик қилиб турган пайтда Чеченистон Республикаси ҳудудида ҳарбий ҳаракатларни бошлаш ҳақидаги қарори ҳам бунга мисолдир.

Бунга ўхшаш феномен И.Янис томонидан “гуруҳли тафаккур” деб аталди, у “бир гуруҳга жалб этилган

кишиларнинг фикрлаш усули бўлиб, бу гуруҳ учун ҳаракатнинг имкондаги вариантларини реал баҳолашдан кўра, ягона фикрлиликка интилиш кучлироқ”. И.Янис ва Л.Манн гуруҳли тафаккурнинг қуйидаги хусусиятларини кўрсатишди: 1) ортиқча хайрихоҳлик ва хавfli қарорни вужудга келтириш хом хаёли; 2) ўз қароридан ортиқча натижа кутиш; 3) рақиб салоҳиятини назарга илмай, унга эскича ёндашиш; 4) гуруҳий эскича ёндашишга қарши кучли далиллар келтираётган гуруҳ аъзоларига тазйиқ ўтказиш; 5) гуруҳий келишувдан чекланмаслик учун ўз-ўзини назорат - гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ўз фикрини жамоа қарорига мослаштиришга уриниши; 6) гуруҳий конформизмни юзага келтирадиган ҳамфикрлилик хом хаёли. (Бу шундай психологик феноменки, унда ҳар бир шахс гуруҳ таъсирига тушиб қолади); 7) гуруҳнинг шундай аъзолари борки, улар гуруҳни қабул қилинадиган қарорлар муқобили бўлган ахборотнинг пайдо бўлишидан асрайди.

И.Янисдан сўнг гуруҳий тафаккур хусусиятларини польшалик психолог Ю. Козелецкий давом эттирди: 1) конформистик тафаккур - кўпчилиқ қарорини қабул қилишдан бош тортганлар гуруҳдан чиқарилади; 2) ахборотни анъанавий танлаш - гуруҳ қабул қилаётган қарорни шубҳа остига олувчи ахборот эътиборга олинмайди; 3) ортиқча хайрихоҳлик - муваффақият эҳтимолини ошириб, омадсизлик эҳтимолини етарли баҳоламаслик; 4) гуруҳнинг ҳар томонлама кучли эканига ишонч - гуруҳнинг салоҳиятини ортиқча баҳолаб, рақобатчилари кучини камситиш; 5) ташаббуснинг қалбакилиги - гуруҳ муаммони ҳал қилиш ташаббуси уларнинг қўлида деб ҳисоблайди, аслида бундай эмас.

Гуруҳий тафаккурга бошқа айрим психологик феноменлар, масалан, “тиқиштириш” усули яқин келади. Бунда қарор қабул қилувчи шахслар онгли равишда,

баъзан сунъий ҳолатда ўзларига мақбул қарорни юқори кўтариб, ўзларига ёқмаган қарорнинг ижобий самарасини камайтириб кўрсатади.

Ҳақиқатан ҳам, бундай камчиликлар сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида, тез-тез учраб туради. Масалан, НАТО аъзолари бўлган давлатларнинг Югославияга қарши ҳарбий операция бошлаш ҳақидаги қарори. Бу қарор мувофиқлаштиришнинг бир неча босқичларини босиб ўтди, унга гуруҳий тафаккур самараси ўз таъсирини ўтказди. Мазкур қарор қабул қилинишининг ташаббускори – АҚШ сиёсий раҳбарияти (шу жумладан, уларга хизмат кўрсатувчи экспертлар) эди. Муҳокама пайтида улар гуруҳий конформизм таъсирида бўлиб, ўзларини осмонда ҳис қилди. Косово муаммосини ҳал қилишда куч ишлатиш усулининг яхши натижа билан тугашига ишонч, рақиб захираларини онгли равишда камайтириб кўрсатиш, юзага келган барча ҳолатлардан чиқиб кета олиш ишончи ҳамма нарсадан устун эди. Бу қарорни қолган босқичларда ҳам маъқуллаш ана шундай камчиликлар билан кечди. Масалан, НАТОга аъзо мамлакатларнинг раҳбарлари томонидан биринчи авиа зарбалардан кейин Югославия раҳбарияти Альянс шартларини бажаришдан бош тортган тақдирда, Альянс фаолиятини таҳлил қилиб кўриш борасидаги ўз уринишлари АҚШ маъмурияти томонидан инкор қилинди. Улар ҳайрихоҳликни НАТОнинг бошқа аъзоларига ҳам тикиштириб, уларни бомба зарбаларини қўллашга даъват этишди. Кейинчалик АҚШ раҳбарияти Югославия муаммосини ҳал этиш учун оқилона қарор тополмаганини тан олди. Испания газетаси “Паис” Испания ҳукумати раҳбари Хосе Мариа Аснар билан бўлган суҳбатда АҚШ Президенти Билл Клинтон ҳарбий операцияларни режалаштириш пайтида америкаликлар Югославия Президенти Слободан Милошевич биринчи бомбардимонлар-

дан кейин, НАТОнинг барча шартларига рози бўлади, деган хулосага таянган эдилар, деб айтиб ўтган эди. Бироқ ҳарбий операциянинг самарасиз бўлганини тан олиш нотўғри қарор қабул қилингандан сўнг юз берди.

Шу аснода бунга ўхшаш камчиликлар эксперт баҳолашнинг бевосита усуллари ва брейнстемингга тўсиқ бўлолмаса керак. Муҳими шундаки, гуруҳда қабул қилинадиган қарорлар сифатига салбий таъсир этувчи омилларни аниқлай олиш ва бундай камчиликларга тўсиқ бўладиган филтрлар тизимини яратиш лозим. Айнан брейнстеминг бунга имкон беради. Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, гуруҳ аъзоларини кўпайтириш туфайли гуруҳий тафаккурдаги хатолар камаяди. Бироқ бунинг ҳам ҳамиша имкони бўлавермайди: масалан, олий давлат даражасидаги қарорлар қабул қилишга таҳлилий кўмак жараёнида бир доирадаги экспертлар қатнашади, бу ахборотнинг махфийлиги билан боғлиқдир, булар билан эса айнан шундай аналитиклар (таҳлилчи) ишлайди. Лекин бундай гуруҳий брейнстемингдан тўғри фойдаланиш жараёни гуруҳий қарор салбий натижаларини тўғри-лаб юбориши мумкин, чунки брейнстемингнинг асл ғояси аксарият гуруҳ аъзоларининг ўзлари қабул қилаётган қарорларига танқидий муносабатда бўлишдан иборат. Демак, у таҳлилий жараёнларни йўқотишга олиб келадиган гуруҳли тафаккурга қарши омил ҳисобланади.

### **Брейнстемингга етакчининг роли. “Ақлий ҳамла”нинг биринчи босқичи**

“Ақлий ҳамла” мавзусига қайтарканмиз, шунга эътибор қаратиш лозимки, брейнстемингнинг муваффақияти, асосан, етакчининг фаолиятига боғлиқ, акс ҳолда сиёсий таҳлил жараёни кўп овозли хор жамоасига айланиб қолади. Унинг қоидаларига риоя қилиш вазифаси

етакчининг зиммасига тушади. “Ақлий ҳамла” бошланишидан аввал хона деворига брейнстемингнинг биринчи босқичи тўрт асосий қоидасини акс эттирувчи плакатни илиб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Чунки эксперт гуруҳининг вазифаси муаммони ҳал қилишнинг кўп вариантини топишдир. Бу тўрт қоида қуйидагилардир: 1) танқидга йўл қўйилмайди; 2) фикрларнинг холислиги ва рангбаранглиги рағбатлантирилади; 3) ғоялар қанча кўп бўлса, шунча яхши; 4) баён этилаётган ғояларни яхлитлаш ёки уларнинг бир нечасини бирлаштиришни ўйлаш. Етакчи биринчи қоидага риоя этилишини қатъий кузатиши лозим, чунки бу қоидани бузишга интилиш кучли бўлади. Агар бундай ҳолат юз берса, етакчи қатнашчиларни ва брейнстеминг жараёнини ҳурмат қилиш ва бузмасликка чақириши лозим.

Етакчининг яна бир вазифаси гуруҳ олдидаги муаммони аниқлаб олишдир. Уни оддий ва аниқ мақсад даражасигача етказа олмаслик “ақлий ҳамла” муваффақиятини таъминлай олмайди. Етакчи муҳокама жараёнида экспертларнинг диққати муҳокама мавзусига қаратилишини доимий тарзда кузатиб боради. Таъкидлаш зарурки, сиёсий қарор қабул қилишни ижтимоий-сиёсий мавзу бўйича мунозара билан чалкаштириб юбормаслик керак. Етакчи, шунингдек, янги ходимларни ҳам қўллаб-қувватлаб туриши лозим, чунки улар ўзларини ноқулай сезишлари мумкин. Уларни аввал жараён моҳияти билан таништириш лозим. Етакчи мунозарани оддий саволлардан бошлаши керак. Бу янги ходимларни киришиб кетишга имкон беради, улар ўзларига ишонч ҳосил қилиб, муҳитга мослашади. Янги келганлар фикрларини етакчи маъқуллаб туриши керак, бу улар учун муҳим аҳамиятга эга, чунки улар бошқа иштирокчилар билан тенг ҳуқуқли шерикликни ҳис қилади.

Брейнстемингнинг хос жиҳати баён этилаётган фикрларнинг қисқалиги ҳисобланади. “Ақлий ҳамла”нинг шиддати нафақат иштирокчиларни “қиздириб” юборади, балки уларни янада фаол, самарали фикрлашга мажбур қилади. Муҳокама тугагандан сўнг, натижадан қониқиш ҳиссини пайдо қилади. Софистика ва зерикарли назариячиликка йўл қўйилмайди. Ғояларни рўйхат бўйича баён қилиш мумкин эмас: биринчидан, бу бошқа иштирокчилар томонидан уни англаб олинишини сусайтиради, иккинчидан эса барча жараёни тўхтатиб қўяди. Одатда, навбат билан ҳар бир эксперт ғояни баён қилади. Агар ғоя “пишиб етилмаган” бўлса, у ўз навбатини ўтказиб юборади. Агар иштирокчида унинг фикри бўйича янги ва муҳим ғоя пайдо бўлса, гуруҳ аъзоларига унинг фикрини чалғитмаслик, “ақлий ҳамла” жараёнини бузмаслик учун бу ҳақда дарҳол айтиш шарт эмас. Яхшиси, уни ёзиб олиб (муҳокама пайтида қўл остида изоҳлар учун очиқ блокнот тургани яхши), навбати келганда айтган маъқул, чунки шиддатли “ақлий ҳамла” пайтида навбат унча кўп кутилмайди.

Брейнстемингнинг мазкур жараёни модификация қилиш учун турли кўринишлари мавжуд. Булар ҳақида ҳам айтиб ўтишга тўғри келади. Масалан, айрим ғарб психологлари фикрича, муҳокамани тушлик пайтида бошлаш керак, бу иштирокчиларни яқинлаштиради. Тушлик пайтида янги келганлар билан танишиш мумкин. Stop and go (тўхта ва олға) деб аталган Х. Шмидхаузер томонидан ишлаб чиқилган бошқа методиканинг моҳияти шундан иборатки, уч-беш дақиқа ичида иштирокчилар муаммони эҳтимолий ечимини режалаштиришади. Сўнгра шунча вақт ичида тавсия қилинган ечимларга қўшимча нимадир ўйлаб топиш борасида бош қотиришади. Кейин барчаси такрорланади.

## Брейнстомингнинг иккинчи босқичи

Гуруҳ қўйилган вазифа қарорларини ишлаб чиққач, брейнстомингнинг биринчи босқичи ниҳоясига етади. Сўнгра иккинчи босқич - билдирилган таклифлар танқидига киришилади. Цейтнот шароитида, бу нарса сиёсатда тез-тез бўлиб туради, экспертлар танқидга танаффусдан сўнг киришишлари мумкин. Агар вақт етарли бўлса, “мия ҳамла”сининг иккинчи қисмини кейинги кунга қолдирган маъқул, чунки бу иштирокчиларга нафақат дам олишга, балки баён этилган ғояларни ўйлаб олишга ҳам имкон беради. Танқид жараёни бошланишидан бир неча соат олдин, етакчи гуруҳ аъзоларидан уларда бирон ғоя бор-йўқлиги ҳақида сўрайди ва умумий рўйхатга киритилади. Сўнгра биринчи босқичда баён этилган барча ғоялар рўйхати тузилиб, янги ғоялар учун жой қолдириб, ҳар бир қатнашчига тарқатилади. Гуруҳ аъзолари янги таклифлар киритгач, тарқатилган барча варақалар йиғиб олинади ва етакчига берилади. Бироқ бундай жараён кўп вақт талаб қилади, агар барча экспертлар бир меҳмонхонада турмаса, қўшимча қийинчиликлар туғилади. Етакчи барча қарорларни таҳлил қилиб чиқиши, такрорийларни олиб ташлаши, гуруҳларга бўлиб чиқиши лозим. Сўнгра экспертлар қайта йиғилишади ва иккинчи босқич бошланади, унда ҳар бир ғоя ўрганилади. Барча таклифлар таҳлил қилиниб, танқид жараёнидан ўтади. Синовдан ўтган қарорлар гуруҳ ҳисобига ёзилади, ўтмаганлари рад этилади. Амалга жорий этиш мумкин бўлган ғоялар ғолиб ҳисобланади, уларнинг энг самаралилари сўнгги ҳужжатда ифодасини топади.

Айрим муаллифлар танқидни ғоялар йиғилишида иштирок этмаган гуруҳга топширишни тавсия этишади, бу баҳоларнинг одилоналигини ошириши лозим. Негаки, бу ҳолатда ўз ғояларини танқид қилмаётганликлари боис экс-

пертлар янада шиддатли ва одил бўлишади. Бу фикрнинг ҳақлигига шубҳа қилиш қийин, лекин қарор қабул қилишда иштирок этувчи шахслар сони икки барабар кўпаяди. Шу сабабдан агар экспертиза қатнашчиларининг мутахассислигига шубҳа бўлмаса, бу усулни қўлламасамиз ҳам бўлади, чунки ўз ижодига танқидий назар билан қараш касбий маҳорат савиясини белгилайди, сиёсий таҳлил сингари мушкул ва масъул соҳада бу жуда муҳимдир.

## Синектика усули

Бевосита мунозаранинг бошқа усули синектика бўлиб, унинг муаллифи У. Гордондир. Унинг тавсияларига диққат билан қулоқ солсак, синектикани эксперт баҳолари табақасига қўшолмаймиз. Бу муаммоларни муҳокама жараёнида экспертларнинг ролини алоҳида тушуниш билан боғлиқдир. У. Гордоннинг фикрига кўра, ўрганилаётган масалаларда энг тўғри ечимларни мутахассислар эмас, балки дилетантлар таклиф этишлари мумкин. Эксперт-олимлар доимо ўз фани доирасида ҳаракат қилиб, ундан чиқмасликка уринишади, бу уларга билимнинг янги уфқларини кўришга имкон бермайди. Фан уларни аниқ белгиланган чегара ичига тикиб қўяди, улар бу фанга ўрганиб қолганлиги боис муаммога кутилмаган, ноанъанавий назар билан қарай олмайди. Шунинг учун турли мутахассислардан иборат гуруҳ исталган соҳада қарор қабул қилиши мумкин. Бунинг учун уни муайян усуллар билан “қуроллантириш” лозим, уларнинг ёрдамида эса янги ноанъанавий қарорлар қабул қилиш имкони бўлади.

Экспертларнинг роли У. Гордон томонидан кўча ҳаракатини тартибга солувчи соқчига ўхшатиш билан - унинг асосий вазифаси гуруҳ томонидан тавсия қилинган ҳар бир ғоянинг ҳақиқийлигини фан нуқтаи назаридан тек-

шириш, ундан сўнг кейинги вариантга “ўтиш”га рухсат беришдир. Шундай қилиб, экспертларнинг асосий вазифаси музокаранинг бошқа аъзолари томонидан билдирилган таклифларни касбий баҳолашдир. Ундан ташқари, гуруҳ қатнашчиларини муаммонинг касбий жиҳатлари билан таништириш керак. У. Гордоннинг фикрича, экспертлар гуруҳ аъзолари учун мавҳумни тушунарли қилишлари, айтиш вақтда гуруҳ аъзоларининг ўзи муҳокама этилаётган муаммо бўйича номутахассислар экспертлар учун таниш нарсани номаълумга айлантиришлари, яъни улар биладиган фан мантиқи доирасидан чиқишга уринишлари лозим.

Бироқ, айтиш керакки, У.Гордоннинг фикрига биз қўшилмаймиз. Чунки у техника соҳасидаги илмий вазифалар ечимини таҳлил қилган, бу ерда ҳақиқатан ҳам ўхшаш муаммолар сони жуда кўп. Бу мутахассисларда ўзига хос мантиқни шакллантиради ва улар ундан ташқарига чиқишолмайди. Бир хил вазифа билан шуғулланиб юрган одамлар кутилмаган вазиятга дуч келганларида уни ўзлари ўрганиб қолган ечим-калитлар билан ҳал қилишга уринишади, у эса ғайриоддий ҳолларда иш бермайди. Компьютерли эксперт тизимлар ҳам айнан шундай ҳаракат қилади. Бироқ бунинг сиёсий соҳага алоқаси йўқ. Бунда экспертлар янгиланиб турадиган вазифага дуч келишади ва ҳар бири олдинги муаммога ўхшамайди. Шу билан бирга, муайян универсал мантиқни ҳам яратиб бўлмайди, чунки уникал вазифалар кам эмас, балки кундалик амалиётдир. Шу сабабдан биз У.Гордоннинг экспертларга нисбатан танқидий муносабатига қўшилмаймиз, бироқ бу у ишлаб чиққан усулларни гоёлаштириш жараёнини яхшилаш учун ҳаракат қилишимизга ҳалал бермайди.

## Аналогия бўйича фойдаланиладиган муҳокама турлари

Бир қарашда, синектика жараёни кўп жиҳатдан брей-нстомингга ўхшайди - бошида кўпдан-кўп ечимлар ишлаб чиқилади, улар аксарият ҳолларда бири-бирини инкор этади (усулнинг номи ҳам шундан: грекча “бутунлай турли-туман унсурларнинг бирлашиши”), бунинг учун мунозара боришини бошқарувчилар - синекторлар қўлланилади. Бироқ У.Гордон психологик усулларни алоҳида таъкидлайди, улар ёрдамида мазкур жараённи анча бойитиш мумкин. Бунда асосий ролни аналогия бўйича муҳокама ўйнайди. У.Гордоннинг фикрича, унинг 4 тури мавжуд: шахсиятли, тўғри, рамзий, фантастик. Бугунги кунда бу аналогиялар сиёсий муаммоларни ҳал этишда кам қўлланилмоқда, шунинг учун уларни қисқача кўриб чиқамиз.

Шахсиятли аналогия - қарор қабул қилувчи шахсни бирон-бир шахс билан солиштиришни тавсия этади. Масалан, сайлов кампаниясини тайёрлашда шахс ўзини бўлғуси сайловчи ўрнига қўяди, унинг хатти-ҳаракати моделлаштирилади. Шахсиятли аналогияни эҳтимолдаги ечимга турли категория ва муҳолифларнинг реакциясини таҳлил қилишда қўллашга эътибор қаратиш лозим. Бундай амалиёт гарб мамлакатларида қўлланилади: “аксил ҳаракат гуруҳи” деб номланувчи экспертлар гуруҳи ўзини ечим оппонентлари ўрнига қўйиб, уларнинг эҳтимолий ҳаракатларини башорат қилишга уринади. Сўнгра хулосалар асосида ечим ислоҳ қилиниши ва эҳтимолий аксил тадбирлар ишлаб чиқилиши мумкин.

Аналогиянинг иккинчи тури тўғри аналогиядир. Унда инсон борлиқдаги муаммоли вазиятга ўхшаганини, кузатилаётган объект ҳаракат принципини ўз тадқиқот



объектига ўтказишга уриниб кўради. Масалан, чумоли ёки асалари уяси тизимини жамиятга тадбиқ этиш тўғри аналогия ҳисобланади. Тўғри аналогия мисоли сифатида Г.Спенсернинг жамиятни инсон организмга ўхшатишини келтириш мумкин.

Учинчи тури рамзий аналогия бўлиб, у тўғри аналогияга ўхшайди, лекин намуна сифатида шундай объектлар олинадик, уларнинг ҳаракат принципини эксперт тушунтириб беролмайди. Гарчи имкони йўқдай туюлсада, бу объектнинг ишлаётганини ҳис этиш музокара қатнашчилари учун ижодий илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади. Аммо сиёсий муаммоларни муҳокама қилишда бундай аналогияни қўллаш қийин.

Аналогиянинг тўртинчи тури фантастик аналогия ҳисобланади. Унинг моҳияти шундан иборатки, сиз ўзингизнинг фантазиянгизга эрк берасиз, сўнгра уни аста-секин ҳал қилинаётган муаммога яқинлаштирасиз. Бу бизнинг барча яратувчилик фаолиятимиз, истакларимизни ҳаётга татбиқ этишдир, деган З.Фрейднинг ғоясига асосланади. У.Гордоннинг бир қарашда фантастик бўлган лойиҳалари аста-секин тўғри ва оптимал қарорларга айланиши мумкин. Фантастик қарор кейинчалик юқори даражада яқинлашиш зарур бўлган ўзига хос мезонга айланади.

Ўтмишда илмий таҳлил соҳасидаги бу каби ғояларни М.Вебер илгари сурган. Кейинчалик ҳаётда мавжуд тизимларни у билан таққослаб таҳлил қиладиган тадқиқотчи томонидан қатъий ҳисобланган ва мавҳумлик билан сўраладиган идеал тур тамойилини айнан у расмий ифода этган. Бошқарув соҳасида шу сингари фикр – идеал режалаштириш стратегиясини ишлаб чиққан Р.Акофф томонидан билдирилган бу фикрнинг моҳияти фантастик аналогияга яқиндир. Эксперт гуруҳи муам-

мони идеалда қандай кўринишда бўлишини ҳал қилади, сўнгра идеалга мос келадиган ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш жараёни юз беради.

### **Эксперт баҳолашнинг гуруҳий билвосита услублари**

Эксперт баҳолашнинг яна бир гуруҳий услублари бу билвосита услублардир. Улар бевосита услубларга қараганда анча жиддий ташкилий тайёргарликни талаб қилади, бироқ бевосита мунозара чоғида мумкин бўлмаган экспертларнинг катта қисмига таҳлилий фаолиятни амалга оширишда иштирак этишларига имкон беради. Билвосита услублар қўйилган муаммо бўйича ҳамкасбларнинг фикрлари ва уларнинг ўз таклифларига билвосита услубда фикр билдиришлари билан танишиб, ўз психологик хусусиятлари сабабли нотаниш гуруҳларда ишлаганга кўникмаган ҳамда бевосита гуруҳли мунозарага хос шовқин ва кўпчиликнинг товушини афзал кўрмайдиган экспертларни жалб этиш учун қўлланиши мумкин. Бундан ташқари, билвосита услублар гуруҳли фаолиятнинг бевосита шаклларида хос қатор камчиликлардан қочиш имконини беради, бу эса билвосита экспертизанинг самарали шакллари билвосита тадқиқ қилиш чоғида батафсил кўриб чиқилади.

### **Дельфи услуби**

Машҳур билвосита услублардан бири Дельфи услуби бўлиб, у XX асрнинг 50-йилларида РЭНД Корпорейшн томонидан ҳарбий-стратегик ва ҳарбий-техник муаммоларни тадқиқ қилиш учун ишлаб чиқилган. Бу услубнинг муаллифлари О. Хелмер, Т. Гордон, Н. Долкилардир. Дельфи лойиҳаси давлат томонидан бошқарилиб, ҳарбий муаммолар бўйича давлат қарорларини қабул қилишда

экспертлар иштирокининг асосий шакли бўлиши керак. Дельфи ихтирочилари олдига қўйилган биринчи вазифа - эксперт баҳоси услуги билан СССР раҳбариятининг қарашларига кўра шундай режани амалга ошириш учун ядро зарбаси ва зарурий миқдордаги ядро зарядларини бериш учун АҚШ ҳудудидаги мақсадлар тизимини аниқлаш бежиз эмасди. Илмий жамоатчиликка бу услуб фақат 60-йилларнинг ўрталарида Дельфи услубини ҳарбий қарорлар доирасидан чиқаришга уринган О. Хелмер ва Т. Гордонларнинг матбуотдаги чиқишларидан сўнг маълум бўлди.

Бу услубнинг номи юнон шахри Дельфидан келиб чиққан бўлиб, у ўз оракули (кароматчилари) билан машҳур бўлган Апполон ибодатхонаси (унга муайян муаммони ҳал этишни сўраб нафақат оддий аҳоли, балки ҳукмрон сиёсий элита намоёндалари ҳам мурожаат қилишган) жойлашган Парнас тоғи этакларида эди. Бундай ном бугунги кунда ички ҳиссиёт шакли ёрдамида эмас, балки илмий технологияларни қўллаш билан кенгашларга айланаётган эксперт билимларини турли мамлакатларнинг сиёсий раҳбарияти ва сиёсий жараённинг бошқа субъектлари томонидан қўлланиши зарурлигининг гўёки рамзидир.

Дельфи шундай эксперт баҳолари услубини акс эттирадики, бунда экспертлар ўз жавобларини ёзма тақдим этиб, саволларга мустақил жавоб беради. Дельфида экспертлардан ташқари махсус ташкилий гуруҳ иштирок этади, улар сўровномалар тузиш, олинган жавобларни ишлаш, экспертларни зарурий ахборот билан таъминлаш билан шуғулланади.

Дельфининг биринчи босқичи - сўровнома тузишда экспертлар қандай саволларни муҳокама қилишлари, уларни ифода этиш борасида ўз фикрини билдиради, зарурий ахборотни сўрайди, шунингдек, муҳокама чоғида фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлган мавжуд хабар-

ларни тақдим этишдан иборатдир. Ташкилий гуруҳ барча тақлифларни жамлайди ва таҳлил қилади, биринчи сўровномани тузиб, уни ҳар бир экспертга жўнатади. Сўровнома билан бирга, ҳам ташкилий гуруҳда мавжуд бўлган, ҳам экспертлар томонидан тақдим этилган ахборотни тарқатади. Унинг шу жиҳати алоҳида аҳамиятга эга - ушбу усул билан анча муҳим ҳисобланган ахборот алмашинуви амалга оширилади. Масалан, агар экспертизада пойтахт таҳлилчилари ва минтақавий таҳлилий тузилмалар вакиллари иштирок этса, дастлабкилари вилоят, республика ва ўлкаларга бормасдан, ахборотни "биринчи қўл"дан олади, кейингилари эса федерал марказдан олинган муаммоли вазиятни кўриб чиқиш орқали у билан танишиб чиқади.

Сўровномани ташкил этиш Дельфининг аҳамиятга эга қисмидир - у ҳал этилаётган муаммонинг барча жиҳатлари ҳисобга олинган ҳолда тузилиши керак. Фараз қилайлик, ижрочи ҳокимият маъмурий ислохотларни ўтказиш заруриятини англаб, унинг оптимал вариантини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Бундай вазиятда экспертларнинг таклифи улар гоёларини амалга оширишнинг турли натижаларини ҳисобга олиши керак. Айнан сўровномада буюртмачи асосий эътиборни нимага қаратаётганини кўрсатиши зарур. Ҳар бир эксперт олдига шундай масала қўйиш керак, яъни: нима учун унинг ислохотлар йўли давлат бошқарув сифатини ошира олади; давлат ҳокимият органларида қарорлар қабул қилишнинг янги тизими қандай барпо этилади ва унинг афзалликлари нимада; таклиф этилган ислохотлар варианты маъмурий тизимнинг қуйи босқичидан юқори босқичигача ахборот оқимини мувофиқлаштира оладими; унда турли таклифлар қандай артикуляция (ажратиш, аниқроқ ифода этиш учун) ва агрегирование (талабларни муқобил ўзанга қайта мослаштириш, бу тушунча сиё-

сий тадқиқотларда тузилмали-функционал ёндашув асосида ётади) қилинади; маъмурий бошқарув органларида ёлланиш тизими қандай бўлиши керак; унинг фаолият юритишини қандай назорат қилиш мумкин; таклиф этилаётган янгиликка раҳбарларнинг муносабати қандай бўлади ва қайси харажатлар билан уни ҳал қилиш мумкин; ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари ислохотга қандай муносабатда бўлади; сайловчиларнинг ўзгаришларга жавоби қандай бўлади; ислохотларни ўтказиш учун қандай захиралар (молиявий, ташкилий, вақтинчалик) талаб этилади ва бошқалар.

Кейинчалик бу ерда Д. Истон схемасига қараганда ўзгачароқ кўринишда англаш зарур бўлган қайта алоқа қоидаси ишга туша бошлайди — экспертлар муаммони ҳал этиш мумкин бўлган усуллар борасидаги фикр-мулоҳазаларини акс эттирувчи тайёр жавобларга эга сўровномаларни қайтаради. Улар сўровномани ўзгартириш бўйича таклиф киритишлари мумкин: янги масалаларни киритиш ва уларнинг фикри асосида керакмасларини чиқариб ташлаш. Экспертлар тадқиқот объекти ҳақида қўшимча маълумотларни ҳам сўрашлари мумкин. Шундан сўнг ишга ташкилий гуруҳ киришади — иккинчи босқич бошланади. Ташкилий гуруҳ биринчисидан фарқ қиладиган сўровноманинг иккинчи вариантини тузади. Биринчидан, муаммоли вазиятга тегишли бўлмаган масалалар чиқариб ташланади. Иккинчидан, экспертларнинг фикрлари асосида сўровномага биринчи вариантни тузишда назардан четда қолган янги масалалар киритилиши мумкин. Учинчидан, бу энг муҳими — янги сўровномага Дельфида иштирок этадиган барча экспертлар томонидан биринчи босқичда билдирилган фикрлар киритилади. Бунда экспертларнинг ҳеч бир фикрини аҳамиятсиз қолдириш мумкин эмас, сўровдан ўтаётганлар ҳар бир эксперт тенг фикрга эга ва ҳеч кимга олдиндан имтиёз берилмаслигига ишонч ҳосил бўлиши керак.

Кейинги босқичда экспертлар ҳамкасблари томонидан таклиф этилган муаммони ҳал этиш вариантларига ўз муносабатини билдиришлари мумкин. Бу ерда махсус шкалалардан фойдаланган маъқул, бу ташкилий гуруҳга сўровномани тўғри ишлаб чиқишга ёрдам беради, аниқроғи экспертлар энг яхши деб ҳисоблаган таклифларни тўла намоён қилиш ҳамда маъқулланмаган ғояларни чиқариб ташлаш мумкин. Х. Линстон ва М. Турофф тўртта баҳолаш мезонларини тавсия этади, уларнинг ҳар бири учун тахминий баҳолаш вариантлари мавжуд (7-жадвал).

Бунда ҳар бир эксперт ҳамкасблари томонидан таклиф этилган муаммоларни ҳал этиш вариантга ўз фикрини билдириб, таклиф этилган ғояларни баҳолаганини асослаб бериши, унинг кучли ва заиф томонларини белгилаб, баҳоланаётган таклифда ечимнинг яқуний вариантыда нимадан фойдаланиш лозим, нимадан воз кечиш кераклиги ҳақида мулоҳазасини билдириши шарт.

Фараз қилайлик (Россия мисолида), экспертлар гуруҳига бирор жамоат бирлашмасининг сайлов тадбири стратегиясини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. “ОАВда ташвиқотни қандай қилиб тўғри ташкил қилиш мумкин?”, деган саволга жавоб бериб, экспертлардан бири, хусусан, умумроссия телеканалларида фақат бепул тақдим этиладиган эфир вақтидан фойдаланишни, ҳар бирининг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиб, алоҳида минтақа учун тайёрланган реклама роликларини ижарага олишда асосий сармояни минтақавий телетармоқлар ва кабель телевидениялари студияларидаги эфир вақтини сотиб олишга сарфлашни таклиф қилди. Юқоридаги барча таклифларни баҳолаш учун мезонлар тизимидан фойдаланган Дельфининг қолган иштирокчилари таклиф этилган ғояни самарали, амалга ошиши мумкин, қўйилган вазифаларни ҳал қилувчи сифатида баҳолади, шунингдек, ушбу таклифга катта ишонч билдирди.

**Экспертлар таклифларини баҳолаш мезонлари  
(Х. Линстон ва М. Турофф бўйича)**

Мезон	Баҳолаш варианты	Жавобларда мавжуд бўлган таклифларнинг тахминий хусусияти
Самарадорлик	Жуда самарали	Уни мустақил қарор сифатида қўллаш чоғида ижобий натижага эга бўлади.
	Самарали	Бошқа таклифлар билан биргаликда қўллаш чоғида ижобий натижага эга бўлади.
	Самарасиз	Салбий натижага эга бўлади.
Амалга ошириш	Тўлиқ амалга ошириш	Амалга оширишда ҳеч қандай тўсиқлар йўқ.
	Амалга ошириш мумкин бўлган	Охирига етказиш ва тафсилотларни пухтароқ ёзиб бориш талаб этилади. Амалга ошмаслик эҳтимоли
	Айрим жиҳатлар ёритилмаган, амалга ошириш чоғида муайян машаққатлар бўлиши мумкин. Тўла амалга ошмаслик	Таклиф иш бермайди.
	Тўла амалга ошмаслик	Таклиф иш бермайди.

Мавжуд муаммога муносабат билдириш босқичи	Жуда юқори	Таклиф қўйилган кўпгина вазифаларни ҳал қилади.
	Юқори	Таклиф муаммога дахлдор, лекин уни амалга ошириш иккинчи даражали хусусиятга эга.
	Паст	Таклифнинг муаммоли вазиятга бўлган муносабати заиф, уни амалга оширишдаги устулик жуда паст.
	Ниҳоятда паст	Таклифнинг муаммога алоқаси умуман йўқ.
Таклифга бўлган ишонч даражаси	Тўлиқ	Таклиф, ундаги барча хулосалар тўғри. Якуний қарор унинг негизига асосланиши керак.
	Юқори	Таклиф хатолиги эҳтимоли мавжуд. Якуний қарор ушбу таклифга айрим ўзгартириши ва қўшимчалар киритиш билан асосланиши лозим.
	Паст	Таклиф хатарли. Якуний қарор унинг асосига эмас, лекин қатор ғояларни ўзлаштириши мумкин.
	Ниҳоятда паст	Таклиф хато эканлигининг эҳтимоли катта, шунинг учун у қатъий рад этилиши зарур.

Ташкилий гуруҳ сўровномаларни таҳлил қилиш чоғида сайловолди курашдаги ОАВдан фойдаланиш бўлимида бу таклиф паст баҳо олган, қолганларидан эса ўзиб кетганини аниқлади. Қатор экспертлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Мисол учун, мавжуд ахборотга кўра, партиянинг мащхурлиги паст бўлган ҳудудлар учун махсус роликлар олмаслик, қолган сармойани эса давлат каналларида маълум миқдордаги вақтни сотиб олишга сарфлаш тавсия этилди. Бироқ телевидениедан реклама мақсадида фойдаланишнинг умумий тамойили маъқулланди. Билдирилган фикр-мулоҳазалар экспертларга юборилган сўровноманинг учинчи вариантыга киритилди. Экспертларнинг кўпчилиги фикр-мулоҳазаларга розилиklarини билдирди, бу якуний ҳужжатда ўз аксини топди.

Мисол шуни кўрсатмоқдаки, Дельфи экспертлар сўровноманинг барча бандларига биноан келишувга келмагунларича такрорланадиган бир нечта бир хил босқичларда ўтказилади. Сўнгра ташкилий гуруҳ билдирилган барча таклифларни якуний тасдиқлаш учун экспертларга жўнатиладиган ягона ҳужжатга жамлайди, кейин тузилган прогноз ёки қарор буюртмачига келиб тушади. Бундан экспертларнинг алоҳида гуруҳи кўпчилик билан келишмай, таҳлил этилаётган масала бўйича ўз нуқтаи назарида туриб олган вариант ҳам мустасно эмас. Фикр-имизча, бундай вазиятда уларнинг фикрларини расмийлаштириб, якуний қайдномага киритиш мақсадга мувофиқдир. Бундай жараён РФнинг Конституцион суди томонидан чиқариладиган қарорларни эслатади. Конституцион суд қароридан норози судья алоҳида фикр билдириш ҳуқуқига эга, бу фикр иш материалларига қўшилиши ва Конституцион суд қарорлари билан нашр этилиши лозим. Лекин Дельфи услубида кўпчиликнинг фикрини ҳисобга олиш жараёни муҳим бўлиши мум-

кин, агар Конституцион суд қарорларни қабул қилса, у ҳолда сиёсий экспертлар гуруҳининг лойиҳаси бор-йўти якуний қарорни қабул қиладиган шахс ёки шахслар гуруҳи учун таклифлар бўлади. Шу сабабли сўнггиси озчиликнинг далилларини ишончлироқ деб ҳисобланган вариант бўлиши мумкин.

### Дельфи услубини танқид ва унга муносабат ҳақида

Дельфи услуби эксперт билимини ташкил этиш жараёнида кенг тарқалганлигига қарамай, уни танқид қилувчилар кўп. Асосий айбловдан бири гуруҳий бевосита ва билвосита мунозаралар сифатини таққослашга тааллуқли бўлиб, олимларнинг фикрларига кўра, бевоситанинг сифати, сўнггисига қараганда юқорироқ, деб таъкидланади. Масалан, бевосита ва билвосита қарорлар қабул қилиш жараёнини ўрганган Ж. Фаркухар ҳам шундай фикрда. Бироқ бошқа олимларнинг тадқиқотлари акс натижа берди, Н. Долки ва Р. Кембелл бевосита гуруҳий ўзаро ҳаракат ҳолатида сезиларли даражада сифатли қарорларга мойилликни аниқлади. Натижада, бундай баҳолашда субъективлик юқори даражасининг мавжудлигини тахмин қилиш мумкин. Бундан ташқари, тажриба суръатининг бузилиши бевосита ва билвосита услублар психологик жараёнлардан фойдаланиши ҳамда хатолардан ҳоли ўтиши билан ҳам муҳимдир. Фақат шу вазиятда қарорлар сифати нуқтаи назаридан муайян услубнинг афзаллиги ҳақида сўз юритишимиз мумкин. Бевосита сиёсий қарорлар соҳасида бундай қиёсий тадқиқотларни ўтказиш ҳақида муаллифнинг хабари бўлмайди. Дельфи томон иккинчи айблов конформизм (монанд, мувофиқлаштириш, мослашиш) даражасининг ортганлигидир. Масалан, Х. Сакманнинг ёзишича, Дельфи ус-

лубида ташкилий гуруҳ гуруҳдагиларни уларнинг фикрига қўшилишга мажбур қилиб, ижобий баҳо олган қарорларни экспертларга қайтаради. Х. Сакманнинг таъкидлашича, шу йўл билан Дельфи статистик жиҳатдан ғолиб чиққан қарорларни умумий фикр сифатида ифодалашга уриниш бўлиб, экспертларнинг ҳақиқий келишуви (консенсус) эса ўзаро ташкил бўлиш натижаси ва экспертлар хабардорлик даражасининг ортиши сифатида эришилган қарордир.

Х. Сакман ўз танқидида оддий вазиятда мустақил тўғри қарор қабул қилувчи инсонлар бошқа инсонларнинг янгилиш натижалари билан танишиш чоғида ўз қарашларини бевосита муҳокамасиз ўзгартиришга мойил эканлигини аниқлаган М. Шериф тажрибасига таянади. Бироқ ушбу тажриба натижаларининг барча билвосита муҳокамаларга ёйилиши нотўғридир. Биринчидан, М. Шериф сиёсий экспертлар бевосита ўз омилкорлиги муаммолар билан шуғулланувчи муайян билим ва малакага эга шахслар билан бир қаторда, инсонларни тажриба учун тасодифий танлов қондасига кўра танлаганди, улар мутахассис бўлмаган билимлар соҳасидан уларга мураккаб бўлмаган вазифаларни ҳал этишни таклиф қилди.

Иккинчидан, буниси анча муҳим, М. Шериф тажрибаси бевосита гуруҳларда ҳам ўтказилган ва конформизмнинг юқори даражасини кўрсатган. Билвосита эксперт гуруҳларида конформистик қарорлар эҳтимолини инкор этмай, шуни таъкидлаш керакки, улар барибир бевосита гуруҳларга нисбатан конформизмнинг пастроқ даражаси билан таърифланади, Бу бевосита услубда экспертлар ўз фикрларини очиқ баён этишлари ҳолати билан изоҳланади. Дельфи услубида эса анонимлик қондаси қўлланилади. Билвосита услублардан фойдаланиш чоғида нуфузли экспертлар бевосита мунозаралардаги муҳокама қилувчи етакчилар таҳлилий жараённинг бошқа иштирокчилар фикрларига тўғридан-тўғри таъсир

этиш имкониятидан маҳрумдирлар, шунга кўра, гуруҳда юқори даражадаги конформизмнинг асосий сабабларидан бири кузатилади. Айнан шундай экспертларнинг ўз фикрларини бевосита гуруҳнинг барчасига бириктириб қўйиш қобилияти биз тавсифлаган гуруҳий тафаккур ҳодисаси асосида ётади ва қабул қилинаётган қарорлар сифатининг жиддий ўзгаришига олиб келади.

Бундан ташқари, кўпчиликнинг ҳолати билан мувофиқлашмаган, яқуний қарорга илова сифатида экспертлар фикрларини расмийлаштириш ҳақидаги таклифни ёдда тутиш керак, шунингдек, экспертларнинг ўз ғояларида қатъий туришлари конформизмнинг пасайишига ёрдам беради. Бу Дельфи статистик жиҳатдан ғолиб чиққан қарорни умумий фикр сифатида ифодалашга уринишни акс эттиради, деган Х. Сакманнинг қарашларини рад этиш имконини беради, яъни озчиликнинг фикри ҳам яқуний қарорга киритилади.

Дельфи рақибларининг бошқа бир далили амалиётда ишнинг натижаси кам миқдорда экспертларнинг фикрига боғлиқ, деган тахмин ҳисобланади, чунки яқуний қарорни материални қайта кўриб чиқувчи ташкилий гуруҳ тақдим этади, демак, у экспертларнинг жавобини ўзига фойдали ҳолда шарҳлаши мумкин. Жараённинг илк босқичида ташкилий гуруҳ томонидан экспертлар фикрларини манипуляция қилиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Дарҳақиқат, ташкилий гуруҳнинг роли анча юқори, шу муносабат билан экспертлар фикрлари муайян ўзгариши мумкин. Лекин бундай муаммони ташкилий гуруҳни саралаб олиш билан ҳал этиш мумкин. Унда, хусусан, бир-бирини назорат қиладиган икки киши бўлиши керак. Бундан ташқари, агар ташкилий гуруҳ ишнинг яқуний муваффақиятидан бевосита манфаатдор бўлса ҳамда унда рақобатлашаётган сиёсий ташкилотлар томонидан

сотиб олинган кишилар бўлмаса (сиёсатда бундай ҳолатни мустасно қилиб бўлмайди), у гуруҳнинг якуний қарорини тақдим этиш чоғида сохталикка уриниши дарғумон. Жавобларни қайта кўриб чиқиш чоғида компьютердан фойдаланиш ҳам сохталаштириш ёки ташкилий гуруҳ томонидан қалбакилаштириш хавфини пасайтира олади.

### ПАТТЕРН услуби

Яна бир кенг тарқалган билвосита услуб ПАТТЕРН (Planning Assistance Through Technical Relevance Number, яъни техник баҳолашнинг нисбий кўрсаткичлари орқали режалаштиришга кўмаклашиш)дир. Мазкур услуб бошқа “фикрлар ҳавзаси” “Хондуелл Инкорпорейтид” фирмасида 60-йилларнинг охирида ишлаб чиқилган. Дельфи услуби каби у ҳам АҚШнинг мудофаа вазирлиги топшириқларида синаб кўрилган, шунингдек, ҳарбий-сиёсий масалаларни ҳал этиш учун яратилган.

Бу услуб ўз-ўзидан қўлланилиши мумкин бўлган сиёсий таҳлилнинг бир нечта услубларини ўзида жамлаши билан изоҳланади. Сўз “мақсадлар дарахти”нинг сценарийсини ёзиш ва уни барпо этиш ҳақида кетяпти. Сценарий ёзиш ПАТТЕРНнинг биринчи босқичи, ўзида ҳолатли таҳлил ва меъёрий прогноз бирикмасини акс эттиради, шундан сўнг нарсалар мавжуд ҳолатидан келиб чиққан ҳолда аста-секин тадқиқот объектининг келгусидаги аҳволи қандай бўлишини кўрсатиши учун ҳодисаларнинг мантиқий кетма-кетлиги ўрнатилади.

#### «Мақсадлар дарахти»ни барпо этиш

Ҳолатли таҳлил ва прогнозлаш муаммолари кўриб чиқилгач, ПАТТЕРНнинг иккинчи қисми – “мақсадлар дарахтини барпо этиш”ни батафсил ўрганиб чиқамиз.

“Мақсадлар дарахти”ни тузишнинг асосий қондириши юқори даражадаги иерархик босқичнинг ҳар қандай мақсадини қуйироқ босқичдаги ост мақсад йиғиндисига ўзгартиришдан иборат. Шу йўл билан барча мақсад қатъий мантиқий кетма-кетликда бўлади, бунда ҳар бир катта мақсад кичикроқ ост мақсадга бўлинади. Ост мақсадни аниқлаш жараёни уларнинг барчаси ўзларининг амалга ошиш воситалари номлари билан мос келмагунча давом этади.

Мисол тариқасида Россиянинг Н. шаҳрида жойлашган мажоритар ҳудудда номзоднинг сайловолди кураши стратегиясини ишлаб чиқишни кўриб чиқамиз. Фараз қилайлик, ҳудудни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, унда катта фабрикалар йўқ, аммо 2 та олий ўқув юрти ва академик институтлар мавжуд. Ҳудуднинг асосий сайловчилари ноишлаб чиқариш соҳасининг вакиллари – шифокорлар, ўқитувчилар, илмий ходимлар. Ҳудудда нафақахўрлар кўп, партиявий ташкилотлар вакиллари уюштираётган митингларга (митингга катта ёшдагилар чиқишади) аҳоли келмагани учун бўлиб ўтмаган. Социологик сўровлар шуни кўрсатдики, ҳудуд аҳолиси сиёсат билан қизиқади, бироқ турли сайловолди мажлисларига бормади, варақаларни ўқимади, бўш вақтини уйда ўтказиб, ахборотни матбуот ва телевидение кўрсатувларидан олишни афзал кўришади.

Статистика шуни кўрсатдики, ушбу ҳудудда сохта милиционер ва сантехниклар томонидан хонадонларда амалга оширилган ўғрилиқлар деярли аниқланмаган. (Сўнгги маълумотлар сайловчиларнинг хуш кўрган нарсаларини “эшикдан-эшикка” тарғиботи орқали забт этиш усулидан фойдаланиш эҳтимоли ҳақида хулоса чиқариш имконини беради, яъни номзоднинг ўзи хонадонма-хонадон юриб, сайловчилар билан мулоқотда бўлади. Агар ҳудудда ўғрилиқлар кўп бўлиб, жинойтчилар милиционер, почтачи ёки

сантехник қиёфасида одамларнинг уйларига кираётган бўлса, ўзини депутатликка номзод деб таништирган одамга, ҳатто у ўз таърифи ҳақида олдиндан огоҳлантирган бўлса ҳам, эшик очишлари эҳтимолдан йироқ).

Экспертлар маълумотни таҳлил қилиб, “мақсадлар дарахти”ни барпо қилганлари 8-жадвалда кўрсатилган. Сайлов компаниясининг дастлаб асосий йўналишларга ажратилиши (улар номзоднинг сайловдаги галабаси масаласини ҳал этишнинг асосий услублари ҳисобланади) тўлиқ кўрсатилган, кейин фақат битта асосий йўналиш – ОАВдан фойдаланишнинг “тармоқланиши” тасвирланган. Бу “қарорлар дарахти” ифодаланиши асосида амалга оширилган ва уни барпо этиш қоидаси акс эттирилган.

Кўриниб турибдики, ОАВдан фойдаланиш олтига асосий қарорларнинг биттаси – иккинчи босқичдаги тўртта қароростиларга бўлинади, кейин учинчи босқичдаги қароростиларга ажралади, уларнинг ҳар бири аниқ тадбир ҳисобланади.

### Энг яхши стратегияни танлаш


Экспертлар барпо этилган “қарорлар дарахти”нинг барча босқичлари пухта таҳлилини ўтказди. Бу кўндаланг турган масалани ҳал этиш усулларидан исталганининг муҳимлик даражасини аниқлаш учун амалга оширилади. Ҳар бир қарорга муҳимлик коэффициентини берилади. Энди қандай қарорларни амалга ошириш ва мавжуд захираларни қандай оптимал усулда тақсимлаш зарурлиги намоён бўлмоқда. Коэффициентларни бериш сўровнома усули билан амалга оширилади: экспертларга бланкалар тарқатилади, улар таклиф этилган барча ҳаркатга ўз баҳосини беради.

Қарорларни таҳлил этиш ва унга коэффициент бериш учун ҳар бир мақсад ва остмақсад баҳоланадиган муайян кўрсаткичлар йиғиндиси мавжуд. Улар орасида

қуйидагиларни ажратиш кўрсатиш мумкин: самаралилик даражаси, ўзаро фойдалилик, вақт ва молиявий сарф-харажатлар, партия захиралари ҳамда фаоллар ва кўнгиллилардан фойдаланиш эҳтимоли. Сўровнома-ларни тузиш чоғида руҳи аҳамиятининг хилма-хиллигини ҳисобга олиш керак. Айтайлик, молиявий харажатлар кўнгиллилардан фойдаланиш эҳтимолига қараганда муҳимроқ кўрсаткич бўлиши мумкин. Шунинг учун мезонларнинг ўзига ҳам нуфуз бериш керак, у ҳар бир мезонга нисбатан экспертларнинг фикрлари асосида амалга оширилади ва сўровнома ўтказишдан олдин аниқланади.

8-жадвал

### “Қарорлар дарахти” (сайлов компаниясини олиб бориш усулларидан бири бўйича)





Сўровномани тўғри тузиш учун яна иккита қоидага риоя қилиш зарур. Уларнинг биринчисини қуйидагича тузиш мумкин: мезонларнинг нуфузи шундай бирлик улушларида қўшиб ҳисобланадики, уларнинг йиғиндиси бирга тенг бўлади. Иккинчи қоида биринчисига ўхшайди, лекин энди тадбирни баҳолаш мезонларига тааллуқли бўлади. Ҳар бир мезон бўйича ҳар бир тадбир бирлик улушларида баҳоланади, лекин ҳар бир мезон бўйича барча тадбирларни баҳолаш йиғиндиси ҳам бирни ташкил этади.

Тушунтириш учун С. ҳудудда А.нинг сайлов компанияси асосий йўналишлари баҳоланадиган сўровнома намунасини (9-жадвал) келтирамиз.

Ушбу жадвал келтирилган барча талабларга мос келишига ишонил қийин эмас. Мезонлар нуфузининг йиғиндиси, ҳар бир мезон бўйича барча тадбирларни баҳолаш йиғиндиси каби бирга тенг

$$(0,35+0,25+0,1+0,1+0,1+0,1),$$

(масалан, "самарадорлик даражаси" мезони бўйича баҳолаш йиғиндиси  $0,35+0,05+0,15+0,15+0,2+0,1=1$ ). Ушбу ҳудуддаги энг самарали тадбирлардан бирининг нуфузи (номзоднинг ОАВда сўзга чиқиши)ни ҳисоблаб чиқамиз:  $0,35 \times 0,3 + 0,25 \times 0,05 + 0,5 \times 0,1 + 0,1 \times 0,2 + 0,1 \times 0,2 + 0,1 \times 0,5 = 0,2125$ .

Мураккаб бўлмаган математик ҳисоб-китоблардан сўнг С. ҳудудда А. номзод учун тарғиб қилишнинг қайси усуллари мос келади ва қайсиларига камроқ эътибор қаратиш кераклиги намоён бўлади. Бундан ташқари, жадвал тарғиботдаги ҳар бир асосий йўналишларнинг кучли ва заиф томонлари ҳақида тўла тасаввур беради. Мисол учун, митинг ва сайловчилар билан учрашувни ташкил этиш катта молиявий харажатни талаб этмайди, лекин бу усул ушбу ҳудудда самарасиз. ОАВдан фойдаланиш эса самарали, лекин қимматга тушади. А. номзоднинг жамоаси алоҳида-алоҳида почта жўнатган-

ларида фаоллар ва кўнгиллиларга мумкин, лекин бу усул кўп вақт олади. Сайловчилар ўзгарган пайтда (масалан, А. номзод кўнгиллилар молиявий муаммога дуч келса ёки кўнгиллиларнинг қисми унга кутилмаганда ихтиёрий кўмак берса), жадвалдаги маълумотлардан фойдаланиб, сайлов компаниясини қайта тузиш ва тарғибот воситаларига нисбатан хатти-ҳаракатларни кўриб чиқиш мумкин.

### 9-жадвал

#### Сайлов кампанияси тадбирларини шкалалаш

Мезон	Мезон нуфузи	ОАВдан фойдаланиш	Сайловчилар билан митинг ва учрашувлар уюштириш	Тарғибот материалларини тарқатиш (варақалар, плакатлар ва ҳ.к.)	Алоҳида-алоҳида почта жўнатиш	"Эпикдан-эпиккача" тарғиботи	Телефон орқали тарғибот қилиш
Самаралилик даражаси	0,35	0,35	0,05	0,15	0,15	0,2	0,1
Молиявий харажатлар	0,25	0,05	0,25	0,1	0,15	0,25	0,2
Вақт сарфланиши	0,1		0,2	0,1	0,05	0,1	0,05
Ўзаро фойдалилик	0,1	0,2	0,15	0,2	0,15	0,15	0,15
Партия захираларидан фойдаланиш эҳтимоли	0,1	0,2	0,05	0,1	0,15	0,25	0,25
Фаоллардан фойдаланиш эҳтимоли	0,1	0,05	0,05	0,2	0,3	0,1	0,3

Эслатма: Харажатлар (вақт ва молиявий) мезонига кўра баҳоларни ўзлаштириш чоғида, харажатлари пастроқ бўлган тадбирлар юқорироқ баҳо олган.

Сўровномани тўғри тузиш учун яна иккита қоидага риоя қилиш зарур. Уларнинг биринчисини қуйидагича тузиш мумкин: мезонларнинг нуфузи шундай birlik улушларида қўшиб ҳисобланадики, уларнинг йиғиндиси бирга тенг бўлади. Иккинчи қоида биринчисига ўхшайди, лекин энди тадбирни баҳолаш мезонларига тааллуқли бўлади. Ҳар бир мезон бўйича ҳар бир тадбир birlik улушларида баҳоланади, лекин ҳар бир мезон бўйича барча тадбирларни баҳолаш йиғиндиси ҳам бирни ташкил этади.

Тушунтириш учун С. ҳудудда А.нинг сайлов компанияси асосий йўналишлари баҳоладиган сўровнома намунасини (9-жадвал) келтирамыз.

Ушбу жадвал келтирилган барча талабларга мос келишига ишонил қийин эмас. Мезонлар нуфузининг йиғиндиси, ҳар бир мезон бўйича барча тадбирларни баҳолаш йиғиндиси каби бирга тенг

$$(0,35+0,25+0,1+0,1+0,1+0,1),$$

(масалан, "самарадорлик даражаси" мезони бўйича баҳолаш йиғиндиси  $0,35+0,05+0,15+0,15+0,2+0,1=1$ ). Ушбу ҳудуддаги энг самарали тадбирлардан бирининг нуфузи (номзоднинг ОАВда сўзга чиқиши)ни ҳисоблаб чиқамиз:  $0,35 \times 0,3 + 0,25 \times 0,05 + 0,5 \times 0,1 + 0,1 \times 0,2 + 0,1 \times 0,2 + 0,1 \times 0,5 = 0,2125$ .

Мураккаб бўлмаган математик ҳисоб-китоблардан сўнг С. ҳудудда А. номзод учун тарғиб қилишнинг қайси усуллари мос келади ва қайсиларига камроқ эътибор қаратиш кераклиги намоён бўлади. Бундан ташқари, жадвал тарғиботдаги ҳар бир асосий йўналишларнинг кучли ва заиф томонлари ҳақида тўла тасаввур беради. Мисол учун, митинг ва сайловчилар билан учрашувни ташкил этиш катта молиявий харажатни талаб этмайди, лекин бу усул ушбу ҳудудда самарасиз. ОАВдан фойдаланиш эса самарали, лекин қимматга тушади. А. номзоднинг жамоаси алоҳида-алоҳида почта жўнатган-

ларида фаоллар ва кўнгиллиларга таъсир ўлтурувчи мумкин, лекин бу усул кўп вақт олади. Шарт-шароитлар ўзгарган пайтда (масалан, А. номзод кутилмаганда молиявий муаммога дуч келса ёки кўнгиллиларнинг кўп қисми унга кутилмаганда ихтиёрий кўмак берса), жадвалдаги маълумотлардан фойдаланиб, сайлов компаниясини қайта тузиш ва тарғибот воситаларига нисбатан хатти-ҳаракатларни кўриб чиқиш мумкин.

9-жадвал

Сайлов кампанияси тадбирларини шкалалаш

Мезон	Мезон нуфузи	ОАВдан фойдаланиш	Сайловчилар билан митинг ва учрашувлар уюштириш	Тарғибот материалларини тарқатиш (варрақалар, плакатлар ва ҳк.)	Алоҳида-алоҳида почта жўнатиш	"Эшикдан-эшиккача" тарғиботи	Телефон орқали тарғибот қилиш
Самаралилик даражаси	0,35	0,35	0,05	0,15	0,15	0,2	0,1
Молиявий харажатлар	0,25	0,05	0,25	0,1	0,15	0,25	0,2
Вақт сарфланиши	0,1		0,2	0,1	0,05	0,1	0,05
Ўзаро фойдалилик	0,1	0,2	0,15	0,2	0,15	0,15	0,15
Партия захираларидан фойдаланиш эҳтимоли	0,1	0,2	0,05	0,1	0,15	0,25	0,25
Фаоллардан фойдаланиш эҳтимоли	0,1	0,05	0,05	0,2	0,3	0,1	0,3

Эслатма: Харажатлар (вақт ва молиявий) мезонига нўра баҳоларни ўзлаштириш чоғида, харажатлари пастроқ бўлган тадбирлар юқорироқ баҳо олган.

Сўровномани тўғри тузиш учун яна иккита қоидага риоя қилиш зарур. Уларнинг биринчисини қуйидагича тузиш мумкин: мезонларнинг нуфузи шундай бирлик улушларида қўшиб ҳисобланадики, уларнинг йиғиндиси бирга тенг бўлади. Иккинчи қоида биринчисига ўхшайди, лекин энди тадбирни баҳолаш мезонларига тааллуқли бўлади. Ҳар бир мезон бўйича ҳар бир тадбир бирлик улушларида баҳоланади, лекин ҳар бир мезон бўйича барча тадбирларни баҳолаш йиғиндиси ҳам бирни ташкил этади.

Тушунтириш учун С. ҳудудида А.нинг сайлов компанияси асосий йўналишлари баҳоланадиган сўровнома намунасини (9-жадвал) келтирамиз.

Ушбу жадвал келтирилган барча талабларга мос келишига ишониш қийин эмас. Мезонлар нуфузининг йиғиндиси, ҳар бир мезон бўйича барча тадбирларни баҳолаш йиғиндиси каби бирга тенг

$$(0,35+0,25+0,1+0,1+0,1+0,1),$$

(масалан, “самарадорлик даражаси” мезони бўйича баҳолаш йиғиндиси  $0,35+0,05+0,15+0,15+0,2+0,1=1$ ). Ушбу ҳудуддаги энг самарали тадбирлардан бирининг нуфузи (номзоднинг ОАВда сўзга чиқиши)ни ҳисоблаб чиқамиз:  $0,35 \times 0,3 + 0,25 \times 0,05 + 0,5 \times 0,1 + 0,1 \times 0,2 + 0,1 \times 0,2 + 0,1 \times 0,5 = 0,2125$ .

Мураккаб бўлмаган математик ҳисоб-китоблардан сўнг С. ҳудудида А. номзод учун тарғиб қилишнинг қайси усуллари мос келади ва қайсиларига камроқ эътибор қаратиш кераклиги намоён бўлади. Бундан ташқари, жадвал тарғиботдаги ҳар бир асосий йўналишларнинг кучли ва заиф томонлари ҳақида тўла тасаввур беради. Мисол учун, митинг ва сайловчилар билан учрашувни ташкил этиш катта молиявий харажатни талаб этмайди, лекин бу усул ушбу ҳудудда самарасиз. ОАВдан фойдаланиш эса самарали, лекин қимматга тушади. А. номзоднинг жамоаси алоҳида-алоҳида почта жўнатган-

ларида фаоллар ва кўнгиллиларга таъсир ўтказиши мумкин, лекин бу усул кўп вақт олади. Шарт-шароитлар ўзгарган пайтда (масалан, А. номзод кутилмаганда молиявий муаммога дуч келса ёки кўнгиллиларнинг кўп қисми унга кутилмаганда ихтиёрий кўмак берса), жадвалдаги маълумотлардан фойдаланиб, сайлов компаниясини қайта тузиш ва тарғибот воситаларига нисбатан хатти-ҳаракатларни кўриб чиқиш мумкин.

### 9-жадвал

#### Сайлов кампанияси тадбирларини шкалалаш

Мезон	Мезон нуфузи	ОАВдан фойдаланиш	Сайловчилар митинг ва учрашувлар уюштириш	Тарғибот материалларини тарқатиш (варрақалар, плакатлар ва ҳ.к.)	Алоҳида-алоҳида почта жўнатиш	"Эшикдан-эшиккача" тарғиботи	Телефон орқали тарғибот қилиш
Самаралилик даражаси	0,35	0,35	0,05	0,15	0,15	0,2	0,1
Молиявий харажатлар	0,25	0,05	0,25	0,1	0,15	0,25	0,2
Вақт сарфланиши	0,1		0,2	0,1	0,05	0,1	0,05
Ўзаро фойдалилик	0,1	0,2	0,15	0,2	0,15	0,15	0,15
Партия захираларидан фойдаланиш эҳтимоли	0,1	0,2	0,05	0,1	0,15	0,25	0,25
Фаоллардан фойдаланиш эҳтимоли	0,1	0,05	0,05	0,2	0,3	0,1	0,3

Эслатма: Харажатлар (вақт ва молиявий) мезонига нўра баҳоларни ўзлаштириш чоғида, харажатлари пастроқ бўлган тадбирлар юқорироқ баҳо олган.

Шу йўл билан иккинчи ва учинчи босқич қарорлари гуруҳлари учун ҳам баҳолаш жадваллари тузилади. Масалан, бу ҳолатда иккинчи босқич қарорлари учун жадвал олтига бўлади, “ОАВдан фойдаланиш” тарғиботининг асосий йўналишлари қароростиларини таҳлил этиш учун, “қарорлар дарахти”дан кўриниб турганидек, тўртта жадвал тузиш керак. Шундан сўнг сайлов компаниясининг тўлиқ кўриниши юзага келиб, ҳар бир тадбирни барча мезонлар бўйича баҳолаш мумкин бўлади.

### Стратегик моделлаштириш

#### “Модель” тушунчаси. Моделлаштириш – сиёсий жараён ва стратегик таҳлилларни ўрганиш усули сифатида

Янги асрда ижтимоий-сиёсий воқеа ва жараёнлар тобора чуқурлашиб, шиддат билан кечмоқда, бу ҳолат муайян давлат ички ва ташқи сиёсатига, у қайси ҳудудда жойлашганлигидан қатъи назар, ўз таъсирини ўтказмоқда, уларни жаҳон сиёсий ҳаётига тортмоқда.

Шунинг учун дунёдаги кўпгина мамлакатларда олиб борилаётган политологик тадқиқотлар мақсади маълум объектга, муайян даражадаги таъсирнинг натижаси қандай бўлишини аниқлашга қаратилган. Назарий тадқиқотлар маълумот ва натижаларни қиёслаш асосида илгари сурилган илмий тахминларни тасдиқлаш ёки инкор этиш, фундаментал тадқиқотларда эса саъй-ҳаракатларнинг стратегиясини шакллантириш имконини беради. Иккала ҳолатда ҳам уларни синовдан ўтказиш, таҳлил этиш ва ҳулосалар чиқариш тақозо этилади.

Ижтимоий объектларда моделлар асосида тажриба ўтказиш қийин муаммо ҳисобланади, зеро, масала нафақат унинг ахлоқий томонида, биринчидан, сиёсий тажриба объекти сифатида инсонлар гуруҳи қатнаша-

ди, улар тажриба иштирокчиси ҳисобланади, шунинг учун уларнинг фикри ва истаклари билан ҳисоблашиш зарурдир. Иккинчидан, илмий тажриба бошланғич ва якуний шароитни бир неча марта такрорлашни талаб этади, шунинг учун доимий ўзгаришдаги ижтимоий объектлар учун кўпчилик ҳолатларда бунинг иложи йўқ. Шунинг учун политологияда тажриба объекти, одатдагидек, мавжуд реал тадқиқот объекти эмас, балки унинг ўхшаши, модели ҳисобланади.

“Модель” тушунчаси латинча *modulus* (ўлчов, нусха, норма), *modus* (усул, образ) сўзлари билан боғлиқ. У тадқиқотчи ва уни қизиқтираётган тадқиқот объекти билан боғловчи “вакил”, образ сифатида иштирок этади. Фанда “модель” деганда борлиқнинг унга айнан ўхшашлиги (нусхаси) тушунилади. Моделлаштириш эса тадқиқот усули бўлиб, мавжуд тадқиқот объектининг моделлари (нусхаси) тузилиши ва уни ўрганишга асослангандир.

Мавжуд объектнинг ондаги инъикоси бўлган ҳар қандай сўз нусха, модель ҳисобланади. Демак, моделлаштиришни барча йўналишларда амалга ошириш мумкин. Инсоният бир неча юз йиллар давомида онгли равишда, гарчанд назарий асосланмаган бўлса ҳам, қурилиш, меъморчилик, техника ва бошқа соҳаларда моделлаштириш жараёнидан фойдаланиб келган.

Албатта, ижтимоий, сиёсий соҳада моделлаштириш моддий-техник ва шунга ўхшаш объектларни моделлаштиришдан кескин фарқ қилади. Инсоннинг, одамлар гуруҳи, катта ижтимоий гуруҳларнинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатлари нафақат ички қонуниятлар, балки уларнинг ҳолати, кайфияти, қизиқишлари билан ҳам белгиланади. Сиёсий соҳада тадқиқот жараёнида муайян даражада иштирок этаётган тадқиқотчининг буюртмачи томонидан маълум даражада йўналтирилган субъектив, шахсий сиёсий қарашлари ва интилишлари кучли акс этади.

Барча ижтимоий ва сиёсий жараёнлар сифат ҳамда миқдор тавсифига эга. Сиёсий объектларни тадқиқ қилиш учун математик ва компьютер моделларини қўллаш мумкин. Лекин модель мавжуд жараёни акс эттириши, яъни тадқиқотчини қизиқтираётган қўламлар мажмуини аниқ ифода этиши учун ўрганилаётган объектнинг “хатти-ҳаракати”ни аниқ баҳолаш мақсадида моделлаштиришнинг асосланган тамойилларининг ўзига хос томонларини ҳисобга олиш лозим.

Муҳими, ҳар қандай модель ўрганилаётган объектни тўла акс эттира олмаслигини эътиборда тутиш лозим. Чунки модель доимо объектга нисбатан соддароқ бўлади. Тадқиқотчи тўқнашадиган биринчи муаммо шуки, у қизиқтираётган моделнинг ўзига хослигини аниқлаб олиши керак. Моддий, техник объектлар модели ҳам унинг барча томонларини тўла акс эттира олмаганидек, сиёсий соҳада сиёсий вазият ва жараёнларни, сайлов компанияси, ижтимоий-демографик вазиятлар ва бошқаларнинг модели ҳам объектнинг барча хусусиятларини ўзида тўла намоён эта олмайди.

Моделлаштиришнинг мақсади ҳамда уни боғлаб турувчи элементлар муносабатидан келиб чиқиб, танланган тадқиқот предметига ҳамоҳанг тарзда объектнинг тузилиши – унинг таркибини ташкил этувчи элементи ва хусусиятлари мажмуи аниқланади. Ушбу элементлар мажмуи, хусусияти ва муносабатлари белгиланган объектнинг акс этиши талабларини таъминлаши ва сифат кўринишини мужассамлигини ифодалаши керак. Объектнинг тўлалигича акс этиш талаблари бўлган, яъни мавжуд масаланинг барча соҳаларига дахлдор элемент ва қўлами, уларнинг ўзаро алоқасини ҳисобга олиш зарур.

Яна бир мураккаб вазифа, объект билан муҳитнинг бир-бирига ўзаро таъсиридан келиб чиқувчи, яъни объект

ва унга ташқи муҳит билан алоқанинг мавжуд мужассамликдаги ҳолатини ҳисобга олиб, аниқлаш керак. Масалан, сайлов компанияси моделлаштирилаётганда оммавий ахборот воситаларини, сиёсий партия ёки сиёсий элита номзоднинг нуқтаи назари (позицияси) ва бошқаларни эътибордан қочирмаслиги лозим.

Моделни оқилона ва сифатли шакллантиришнинг мажбурий зарурияти, ушбу масалага ҳар томонлама, барча хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашишни тақозо этади. Бу билан моделлаштиришнинг баъзи тамойиллари ҳам боғлиқдир. Бу моделлаштириш билан боғлиқ тушунчаларни тадқиқот жараёнига мослаштириш, белгиланган қоидаларга бўйсунувчи элемент тизимлари ва бир-бирига ўзаро таъсир этиши билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатларни аниқлаш ҳамда расмийлаштиришдан иборат. Тадқиқот давомида объектдаги мавжуд ҳолат қўламида жиддий ўзгаришлар бўлмаслигига асос бўлувчи, яъни сиёсий вазиятнинг барқарорлиги зарур бўлади.

### **Моделлаштириш – сиёсий жараён ва стратегик таҳлилларни ўрганиш усули сифатида**

Ҳар қандай фаннинг муҳим муаммоларидан бири – методология ва усуллари муаммосидир. Унинг ҳал этилиши янги билимларни олиш ва амалий фаолиятга қўллаш имконини беради. Шу билан бирга, бу анчагина мураккаб муаммодир, у ўз объекти бўлган фанни ўрганади.

Услуг иборасини тушунишнинг турличалиги шундан келиб чиқади. У усуллар жамламасини, фаннинг ўз предметини тадқиқ этиш воситаси ҳамда мавжуд билимлар мажмуасини билдиради.

Сиёсатшунослик ва сиёсий социологияда сиёсий жараёнлар параметри (қўлами)ни тадқиқ этиш учун эмпи-

рик (тажриба) усулларида кенг фойдаланилади. Хусусан, ушбу усул сиёсий партиялар мавжудлиги, ижтимоий фикр, сиёсий маданият, сиёсий коммуникация ва ОАВ, халқаро муносабатлар ва унинг турли йўналишларини ўрганишда фойдаланилади.

Сиёсий жараёнларни ўрганишда социологик фанларнинг барча услубий имкониятлари: ҳужжатларни таҳлил қилиш, кузатиш, сўров, социометрик ва бошқа усулларида фойдаланилади. Моделлаштириш усули объект ва вазиятнинг идеал тасаввурини қуриш билан боғланган бўлиб, уни ифода этувчи муносабат ҳамда элементлар реал сиёсий жараёнлар муносабати ва элементларига ўхшашдир.

Олимларнинг фикрича, сиёсий ва стратегик моделлаштиришнинг бошланишига Л.Ричардсоннинг 1919 йилда чоп этилган “Урушнинг математик психологияси” асари асос солганлиги таъкидланган. Сўнгра моделлаштириш ўз ривожланиши ва такомиллашиш жараёнида кўп босқичларни ўтади.

Сиёсий фанларда моделлаштиришнинг, хусусан, математик моделлаштиришнинг тезлик билан жорий этилишига иқтисодчилар томонидан аввал фойдаланилган усулларнинг кенг қўлланилиши асос бўлди. Аввало, қарорлар қабул қилиш назарияси эътиборда тутилмоқда, улар асосан иқтисодий таҳлил натижаларидан фойдаланишган. Шу ўринда ижтимоий жараёнларни ўрганиш учун ижтимоий танлов ва моделлаштиришнинг мослаштириш усулини яратган А.Даунс номини эслаш зарурдир.

Моделлаштириш усуллари кўллаш билан боғлиқ кўплаб амалий сиёсий тадқиқотлар ривожлантириш билан белгиланган. Шу билан бирга, моделлаштириш усуллари ҳақида тасаввурнинг кенгайишига, назарий қоидаларнинг ривожланишига ёрдам берди. Бунда В.Шродт,

Р.Шеннон, Ч.Лэйва, Ж.Марча, К.Паттон ишлари ўтиш мумкин. Ундан ташқари, рационал танлов назариясининг такомиллашиши ҳам давом этди. Чекланган рационаллик концепциясини асослаган ва моделлаштириш усули ёрдамида рационал танлов парадигма (ўзгартирилган сўз, конструкцияни шаклий тизими)ни қўллаш имкониятини намойиш этган Г.Саймонни моделлаштириш соҳасида танилган мутахассис деб аташади. В.Райкер, М.Олсон, Ж.Бьюкенен, Г.Таллок асарларида ўйинлар назарияси ишлаб чиқилган. Ижтимоий фанларда моделлаштиришни қўллаш асослари тизимли ёндашув асосида ўрганиш Р.Аккоффа, И.Блауберг, Э.Мирский, В.Садовский, Е.Морозов, Э.Наппельбаум ва бошқаларнинг асарларида ишлаб чиқилган.

Электрон ҳисоблаш машиналарининг пайдо бўлиши билан моделлаштириш ривожланишида янги давр бошланди. Энди моделлаштириш мураккаб ва кўп вақт оладиган муолажа бўлмай қолди, натижада ижтимоий ва сиёсий жараёнларни тадқиқ этиш учун янада кенгроқ имкониятга эга бўлди.

Россиялик олимлар (В.Б.Тихомиров, Г.И.Яковлев, А.А.Дегтярев, О.Ф.Шабров ва бошқалар) томонидан ҳам сиёсий ва стратегик моделлаштириш назарияси бўйича ўзига хос ишланмалар тайёрланган. Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий фанларда моделлаштириш усуллари амалиётда ҳозиргача атрофлича қўлланилмаган, асосан, ўрганилаётган жараёнларни вербал (оғзаки, сўз билан) баён қилиш билан чекланган. Алоҳида қўлланма сифатида А.А.Ғофуров томонидан чоп этилган “Политометрия” китобини айтиш мумкин, унда ҳам асосий эътибор ижтимоий жараёнларда математик моделлаштириш, тенглама ва тенгсизликлар тартибидаги моделлар тузиш масалаларига кўпроқ аҳамият берилган.

рик (тажриба) усулларида кенг фойдаланилади. Хусусан, ушбу усул сиёсий партиялар мавжудлиги, ижтимоий фикр, сиёсий маданият, сиёсий коммуникация ва ОАВ, халқаро муносабатлар ва унинг турли йўналишларини ўрганишда фойдаланилади.

Сиёсий жараёнларни ўрганишда социологик фанларнинг барча услубий имкониятлари: ҳужжатларни таҳлил қилиш, кузатиш, сўров, социометрик ва бошқа усулларида фойдаланилади. Моделлаштириш усули объект ва вазиятнинг идеал тасаввурини қуриш билан боғланган бўлиб, уни ифода этувчи муносабат ҳамда элементлар реал сиёсий жараёнлар муносабати ва элементларига ўхшашдир.

Олимларнинг фикрича, сиёсий ва стратегик моделлаштиришнинг бошланишига Л.Ричардсоннинг 1919 йилда чоп этилган “Урушнинг математик психологияси” асари асос солганлиги таъкидланган. Сўнгра моделлаштириш ўз ривожланиши ва такомиллашиш жараёнида кўп босқичларни ўтади.

Сиёсий фанларда моделлаштиришнинг, хусусан, математик моделлаштиришнинг тезлик билан жорий этилишига иқтисодчилар томонидан аввал фойдаланилган усулларнинг кенг қўлланилиши асос бўлди. Аввало, қарорлар қабул қилиш назарияси эътиборда тутилмоқда, улар асосан иқтисодий таҳлил натижаларидан фойдаланилган. Шу ўринда ижтимоий жараёнларни ўрганиш учун ижтимоий танлов ва моделлаштиришнинг мослаштириш усулини яратган А.Даунс номини эслаш зарурдир.

Моделлаштириш усуллари қўллаш билан боғлиқ кўплаб амалий сиёсий тадқиқотлар ривожлантириш билан белгиланган. Шу билан бирга, моделлаштириш усуллари ҳақида тасаввурнинг кенгайишига, назарий қоидаларнинг ривожланишига ёрдам берди. Бунда В.Шродт,

Р.Шеннон, Ч.Лэйва, Ж.Марча, К.Паттон ишларини эслаб ўтиш мумкин. Ундан ташқари, рационал танлов назариясининг такомиллашиши ҳам давом этди. Чекланган рационаллик концепциясини асослаган ва моделлаштириш усули ёрдамида рационал танлов парадигма (ўзгартирилган сўз, конструкцияни шаклий тизими)ни қўллаш имкониятини намоён этган Г.Саймонни моделлаштириш соҳасида танилган мутахассис деб аташди. В.Райкер, М.Олсон, Ж.Бьюкенен, Г.Таллок асарларида ўйинлар назарияси ишлаб чиқилган. Ижтимоий фанларда моделлаштиришни қўллаш асослари тизимли ёндашув асосида ўрганиш Р.Аккоффа, И.Блауберг, Э.Мирский, В.Садовский, Е.Морозов, Э.Наппельбаум ва бошқаларнинг асарларида ишлаб чиқилган.

Электрон ҳисоблаш машиналарининг пайдо бўлиши билан моделлаштириш ривожланишида янги давр бошланди. Энди моделлаштириш мураккаб ва кўп вақт оладиган муолажа бўлмай қолди, натижада ижтимоий ва сиёсий жараёнларни тадқиқ этиш учун янада кенгроқ имкониятга эга бўлди.

Россиялик олимлар (В.Б.Тихомиров, Г.И.Яковлев, А.А.Дегтярев, О.Ф.Шабров ва бошқалар) томонидан ҳам сиёсий ва стратегик моделлаштириш назарияси бўйича ўзига хос ишланмалар тайёрланган. Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий фанларда моделлаштириш усуллари амалиётда ҳозиргача атрофлича қўлланилмаган, асосан, ўрганилаётган жараёнларни вербал (оғзаки, сўз билан) баён қилиш билан чекланилган. Алоҳида қўлланма сифатида А.А.Ғофуров томонидан чоп этилган “Политометрия” китобини айтиш мумкин, унда ҳам асосий эътибор ижтимоий жараёнларда математик моделлаштириш, тенглама ва тенгсизликлар тартибидаги моделлар тузиш масалаларига кўпроқ аҳамият берилган.

Сиёсий жараёнлар тадқиқотида объект ва предметнинг вазифаси, мақсади, эмпирик маълумотлар, бошқа омиллар асосидаги турли моделлар қўлланилади.

Йирик социал гуруҳлар, сиёсий институтлар, сиёсий коммуникациялар, сиёсий етакчилар аниқ сиёсий вазиятнинг тадқиқот объекти бўлиши мумкин. Объектларнинг ҳар бири ўз тадқиқот асослари ва моделлаштириш усуллари талаб этади.

Моделлаштиришнинг моҳияти – сиёсий фаоллиги мавжуд А. объектни В. объект билан, яъни сунъий ташкил этилган ва А. объектнинг ёки унинг энг муҳим томонларини такрорловчи, уни модели, нусхаси билан алмаштиришдан иборатдир. Модель – объект ёки тузилманинг нусхаси, муайян тизимни, жараён ёки қатор воқеликларни ўзаро боғловчи тушунтириш ёки баён этишдир.

Модель бирор тузилма, объект ёки жараёни моделлаштириш учун тенгламалар тузиш орқали шакллантирилади. Моделлар ичидаги алоқалар тизими ахборот оқимларини ажратиш схемасини тузиш “мета тил” (мета тил) ёрдамида, масалан, математик ёки мантиқий-семантик йўл билан ифода этилади. Тадқиқотнинг ҳар қандай муҳим вазифасини ҳал этиш учун объектнинг томонлари ва параметри ўзининг абстракт (мавҳум) кўринишини олади (агар математик моделлаштириш ҳақида гапирилганда, у аниқ математик ифодани беради).

Кўпинча, моделларни классификациялаш учун асос сифатида “тадқиқот тили” танлаб олинади ва шу асосда шакллантирилади. Шундай қилиб, у мазмунли ва шаклий моделларга ажратилади. Мазмунли моделлар функционал белгилари бўйича баён этилувчи, тушунтирувчи ва прогноз қилувчи моделларга бўлинади.

Сиёсатшунослик тадқиқотларида алоҳида ўринни гу-

манитар изланишларга қатъий шакл берувчи, табиий фанлар соҳасидаги изланишлар учун характерли бўлган шаклий математик моделлар эгаллайди. Математик моделларни шартли равишда ўзаро боғланган гуруҳларга ажратиш мумкин: 1) детерминант моделлар, ўрганилаётган тизимнинг хулқ-атворини (характерини) баён этувчи тенглама ва тенгсизликлар шаклида ифода этувчи; 2) оптимал (мўътадил) моделлар, маълум чеклашлар бўйича максималлаштириш ёки минималлаштиришни таъминловчи мазмунли берувчи; 3) эҳтимолли моделлар, у ҳам тенглама ва тенгсизлик шаклида ифодаланади, лекин эҳтимоллилиқ мазмунига эга бўлган, яъни қарор, унинг самарадорлигининг ўртача тенглигини максималлаштиришга асосланади.

Моделлар мантиқий даражаси бўйича макро ва микро моделларга ажратилади. Объектни баён этиш усулларига қараб, миқдорли ва сифатли моделларга ажратилади.

Воқеликка алоқасига кўра, моделлар тизимнинг ҳолатига кўра берилган, мумкин бўлган ва исталган моделларга бўлинади. Биринчиси, аниқ, мавжуд бўлган объектнинг тадқиқоти зарурлигида фойдаланилади. Моделнинг иккинчи ва учинчи турлари берилган объектнинг турли ҳолатлар таъсирида ўзгариши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда зарур бўлгандагина шакллантирилади.

Тизимнинг берилган ва исталган ҳолатларида қарама-қаршилик пайдо бўлса, муаммоли вазият моделидан фойдаланилади. Мавжуд қарама-қаршиликнинг олдини олиш йўллари ва воситалари қарор моделларида акс этади.

Келиб чиқишига қараб, моделлар – сунъий ва табиийларга классификация қилинади. Биринчиси аниқ вазифаларни ҳал этиш учун мақсадли равишда тузилади, иккинчиси эса маълум жараён натижаси сифатида шакллантирилади.

Моделлаштириш жараёнининг моҳияти мавжуд ту-



шунчалар устида ўтказиладиган операциялардан иборатдир. Агар математик моделлаштириш ҳақида гап кетса, унда тенгламалар системасини қуриш, линияли тенглама ва тенгсизликлар тузиш операцияларини қўллаш, геометрик усулда аниқ бўртиб чиққан ҳолат-хусусиятларидан фойдаланиш, симплекс (оддий,  $n$  берилган ўлчов сонининг оддий бўртиб чиққан кўп қиррали) усуллари-дан фойдаланиш, катталик ўлчамини максималлаштириш (минималлаштириш), сеть (тўр) усулини қўллаш, оптималлаштириш вазифаси ҳамда мақсадли тузилмаларни қўллаш ва бошқалар. Математик моделлаштиришни қуришда, асосан, линияли моделлаштириш, ўйин назарияси, график (жадвал) назарияси усуллари, динамик моделлаштириш ва бошқалардан фойдаланилади. Лекин кўпинча тадқиқотчилар сиёсий объектни ўрганиш вазифаларини ҳал этишда моделни ўрганиш бўйича алоҳида операциялар қилмай, унинг тузилишига тўхталишади. Аксарият тадқиқотчилар моделлаштириш жараёнини муайян алгоритмни қўллаш орқали модель тузишнинг мантиқий усуллари-дан фойдаланишни афзал кўришади. Бундай алгоритмларга сиёсий жараёнларни моделлаштириш соҳасидаги хорижий қўлланмалар тегишлидир, масалан, Шродт алгоритми, Прокторнинг ORET модели алгоритми, Саатининг иерархик (поғонали) таҳлил алгоритми усули, Тихомиров алгоритми ва ш.к.

Олимлар тадқиқот вазифаларини ҳал этишда сиёсий вазиятларни ўрганишнинг муайян ёндашув сифатида ўзида асос бўлган моделлаштиришнинг турли усуллари-ни қўллашади. Ушбу йўналишда нисбатан атрофлича ишлаб чиқилган объектни тизим сифатида ўрганиш имконини берувчи тизимли ёндашув ҳисобланади. Тизимли ёндашув асосида сермазмун моделлар, аввало, кризис (танглик), инқилоб, катастрофа (ҳалокат), хаос моделлари тузилган ва фаол фойдаланилмоқда. Сиёсий жара-

ёнларни ўрганишда яна бир ишлаб чиқилган ёндашув, рационал танлов назарияси бўлиб, унинг асосида моделлаштириш усули атрофлича қўлланилади. Биринчи навбатда, ихтилоф (конфликт) ва қарор қабул қилиш жараёнларини ўйин моделлари асосида ўтказиш кўзда тутилади. Айниқса, Даунснинг номзодларнинг хулқ-атвори-ни аниқлаш имконини берувчи сайлов модели алоҳида эътиборга эгадир.

Сиёсий ёки стратегик моделлаштириш пайдо бўлишида турли фанлардан қарздор, чунки дастлаб улар доирасида моделлаштириш усуллари пайдо бўлган ва ривожланган. Математикадан математик моделлаштириш, линияли моделлаштириш, моделлаштиришнинг геометрик усули, жадвал назарияси ва сеткали (тўрли) моделлаштириш, динамик моделлаштиришнинг асосий усуллари олинган. Физика ва кимёда олдиндан тизим модели бўлган – хаос, катастрофа, кризис, эволюция моделлари қўлланиб келинган. Психологиядан ихтилоф (конфликт)нинг асосий моделлари, иқтисодий фанлардан эконометрика усуллари, ўйин назарияси, қарорлар қабул қилиш назариясининг моделлари, иқтисодий хулқ-атворни таҳлил қилиш усуллари кириб келган. Америкалик олим Т.Саати томонидан ишлаб чиқилган иерархик (поғонали) таҳлил усули анчагина эътиборли ва истиқболга эгадир. Ундан ташқари сиёсий фанларда нисбатан янги йўналиш – компьютерда моделлаштиришнинг пайдо бўлганлигини таъкидлаб ўтиш лозим, чунки у сиёсий жараёнларнинг феномени ва ривожланиши омилларини ўргатишда моделлаштириш усуллари ичида фахрий ўринга эгадир. Сиёсий моделлаштиришнинг бошқа усуллари ҳам бўлиб, улар такомиллашиб бормоқда, яъни улар сиёсий жараёнлар амалга ошишининг теран механизмлари ўртасида кўплаб янгиликлар олиб келиши мумкин.

Сиёсий жараёнларни моделлаштиришга ундаган биринчи сабаб шундан иборатки, сиёсий ҳаётдаги воқеаларни кўпчилик қисми олдиндан кутилган бўлади, шунинг учун уларнинг пайдо бўлишини ҳам олдиндан айтиш мумкин. Математик моделлаштириш айнан шундай ноформал прогнозларни акс эттиришга ёрдам беради. Иккинчидан, формал (расмий) модель ва аниқ ноформал (норасмий) томонидан йўл қўйилган, эркин ифодаланган прогнозни текшириш ва аниқликлар киритиш имконини беради. Учинчидан, формал моделларнинг устунлиги нисбатан юқорироқ бўлган тизимнинг мураккаблик моҳиятини асослаш ва прогнозни текшириш, аниқ жавоб бериш имкониятини беради. Математика дастлаб мантиқий хулоса чиқариш ва тушунчаларни асослаш воситаси сифатида фойдаланилган.

Моделлаштиришнинг устунлиги шундаки, у турли илмий фанларга ўз тадқиқот воситалари ва усулларидан ўзаро тажриба алмашиш имконини беради. Ниҳоят, моделлар бошқа воситалар учун имкони бўлмаган ҳолатларнинг чуқур ўрнатилиши (бир турда эканлиги)ни кўра олади.

Оригинал объектни ўзгартириш қуйидаги фойдали самарадорликни олиш имконини беради. Биринчидан, модель оригиналга нисбатан арзон ва уни ўрганишга киришиш осон, демак, тадқиқотларга кетадиган харажатлар камаяди. Шунинг учун маълум, бир хил молиявий харажатлар доирасида моделлаштириш усулидан фойдаланилганда, анъанавий илмий усулларга нисбатан кузатишларни кўпроқ ўтказиш мумкин бўлади. Иккинчидан, модель оригиналга нисбатан анчагина ихчам, у математик, умуман, белгили моделларда яққол кўринади. Учинчидан, моделларга турли қайта ўзгартиришлар киритиш мумкин, оригинал ҳолатда эса тузатишлар киритишнинг иложи йўқ.

Моделлаштириш усули тобора катта аҳамиятга эришиб бормоқда, тадқиқотчилар сиёсий жараёнларни ўрганишда унга етарли даражадаги самарали усул деб қарашмоқда. Аввало, усул қарорлар қабул қилиш жараёнини тадқиқ этиш ва кузатишда қўлланилади. Моделлаштириш сиёсий жараёнларни ўрганишнинг бошқа усуллари эриша олмайдиган, сиёсий жараёнларнинг ривожланиш механизмларини ўрганиш имконини беради, мураккаб электорал жараёнда тўғри йўналиш олиш ҳамда жараённинг элементлараро алоқаларни топишга ёрдам беради. Т.Саати томонидан ишлаб чиқилган сиёсий моделлаштириш усулидан, масалан, сиёсий музокаралар олиб боришда фойдаланиш мумкин. Ушбу моделлаштириш усули ёрдамида ижтимоий-сиёсий вазиятнинг тадқиқоти ўтказилади ва сиёсий хулқ-атвор стратегияси ифодаланади.

Ушбу усул политологияда моделлаштириш усуллари-дан фойдаланиш жамиятдаги ўзгаришлар жараёнлари ва объектнинг ривожланиши қонуниятларини билиш, чуқур таҳлил қилиш ҳамда умумлаштиришни зарурият қилиб қўймоқда, бу эса фанларни чуқур ўрганишни ташкил этиш имконини бериб, ижтимоий-сиёсий фанларда фанлараро долзарб тадқиқотлар ўтказишни таъминламоқда.

**Моделлаштиришнинг ментал (ақлий), когнитив, имитацияли (ясама), компьютер турлари ҳақида**

**Ментал (фикрий, ақлий) моделлаштириш — суҳбатдошни тушуниш технологияси сифатида**

Инсон амалга оширадиган ҳар бир хатти-ҳаракати, гапирган сўзи тасодифий эмас, чунки у ақлий дастурлар билан белгиланади, шу сабабли (бажараётган ёки гапирётган инсоннинг фикрича) у хато ҳисобланмайди.

Бу инсон ўзининг баъзи хатти-ҳаракатларини хато

деб тушунмаслигини англатмайди. Шунини эътиборга олиш керакки, ҳаракат бошлангандан, ҳаттоки, тутаганидан сўнг ҳам хатоларни тушуниб етиш мумкин. Хатоларни тушуниш - исталмаган натижага олиб келган ментал (фикрий, ақлий) дастурларни тузатишга бўлган уринишдан ўзга нарса эмас. Агар хато тузатилмаса, уни тушунишдаги фаолиятнинг амалга ошиш жараёни кучайиб кетаётган бўлса, инсон қайта алоқа ҳалқаларидан тузилган ўзига хос парма (штопор)га тушиб қолиб, ўзини тўхтата олмайди. Натижада хато хатти-ҳаракатларни тўхтата олмай қолади.

Инсоннинг сўзлари, имо-ишора ва хатти-ҳаракатларини белгилловчи ақлий дастур нимадан иборат? Бу шуниси билан қизиқки, саволларни бериш жараёнида ўзингиз уларга тушуниб етмаган ҳолда жавоб оласиз. Бундай вазиятда жавоб қуйидагича: сиз савол бердингизу, лекин ундан аввал сизни худди шу саволни беришга ундаган қандайдир ички майлни ҳис қилдингиз. Бу ички майл (уни буйруқ деб аташ мумкин) аввалги ва сўнги буйруқлар билан ўзаро боғлиқдир. Сизнинг ақлий фаоллигингиз, балки сиз илгари англамай, ўз сўз ва ҳаракатларингизни “ўз-ўзидан маълум” деб ҳисоблаб, қандайдир дастурга тўлиқ бўйсунган бўлиб чиқади.

Ёзилган хатбошилариға қараб, ўқувчим нима билан келиша олмаслиги мумкин деб ўйлайман? Ахир юқорида ёзилган сўзларим мен учун тасодифий ёки хато (мени фикримча) эмас. Ўқувчининг менинг фикрларимга норозилиги мен баён қилаётган жараёнларни бошқача тушунишидан келиб чиқади. Бошқача тушунса, уларни бошқача баён қилардим.

Баъзида бир инсон бошқаси билан келиша олмайди, чунки ўзганинг ақлий дастурини ўзининг шахсий доирасида моделлаштиришга уринмайди. Мутахассисларнинг фикрича, бир инсон бошқасини ҳар қандай тушу-

нишини суҳбатдошнинг ақлий дастурини моделлаштириш сифатида тасаввур қилиши мумкин. Агар даъволар ақлий дастурингизга биноан қабул қилинса, сизнинг фикрингизча, зиддиятга эга бўлиши ёки нотўғри бўлиши мумкин. Мен нимани қандай айтганимга қараб, сиз менинг ақлий дастуримнинг асосий мантиқий блокларини бутунлай янгича ташкил этишингиз мумкин ва бундан келиб чиққан ҳолда барча айтилганлар мутлақо ишонарлидир.

Агар бизнинг диққатимизни (бошқа бир инсон билан суҳбатлашганда ёки матн ўқиганда) суҳбатдош (муаллиф)нинг ички мантиғига эмас, балки айтилган (ёзилган) нарса ўзимизнинг ички мантиғимизга зид келаётгани ёки келмаётганлигига қаратсак, одатда, тушуниш юз бермайди.

Агар яхшилаб ўйлаб кўрилса, диққатнинг мана шундай марказини онгсиз равишда танлаш ҳам тасодифий эмас. Бизнинг фикрлаш, ақлий дастуримиз доимо (биз сезмаган ҳолда) тафаккуримизда рўй бераётган жараёнлар устидан назорат ўрнатиш даражасини кузатиб туради. Биз унинг ички мантиғи ва тузилишидан келиб чиқиб, муайян нарсага кўникиш ҳосил қиламиз ёки баҳслаша бошлаймиз. У биринчи галда суҳбатдош (муаллиф)ни тушуниш учун эмас, балки ўзидан ташвишланади. Шундан тушуниш муаммоси келиб чиқади. Тушуниш - суҳбатдошнинг ақлий дастури мантиғига кириш ва муҳокама қилинаётган мавзуга унинг кўзлари билан қараш, ўзининг ақлий процессорида бошқа бир инсоннинг ақлий дастурини моделлаштирувчи дастурни тузиш ва ишга туширишдир.

Энди сизнинг ақлий дастурингизни тузатишга ўтсак. Агар сиз инсонларнинг кундалик сўзлари ва хатти-ҳаракатларига эмас, фақат бу сўзлар ва хатти-ҳаракатлар билан таништирувчи ақлий дастурларга эътибор беришни мақсад қилиб қўйсангиз, инсоннинг ҳаракатдаги куч-

лари анча содда эканлигини тезда билиб оласиз. Хусусан, номлари тушунмасликнинг синонимлари ҳисобланган “аёл мантиғи” (“женская логика”), “нозик ҳисоб” (“тонкий расчет”) каби ақлий моҳиятлар мавжуд эмас. Барча ҳаракатлар ва сўзлар жуда оддий ақлий буйруқлар йиғиндиси билан белгиланади, сиз илгари уларни “кўрмаганингиз” учун сирли ҳамда олдиндан айтиб бўлмайдигандек туюлади.

### Ҳақиқий суҳбатлар ва суҳбатдошларнинг ақлий дастури ишини ақлий моделлаштириш намуналари

Суҳбатлар жадвал кўринишида келтирилган. Биринчи устунда суҳбатдошларнинг гаплари, иккинчи устунда эса қандай буйруқлар айнан шу жавобларни айтишни белгилаши ҳақидаги тахминлар айтилган. Учинчи устун тузилишига кўра мураккаб бўлган тахминни ўз ичига олган. Бир шахс бошқа шахсга бир нарса деса, у шу йўл билан исталган сўзлар ёки ҳаракатларга олиб келиши мумкин бўлган буйруқларни фаоллаштириш мақсадида унинг ақлий дастурига таъсир этади ёки таъсир қилишга уриниб кўради. Айтайлик, сизни қўрқоқликда айб-лашса, шу йўл билан “жасурликни шу ерда ва ҳозирок намойиш қилиш” буйруғини фаоллаштиришга уринасиз. Жасурлик ва қўрқоқлик вазият тақозоси билан белгиланади. Ёки сизга: “Сен ваъда берганинг. Нега бажарма-япсан?” дейишса, шу йўл билан қабул қилиш жараёни-да бу буйруқ ақлий дастурингизда жойлашган деб ўйлаб, “ваъдани бажариш, сўзида туриш” буйруғини фаоллаш-тиришга уринасиз.

### Қуйидаги суҳбат матнини таҳлил қилинг: Эр-хотин суҳбати

Гап	Бу гапни айтишга ундаган буйруқ	Суҳбатдошнинг дастурида қандай буйруқларни кўрсатишга уриняпти
Хотин: Автомобиль сотиб олсак, қандай бўларкин?	Автомобиль керак.	Суҳбатдошнинг дастурида "Автомобиль керак" буйруғининг мавжудлигини текшириш ва уни фаоллаштириш.
Эр: Мен автомобиль ишқибози эмасман.	Автомобиль керак эмас.	Истакнинг мустаҳкамлигини текшириш
Хотин: Мана Любанинг эри ҳам зиёли, машинада боғчага ҳам, меҳмонга ҳам боради...	Бошқалардан кам бўлишни истамайман. Бунинг иложи бор.	"Сизнинг Любанинг эридан қаерингиз кам?" ўзига қатга баҳо беришга уриниб кўриш.
Эр: Албатта, қулай.	Бу ҳақда гапиришни истамайман.	Балки, мавзунини давом эттиришдан маъно йўқдир?
Хотин: Келинг, сотиб олайлик, пул бор. Бекор турадимми?	Бор имкониятлардан фойдаланиш керак.	"Сен ҳасисмисан ўзи?" Буйруқни қўлга киритишга уриниш: аёлни кўз олдида бунчалик ҳасис бўлиш ярамайди.
Эр: Йўқ, машинага боғланиб қолишни хоҳламайман.	Автомобиль керак эмас. Ҳаракатларни сен режа-лаштирмайсан.	"Мен ҳамма омил-ларни ҳисобга ол-майман" буйруғини фаоллаштиришга уриниш.

Хотин: Сотиб ола қолайлик. Ҳаммаси жой-жойига тушиб кетар ...	Аёллик жозибасини ишга солиш.	"Аёлнинг хоҳишини бажариш керак" буйруғини фаолаштиришга уриниш.
Эр: Йўқ, мен хоҳламайман.	Жозоба иш бермайди. Бу ерда молиявий муаммо бор.	"У қарор қабул қилди, унга таъсир ўтказма олмайман" буйруғини фаолаштиришга уриниш.
Хотин: Нега? Ахир бу жуда қулай-ку. Сиз машинада ишга борасиз. Машинада болани ҳам мактабга олиб бориб қўясиз.	Менинг аёллик жозибам иш бермаганидан хафаман.	"Балки, "Ҳа" дерсиз? Ахир бу нафақат менинг манфаатларим доирасида, сизнинг ҳам, боламизнинг ҳам". Ҳазиятнинг мустақамлигини сўнгли бор текшириш.
Эр: Пулимиз фақат эски машинага етади. У тез бузилади, маблаг талаб қилади. Мен эски машинани таъмирлашни, яна битта ортиқча муаммо менга юк бўлишини хоҳламайман. Эҳтиёт қисмлар қидириб юриш, уни ўғирлаб кетишларидан қўрқиб яшашни истамайман.	Мен сенга ҳозир ҳаммасини тушунтириб бераман! Сен мени нимага тортаётганини биласанми?	"Мен ҳамма омилларни ҳисобга олмабман", "Мен бу ҳақда ўйламабман", "У қарор қабул қилди, унга таъсир ўтказма олмайман" каби чекловчи буйруқлар йиғиндисини фаолаштиришга уриниш.
Хотин: Сиз ҳамма нарсдан қўрқасиз. Доим шундай қиласиз. Бошқа эркаклар эркакдек ҳамма нарсани бажаришади, лекин нолишмайди. Сиз фақат калтирашни биласиз... Пул чириб кетгунча, босиб ўтираверинг...	Сен мени хафа қилдинг, менга йўқ дединг! Мен сенга кўрсатиб қўяман.	"Мен қўрқоқ эмасман", "Мени бошқа эркаклардан кам жойим йўқ", "Мен ҳасис эмасман" буйруқларини фаолаштиришга уриниш.

## Директор ва менеджер суҳбати

Гап	Бу гапни айтишга ундаган буйруқ	Суҳбатдошнинг дастурида қандай буйруқларни кўрсатишга уринапти
Директор: Мен бўлимнинг ишидан норозиман. Сиз ҳар доим камчиликка йўл қўясиз, бундан эса бутун фирмамиз зарар кўради.	Умуман фирманинг фаолият натижаларидан норозилик.	Суҳбатдошда "Айбни ўздан соқит қилиш" буйруғини намоён қилишга уриниш.
Менеджер: Мен ҳар бир қонун бузилиши ҳолати бўйича ахборот беришга тайёрман. Қўп ҳолларда бўлимимиз бошқа бўлимлардан ўз вақтида хабар олмаган.	Бизнинг айбимиз йўқ, бунга исботлай оламан. Бошқалар айбдор.	"Адолатли бўлиш керак, айбисизларни жазоламаслик керак" буйруғини намоён қилишга уриниш.
Директор: Мени бу ахборот қизиқтирмайди. Мени ҳақиқий жавоб, ишининг молиявий самараси қизиқтиради. Сиз бўлим ичидаги ишни жойига қўя олмай, ҳамма айбни бошқа бўлимларга юкляяпсиз.	Мен ишнинг натижаларидан норозиман, сизнинг бўлимингизда қонун бузилишини кўряпман.	"Бошлиқнинг бекорга жажли чиқмаяпти, у билан келишиш керак" буйруғини намоён қилишга уриниш.
Менеджер: Биз ўзимизнинг хизмат вазифаларимизга кўра фаолият юритганимиз. Қўл остимдагилар ҳам қўлларидан келганича ишлашяпти.	Бизнинг айбимиз йўқ. Бошқалар айбдор. Биз қўлимиздан келганини қилдик.	"Адолатли бўлиш керак, айбисизларни жазоламаслик керак" буйруғини такроран намоён қилишга уриниш.
Директор: Ўйини, менга "Икс" шарномали вазият ҳақида гапириб бериш.	Мен ҳозир сиз айбдор эканлигингизни исботлаб бераман.	"Бу ўз нуқтаи назарингиз асосли эканлигини исботлаш учун сўнгли имконият" буйруғини намоён қилишга уриниш.

Менеджер: "Икс" шартномасига кўра етказиб беришдаги узилиш юз бериши мумкинлиги ҳақида ўтган йили хабар бергандик. Менда хизмат варақаси сақланиб қолган.	Ҳозир мен сиз, жаноб директор, айбдор эканлигингизни исбот қиламан. Менда ҳужжат ҳам бор.	"Бу ҳолатда мен айбдор эдим. Ваъда берган нарсани бажаришни унутиб қўйган бўлсам керак" буйруғини намоён қилишга уриниш.
Директор: Кўрсатинг.	Келинг, аниқлаштириб оламиз.	"Агар у далилимнинг ишончлилигини тан олмаса, қандайдир кўнгилсизлик рўй беради" буйруғини намоён қилишга уриниш.
Менеджер: Мана у. Мана сизнинг "чора кўрилсин" деган ёзувингиз. Биз қўлимиздан келганича чоралар кўрдик, бу ҳақда ҳисобот берганмиз. Мана бизнинг ҳисоботимиз.	Қаранг, ҳаммаси ҳужжатлар асосида тартибга солинган.	"Ҳа, менинг даъвоим асоссиз" буйруғини намоён қилишга уриниш.
Директор: Сиз уларнинг директорига қўнғироқ қилдингизми?	У мени аҳмоқ қилиб кўрсатмоқчи.	"У мен амалга оширишим керак бўлмаган хатти-ҳаракатларни бажаришга бўлган масъулиятни менга юклаб ўтпти" буйруғини намоён қилишга уриниш.
Менеджер: Мен уларнинг менеджерлари билан ҳамкорлик қилдим. Мени бевосита биринчи ўринга чиқишимга зарурат бўлмаганди. Тўғриси айтсам, музокаралар натижалари ҳақидаги ҳисоботни олгач, бу ишни сиз қилишингизга умид қилгандим...	Бу ишни сиз қиласиз, деб ўйлагандим.	"Бу ишни ўзим қилишим керак эди" буйруғини намоён қилишга уриниш.

Ҳаётингиздаги шунга ўхшаш суҳбатларни эслаб кўринг, уларнинг таҳлил қилинг.

Сиз билан ҳозир бирор шахс суҳбатлашяптими? Унинг хатти-ҳаракат (сўз)лари қайси ақлий дастурдан келиб чиққан ҳолда мутлақо мантиқий ва самарали изоҳланиши мумкин? Тасаввур қилдингизми? Яхши. Сиз бошқа бир инсонни тушуна бошладингиз. Бу сизнинг ақлий дастурингизни ўз-ўзидан мураккаблашувига ва тўғриланишига олиб келади. Энди сиз ўз сўз ва хатти-ҳаракатларингизнинг ҳаракатдаги кучларини ҳам тушуна оласиз, шундай эмасми? Хаттоки, ўзингизнинг саволингизга жавоб бера оласиз: нега ҳаракатдаги кучлар бундай экан?

### Когнитив (билишга оид, мақсадли) моделлаштириш

**Мураккаб ижтимоий-иқтисодий объектларнинг муқим бўлмаган ташқи муҳит ҳолатидаги стратегик бошқарувни когнитив моделлаштириш масалалари**

Стратегик бошқарув асосида:

1. Ижтимоий-иқтисодий объектнинг (маҳаллий тузилмалар, округ, минтақа, шаҳар, туман ва бошқалар), яъни ташқи муҳитнинг макроқуршовдаги (сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқалар) объектнинг қандай ривожланиши, қайси йўналишда ҳаракат қилиши бўйича стратегик позициясини аниқлаш;


2. Раҳбарият томонидан (маҳаллий тузилмалар, округ, минтақа, шаҳар, туман ва бошқалар) ташқи муҳит таъсирида пайдо бўлаётган воқеаларни ўз вақтида сезиши, яъни макроқуршовдаги қатъий ва кутилмаган ўзгаришларга жавоб бериши ётади.

Стратегик бошқарувни амалга оширишда мураккаб ижтимоий-иқтисодий объектларнинг ривожланишида жадал ўзгарувчан ташқи муҳит шарт-шароитларини эътиборга олувчи ва муаммоли вазият таҳдидини прогност қилиш имконини берувчи ҳамда хавф-хатар ва мавҳумлик даражасини пасайтирувчи чоралар кўришнинг методологияси ва технологияси зарур.

Когнитив таҳлил ва моделлаштириш технологияси асосида (10-жадвал) когнитив (билишга оид ва мақсадли) объект ҳамда ташқи муҳитнинг маъно тузилиши ётади, умуман, объект ва ташқи муҳит “ноаниқ” чегараланади.

10-жадвал

**Когнитив таҳлил ва моделлаштириш технологияси:**




**Тадқиқот объекти ва унинг ташқи муҳити ҳақидаги билимни когнитив (билишга оид, мақсадли) тизимлалаш**

Базисли омилларни танлаш *PEST-таҳлил* йўли билан ўтказилади, тадқиқот объекти хулқ-атворини белгиловчи тўртта асосий омиллар (йўналишлар) гуруҳларга ажратилади (11-жадвал):

- Policy – сиёсат;
- Economy – иқтисод;
- Society – жамият (ижтимоий-маданий аспект);
- Technology – технология.

11-жадвал

**PEST - таҳлил омиллари**



Ҳар бир мураккаб объект учун унинг хулқ-атвори ва ривожланишини белгиловчи, аҳамиятли алоҳида тўплам мавжуддир.

**PEST-таҳлилни** тизимли таҳлил варианти сифатида кўриб чиқиш мумкин, яъни омиллар юқорида таъкидланган тўртта аспектга тегишлидир, умумий ҳолатда ўзаро мустақкам боғлиқдир ва жамиятнинг турли иерархияли (поғонали) даражасини тизим сифатида характерлайди.


Ушбу тизимда детерминант алоқалар бор, улар иерархияли тизимнинг қуйи даражасидан юқори даражасига ҳамда қайта ва даражалараро алоқаларга йўналтирилган (фан ва технология иқтисодга таъсир қилади, иқтисод эса сиёсатга таъсир этади). Омиллардан бирортасининг ўзгариши, ушбу алоқалар тизими орқали бошқаларига таъсир этиши мумкин.

Бу ўзгаришлар объектнинг ривожланишига таҳдид қилиши ёки унинг муваффақиятли ривожланиши учун янги имкониятларни бериши мумкин.

**Кейинги қадам** – муаммонинг вазиятли таҳлили, **SWOT-таҳлил** (12-жадвал):

- Strengths – кучли томонлари;
- Weaknesses – камчиликлари, заиф томонлари;
- Opportunities – имкониятлари;
- Threats – таҳдидлар.

12-жадвал



У ўрганилаётган объект ривожланишининг кучли ва заиф томонларини имконият ҳамда таҳдид билан ўзаро ҳамкорликдаги таҳлилни қамраб олади ва ташқи омилларни ҳисобга олган ҳолда унинг муаммоли соҳалари, танг жойлари, имконият ва хавфнинг долзарблигини аниқлаш имконини беради.

**Имконият** – объектнинг муваффақиятли ривожланишига ёрдам қилувчи вазият сифатида белгиланади.

**Таҳдид** – вазият бўлиб, унда объектга зарар етиши, масалан, унинг фаолият кўрсатиш ҳолати бузилиши ёки у мавжуд устунлигидан маҳрум бўлиши мумкин.

Ўрганилаётган объектнинг кучли ва заиф томонларини хавф-хатар ҳамда имкониятлари билан мумкин бўлган биргаликдаги таҳлили асосида унинг муаммоли майдони шакллантирилади.

**Муаммоли майдон** – моделлаштирилаётган объект ва атроф-муҳитдаги бир-бири билан боғланган мавжудликдаги муаммолар мажмуаси.

Бундай маълумотнинг бўлиши мақсадни (йўналтирилган) ривожлантириш ва амалга ошириш йўллари, ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишни белгилаш учун асосдир.

Вазиятли таҳлилни ўтказиш асосидаги когнитив моделлаштириш ажратиб олинган муаммоли минтақадаги хавф-хатарни пасайтириш бўйича қарорларнинг муқобил вариантини тайёрлашга йўл беради, моделлаштирилаётган объектнинг ҳолатига кучли таъсир этиши мумкин бўлган воқеаларни прогноз қилиш имконини яратади.



**13-жадвал**  
**Когнитив технология ва унинг натижалари**  
**босқичлари**

Босқич номлари	Натижаларни тақдим этиш шакли
<p>1. Тадқиқот объекти ҳақидаги ва унинг ташқи муҳити учун PEST-таҳлил ва SWOT-таҳлил асосидаги билимни когнитив (билишга оид, мақсадли) тузилмалаш:</p> <p>1.1. Ҳурғанилаётган объектнинг кучли ва заиф томонларини характерловчи омилларни аниқлаш;</p> <p>1.2. Объектнинг ташқи муҳит томонидан бўладиган имконият ва таҳдидни характерловчи омилларни аниқлаш;</p> <p>1.3. Ҳурғанилаётган объектнинг муаммо майдонини қуриш.</p>	<p>Объект ва унинг муаммоли соҳалари бўйича тизимли концептуал ҳисобот</p>
<p>2. Объект ривожланишининг когнитив моделини қуриш - когнитив тузилмалаш босқичида олинган билимларни расмийлаштириш.</p> <p>2.1. Омилларни ажратиш ва асослаш;</p> <p>2.2. Омиллар ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш ва асослаш;</p> <p>2.3. Жадавalli модель қуриш.</p>	<p>Объектнинг йўналтирилган жадвал қўринишидаги компьютер когнитив модели (омиллар ўзаро алоқаси матрицаси)</p>

<p>3. Ҳурғанилаётган объект атрофида вазиятнинг ривожланиш тамойилларини сценарияли тадқиқ этиш (дастурли комплекс ёрдамида).</p> <p>3.1. Тадқиқот мақсадини аниқлаш;</p> <p>3.2. Сценарияли тадқиқот вазифаси ва уни моделлаштириш;</p> <p>3.3. Объект ва унинг макроқуршовидаги ривожланиш тамойилларини аниқлаш;</p> <p>3.4. Сценарияли тадқиқот натижаларини шарҳлаш</p>	<p>Ҳурғанилаётган объект теварагидаги вазиятни объектнинг ривожланиши тамойилларида ташқи муҳит омилларини ҳисобга олган ҳолда жаadwalлар, гистограмма (устунли диаграмма)лар билан сценарияли тадқиқоти бўйича ҳисобот</p>
<p>4. Тадқиқот объекти атрофидаги вазиятни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш.</p> <p>4.1. Бошқарув мақсадини аниқлаш ва асослаш;</p> <p>4.2. Тесқари (акс) вазифаларни ҳал этиш;</p> <p>4.3. Бошқарув стратегияси танлаш ва уни мезонлари бўйича тартибга келтириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- мақсадга эришиш имкониятлари;</li> <li>- вазиятни бошқаришни йўқотиш хатари;</li> <li>- фавқулудда вазиятлар пайдо бўлиш хавфи.</li> </ul>	<p>Бошқарув сифатининг турли мезонлари бўйича қатор стратегияларни асослаш асосида вазиятни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш тўғрисидаги ҳисобот</p>

5. Барқарор ва ўзгарувчан вазиятларда мақсадга эришиш стратегиясини излаш ва асослаш

Барқарор вазиятлар учун:

а) бошқарув мақсадларини танлаш ва асослаш;

б) мақсадга эришиш учун тадбирлар (бошқарув)ни танлаш;

в) мақсадга эришиш учун мавжуд вазият ҳолати учун танланган тадбирлардан фойдаланган ҳолда принципиал имкониятларни таҳлил қилиш;

г) танланган тадбирларни амалга оширишдаги аниқ чеклашларни таҳлил қилиш;

д) мақсадга эришишнинг реал имкониятларини таҳлил қилиш ва асослаш;

е) мақсадга эришиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва таққослаш бўйича:

- бошқарув натижаларини мўлжалланган мақсадга яқинлиги;
- харажатлар (молиявий, жисмоний ва бошқалар);
- мавжуд вазиятларда ушбу стратегияни амалга ошириш оқибатлари (асл ҳолига қайтадиган, қайтарилмас) характери бўйича;
- фавқулодда вазиятлар пайдо бўлишидаги хавф.

Ўзгарувчан вазиятлар учун:

а) бошқарувнинг жорий мақсадини танлаш ва асослаш;

б) жорий мақсадга нисбатан олдингисининг адолатлилиги кабилар;

в) вазиятда кечаётган ўзгаришлар, вазиятнинг жадвалли моделида акс этиши.

Барқарор ва ўзгарувчан вазиятларда мақсадга эришиш стратегиясини ишлаб чиқиш тўғрисидаги ҳисобот

6. Ўрганилаётган объект ривожланиши стратегиясини амалга ошириш бўйича динамик имитацияли (ясама) моделлаштириш асосида дастурлар ишлаб чиқиш (Ithink дастурли пакети ёрдамида).

6.1. Йўналишлар ва муддати бўйича ресурсларни тақсимлаш;

6.2. Координация (ўзаро мослаш);

6.3. Бажарилишини назорат қилиш

Ўрганилаётган объектнинг ривожланиш стратегиясини амалга ошириш дастури

Объект ривожланишининг компьютердаги имитацияли модели

**Когнитив технологиялар кенг доирадаги вазифа ва муаммоларни ҳал этишга кўмаклашади, яъни улар:**

1. Социал-иқтисодий ривожланишнинг геосиёсий, миллий ва минтақавий стратегиялари тузишнинг интеллектуал ахборот технологиялари, тизимлари моделлари ҳамда усуллари.
2. Ресурслар танқислиги шароитида ўзгарувчан муҳитдаги “юмшоқ” тизимнинг яшаш модели.
3. Танглик муҳити ва вазиятларда воқеалар ривожланишини вазиятли таҳлил ҳамда бошқариш.
4. Социал-сиёсий, социал-иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий вазиятлардаги ахборот мониторинги.
5. Муаммоли вазиятларда компьютер таҳлили ўтказишнинг тамойиллари ва методологиясини ишлаб чиқиш.
6. Муаммоли вазиятлар ривожланиши ва уни бошқаришнинг таҳлилий сценарийларини ишлаб чиқиш.
7. Муаммоли вазиятларни компьютер тизими асосида биринчи навбатдаги стратегик муаммоларини ҳал этиш бўйича тавсиялар тайёрлаш.
8. Корпорация, минтақа, шаҳар, давлатнинг социал-иқтисодий ривожланиш муаммолари мониторинги.
9. Минтақаларни мақсадга мувофиқ ривожлантиришнинг когнитив моделлаштириш технологияси.

10. Муаммоли вазиятларда минтақани ривожлантиришнинг мақсадли йўналишида унинг таҳлили ва мониторинги.

11. Истеъмол бозорида давлат бошқаруви ва ўзини-ўзи бошқаришни шакллантириш учун моделлар.

12. Истеъмол бозоридаги вазиятнинг ривожланишини таҳлил қилиш ва бошқариш кабилардан иборатдир.

Ижтимоий жараёнларни имитацияли (ясама) моделлаштириш. Ҳар қандай таҳлилий тадқиқотни ўтказиш учун бошланғич маълумотларни тўплаш ва классификациялаш зарур. Маълумотларни қиёслаш ва солиштириш имконини берувчи тасаввурлар шаклини бир хилликка келтириш керак. Агар ижтимоий жараёнларнинг турли йўналишлари ўрганилаётган бўлса, бу жуда муҳимдир, таҳлилларни автоматлаштириш учун эса ҳисоблаш техникасидан фойдаланилади.

Имитацияли моделлаштириш деганда, имитацияли моделлаштириш модели ёрдамида айрим тизимлар ривожланишини таҳлил ва прогноз қилиш усулини тушунамиз. Имитацияли модель деганда, тизимли ҳолат ва жараёнларнинг мантиқий тузилмаси мослиги талаб даражасида кузатишни сақлаб қолиш ҳамда тизимнинг ҳолати ва ўзгаришлари, уни ташкил этувчи элементлар ва муносабатларининг характери ҳамда ахборотлари тузилмаси модели тушунилади.

Ижтимоий муносабатларни имитацияли моделлаштириш ўзига хос хусусиятларга эгадир, у фойдаланувчи томонидан тизимга кириш учун берилаётган объектлар даражасининг таркиби ва тузилмаси; турли даражага мансуб бўлган, объектларнинг тахминий ўзаро алоқалари характери ва йўналишида акс этади; ахборотларни қайта ишлаш усуллари акс эттирилади.

Умуман айтганда, имитацияли модель – тузилманинг маълум минимал таянчи бўлган объектив моделдир, ундан фойдаланувчи ҳал қилинадиган вазифаларни ҳамда

қайта ишлашнинг асосли усуллариининг ўзига хослигини тўлдириши ва кенгайтириши мумкин.

Имитацияли моделлаштириш технологияси:

- хилма-хил тузилмалар объектининг ўзаро боғлиқ ягона ахборот маконида жамлаш ҳисобига ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишнинг комплекслиги ва тизимлилигини таъминлаш;

- мавжуд борлиқнинг кўп ўлчовли ахборот модели тузиш, унда ҳар бир ҳодиса, жараён ёки қатнашчига ҳар бир вақт оралиғи ёки дақиқадаги мавжудлигига ўзига хос ахборот ўхшашлиги мос бўлади;

- вақтдаги жараёнлар ўзгариши динамикасини кузатиш, олинаётган маълумотлар хронометражини қилиш ва банкда сақланаётган ахборотларни ахборотлар архивини ушлаб туришга қўшимча харажатларсиз автоматик фаоллаштиришни амалга ошириш;

- мавжуд борлиқнинг алоқалари ва муносабатлари тузилмаси ҳамда мазмуни тўғрисидаги ахборотларни ҳисобга олиш, сақлаш ва таҳлил қилиш;

- ягона ахборот маконида ҳужжатли ва далилий ахборотларни сақлаш, ҳужжатли тизим остидан далилий тизим остига тезлик билан ўтиш ёки аксинча ҳолатлар учун қулай ва оддий интерфейсга эга бўлиш;

- ягона ахборот маконида ўрганилаётган соҳа ҳақидаги билимлар базасини ва улар ўртасидаги ассоциатив алоқаларни ўрнатиш асосидаги маълумотлар базасини биргаликда сақлашни таъминлаш имконини беради.

Имитацияли моделлар динамик объектларнинг маълум вақт тартибидаги ҳолати, ўзаро ҳаракати ва ўзгаришлар ҳақидаги маълумотларни қайд этиш ва қайта ишлашга мойил бўлган кузатиш тизимларида ҳамда инсонлар ижтимоий фаолияти билан белгиланган тарихий воқеалар таҳлил тизимида фойдаланиш анчагина самаралидир.

Имитацияли моделлаштириш вазифалари:

1. Воқеа ва жараёнларнинг пайдо бўлиш ҳолати ва сабаблари; динамик тизим элементларини муайян ҳаракатни амалга оширишга фаол ундовчи сабабларни аниқлаш;

2. Тизимни маълум ҳолатга келишига олиб келган сабаб-оқибат алоқаларини ўрганиш;

3. Ўрганилаётган воқеаларнинг натижалари, уларнинг тизимнинг ривожланишига ёки турли элементларига муайян вақт лаҳзаларидаги таъсирини таҳлил қилиш;

4. Объектлар ва ҳодисаларни муайян вақтнинг турли лаҳзаларида турли манбалардан қисман олинган, ўрганилаётган соҳадаги уларнинг атрибути ва сифати ҳақидаги маълумотларни тўплаш йўли билан “ахборот портрети”ни яхлит ҳолда қайта яратиш; унинг динамик тизимларнинг объекти ва ҳодисаларининг янги сифати ҳамда хусусиятларини аниқлаш;

5. Тизимнинг турли элементлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни аниқлаш ва ўрганиш;

6. Тизим (объект) элементлари ҳолати, уларнинг вақтнинг турли лаҳзалари ўртасидаги атрибути ва ўзаро муносабатларини хронометраж қилиш; у асосида объект ва унинг ҳолати ривож тенденциялари ва йўналишлари прогнозини шакллантиришни ажратиш мумкин.

Ижтимоий ҳодиса ва жараёнларнинг имитацияли модели асосида қуйидаги тамойиллар:

1. Ижтимоий муносабатларни ўрганишда тизимли ёндашув;

2. Социал-мантиқий шакллантириш;

3. Маълумотлар беришнинг объектив шакли;

4. Ижтимоий жараёнлар қатнашчилари ва предмети алоқалари ҳамда ўзаро муносабатлари ҳисоби;

5. Ахборотларни баҳолашга воқелик ёндашуви;


6. Ижтимоий ҳодиса ва жараёнлар ривожланиши бўлиб ўтаётган шароитни ташкил этувчи ҳолатни ҳисобга олиш қўйилган.

## Компьютерда моделлаштириш технологияси

Компьютер техникасини қўллаган ҳолда моделлар яратиш тўрт зарурий босқични ўз ичига олади. Биринчи босқичда тадқиқ этилаётган тизимнинг ягона назарий тақдироти - концептуал модели шакллантирилади. Иккинчи босқичда шакллантирилган концептуал модель математик белгилар тилига ўтказилади ва тизимнинг математик модели тузилади. Учинчи босқичда математик моделлар ЭХМда ишлатиш мумкин бўлган дастурлаш тилига ўтказилади ва тадқиқотчига рақамли эмпирик ахборотларни қўллаш имконини берувчи компьютер моделини беради. Тўртинчи босқичда математик ва компьютер моделига тадқиқот этилаётган тизимнинг эмпирик ахборотлари киритилиб, математик белгилар миқдорий кўрсаткичлар билан алмаштирилади ва ўрганилаётган тизимнинг ахборотлашган модели олинади. У эса муайян даражадаги мавжуд вазиятни баҳолаш ва унинг натижаларини тахмин қилиш ёки аниқ мақсадли тажриба ўтказиш имконини беради. (14-жадвал.)

Хар қандай модель реал ҳолатнинг акс этиши бўлади, кейинги мавзуларда ушбу масаланинг айрим хусусиятларини эътиборга олиш, уни қўллашнинг аниқ чегараси ва йўналишлари баён этилади.

14-жадвал



## Стратегик ва сиёсий таҳлилда фойдаланиладиган моделлаштириш алгоритмлари

Сиёсий ва ижтимоий иқтисодий жараёнларни моделлаштириш маълум алгоритм ёки ҳаракатлар изчиллигини кўзда тутаяди. Бундай алгоритм вариантларидан бири америкалик тадқиқотчи Ф. Шродт томонидан таклиф этилган (15-жадвал). Ф. Шродт бўйича моделни қуришнинг биринчи босқичи (индуктив-жузъий ҳодисалардан умумий натижа чиқариш) жараёнга тегишли бўлган, кейинчалик моделлаштириладиган кузатувларни саралашдан иборатдир. Бошқача айтганда, муаммони ифодалаш, яъни нималарни ҳисобга олиш, нималарни эътиборга олмаслик ҳақида қарор қабул қилиш ҳақида гап кетади.

Иккинчи босқич муаммони ифодалашда норасмий моделни қуришдан иборатдир. Ф. Шродт норасмий моделни танланган кузатувни тушунтиришга қодир воситалар тўплами сифатида белгилайди, лекин етарлича қатъий бўлмаган ҳолда белгиланган бўлиб, уларнинг мантиқий ўзаро боғлиқлиги даражасини тўғри аниқлаш имконини бермайди. Учинчи босқич норасмий моделдан фарқ қилувчи, барча тахминлар математик шаклда берилган расмий моделни яратишдир. Тўртинчи босқич расмий моделга компьютерда ишлов беришдир. Бу – моделлаштиришнинг тахминга монанд бўлган нотривиал ва қутилмаган хулосалар чиқарувчи дедуктив (умумий ҳолатдан хусусий хулосалар чиқариш) босқичидир. У тугаллангандан сўнг олинган натижалар математика тилидан оддий тилга қайтадан ўтказилади.

### Ф. Шродтнинг моделлаштириш алгоритми




Моделлаштиришнинг бошқача, нисбатан юқорироқ “технологияси” алгоритми 1992 йилда америкалик тизимли таҳлилчи Ж.Проктор томонидан ORET моделини яратиш жараёнида ишлаб чиқилган (16-жадвал). Унда гап “организм” (O), алоқалар тизими бўлган (R), белгиланган муҳитдаги (E) ва вақтдаги (T) тадқиқоти ҳақида кетади. Моделни яратишнинг биринчи босқичида организмнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий бошланғич конфигурацияси кўриб чиқилади, унинг юқори вазифаси (mission) ҳамда муҳитнинг жорий ва прогнозли ҳолати белгиланади. Сўнгра юқори вазифа ва муҳитнинг мувофиқлиги текширилади. Агар бундай мувофиқлик йўқ бўлса, юқори вазифанинг ифодаланиши аниқланади; агар у мавжуд бўлса, муҳит элементларга ажратилади, стратегик мақсадлари (goals) ва тактик вазифалари (objectives) орқали алоқалар тизими аниқланади. Ундан кейин муҳит элементлари ва алоқалар тизимини таққослаш ўтказилади. Агар муҳит элементлари танланган алоқаларга зид бўлса, юқори вазифа ва муҳитнинг мувофиқлигини

такроран текшириш амалга оширилади. Қарама-қаршилик йўқ бўлса организм элементлари функционал гуруҳларга бўлинади. Ушбу гуруҳлар орасидаги иерархик (поғонали) алоқалар белгиланади. Натижада ўрганилаётган организмнинг функционал тузилмаси олинади.

16-жадвал

### Ж. Прокторнинг моделлаштириш алгоритми



Ф. Шродт ва Ж.Проктор таклиф этаётган моделлаштириш алгоритмлари таққосланса, улар ўртасидаги баъзи тафовутларни фарқлаш қийин эмас. Шунга қарамасдан, тадқиқотчиларнинг бошланғич нуқтаи назари умумийликка эга ва бир-бирига яқин методологияга суянишади. Моделларни қуриш муолажасидаги фарқлар шундан иборатки, яъни, Ж. Прокторнинг ёндашуви Ф. Шродт методикасига аниқлик киритади, моделлаштириш объектининг ички тузилмаси ва объект ҳамда муҳит орасида ҳаракат қилаётган ўзаро алоқа тизимини бошқача, чуқурроқ мантиқий даражада белгилашга имкон беради.

Политологик моделлаштириш конструкциясини қуришга бошқача ёндашувлар ҳам мавжуд. Стратегик ва сиёсий таҳлилда, хусусан, ихтилофли (конфликт) вазиятларни ўрганиш ҳамда қуролсизланиш ва қуролланиш устидан назорат ўрнатиш муаммоларида машҳур америкалик математик Т.Саати томонидан ишлаб чиқилган иерархик таҳлил усули (ИТУ) кенг тарқалган. Россия ва республикамизда ушбу усул Т.Саати ва К.Кернслар ҳаммуаллифлигида ёзилган “Аналитическое планирование. Организация систем” китоби орқали маълумдир.

Иерархик таҳлил усули ҳар қандай муаммонинг моҳиятини белгиловчи элементларнинг иерархик тасавури учун доимий равишдаги муолажа ҳисобланади. Усул муаммоларни декомпозициялаш (ажратиш) орқали кўпроқ оддийлаштиришни ташкил этувчи ва кейинги қайта ишлов (жумладан, рақамли ифодалаш) мулоҳазаси жараёнида қарор қабул қилаётган шахсга жуфтлик бўйича қиёслашга имкон беради. Натижада иерархик ҳолатда элементларнинг ўзаро таъсирининг нисбий даражасини (интенсивлиги) аниқлаш мумкин бўлади. Иерархик таҳлил усули кўплаб фикрлар синтези, мезонларнинг устуворлиги ва муқобил қарорлар топишни қамраб олади.

ИТУ моделларини конструкциялаш алгоритми (17-жадвалда берилган) ўрганилаётган муаммоларнинг умумий баёни ва нимани билиш талаб қилинаётганини аниқлашдан бошланади. Кейинчалик, тепадан бошлаб, оралиқ даражасидан то асосигача иерархияни қуриш амалга оширилади. Сўнгра ҳар бир қуйидаги даража учун жуфтлик бўйича таққослашга кўплаб матрицалар – даражанинг юқоридаги туташган элементлар учун биттадан матрицалар қуриш ишлаб чиқилади. Жуфтлик бўйича қиёслаш ўтказилиб, маъно-мазмун киритилгач, мослик белгиланади. Бунинг барчаси ҳамма даражалар ва иерархия гуруҳлари учун такрорланади, ундан сўнг маълум мезонлар ёрдамида шахсий векторни асослаш учун иерархик синтездан фойдаланилади ва иерархия даражалари остида ётганлари бўйича мувофиқ асосланган шахсий векторлар таркибий қисмлари бўйича мажмуи ҳисоблаб чиқилади. Моделлаштириш барча иерархия (поғона) келишувини белгилаш билан тугалланади.

Т. Саати томонидан ишлаб чиқилган сиёсий ва стратегик моделлаштириш усулидан сиёсий музокаралар олиб бориш жараёнида фойдаланиш мумкин. Бундай ҳолатлар қуйидаги босқичларни кўзда тутаяди: муолажа (процедура) музокара масалалари бўйича оппонентларнинг позицияси (ҳолати)ни ҳисобга олган ҳолда мавжуд сиёсатни ўрганишдан бошланади. Сўнгра бошланғич стратегияни танлаш ва музокара қатнашчилари позицияни таққослаш орқали амалга оширилади. Т. Саатининг фикрича, айнан шу асосда келишувлар тузилиши керак. Мумкин бўлган қарорлар қамрови қанча кенг бўлса, музокара қатнашчилари ютуғи самараси юқори бўлади.

**Т. Саатининг ИТУ моделларини яратиш алгоритми**



Сиёсий ва стратегик таҳлилда кўпроқ прагматик ёндашувлар, яъни экспертлар тизимида фойдаланишга асосланган - соҳанинг мутахассислашган, профессорлар предметлари учун компьютер дастурлари қўлланилади. Бундай тизимларни яратишда асосий вазифа маълум соҳага оид билимларни аниқлаш ва ишлаб чи-

қиш ҳисобланади. Дастлаб кўрилаётган муаммога тааллуқли соҳа предметини идентификациялаш, яъни аниқлаш ва конкретлаштириш керак. Кейинги босқич – концептуаллаштириш, яъни унда мазкур соҳа предмети бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнини баён қилиш учун зарур асосий тушунчалар, ахборот оқимининг алоқалари ва характери аниқланади. Масалалар остидаги вазифалар, стратегия ва чекланишлар ажратилади. Маълум тасаввурдаги калитли тушунчалар акс этишини, масалан, семантик шкала сунъий тил ёки бошқа усул ёрдамида расмийлаштириш бажарилади. Расмийлаштирилган билимлар тадқиқот муаммосидаги ахборот оқимлари билан мос келиши учун комбинациялаштирилади ва қайтадан ташкил этилади, сўнгра амалга ошириш босқичи бошланади.

Моделлаштириш соҳасидаги ёндашувларда россиялик мутахассислар Д.Гвишиани, В.Тихомировлар ишланмалари ажралиб туради. Кейинги услуб “Тихомиров филдираги” (“Колеса Тихомирова”) усули бўлиб, у ижтимоий-сиёсий вазиятни ўрганиш ҳамда сиёсий хулқатвор стратегиясини таърифлашга йўналтирилгандир. Шу билан бирга, муаллиф тизимли таҳлилнинг бош жараёни бўлган мавжуд вазиятнинг характерловчи умумий муаммоларни аниқлаш ва маълум стратегия доирасида мумкин бўлган бир неча сиёсий ҳаракатларни танлаш келиб чиқади. (В.Тихомировнинг схемали алгоритми 18-жадвалда берилган).

Муаллиф ва қатор сиёсатшуносларнинг фикрича, юқорида қайд этилган алгоритмлардан Россиядаги сиёсий жараёнларда фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ушбу масалада янги мантиқий даража зарур, яъни мамлакатда кечаётган жараёнлар мушоҳада этишга жавоб бериши керак. Россия ривожланишнинг ўтиш даврида, яъни сиёсий воқелик

янги ижтимоий ҳодисалар билан белгиланган бир вақтда ва ҳалигача собиқ тузум мерослари енгиб ўтилмаган шароитда шундай усуллар талаб қилинади-ки, улар нафақат сиёсий тизим жорий ҳолатини ҳисобга олиш, балки ретроспектив (ўтмишга қаратилган) таҳлил қилишга ҳам имкон бериши керак.

Афсуски, сиёсий моделлаштириш усуллари бўйича гарб ижтимоий ва сиёсий арбобларига хос бўлган савияда россиялик сиёсатчилар ҳали таниш эмас. Шу сабабли, амалий нуқтаи назардан моделларни конструкциялашнинг нисбатан деталлаштирилган муолажаларини қўллашни ифодалаш мақсадга мувофиқдир, чунки уларни сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнига “сингдириш” осондир. Таъкидланган ҳолат ушбу соҳа мутахассиси Г.И. Яковлев томонидан алоҳида политологик модель қуриш алгоритминини ишлаб чиқиш ҳамда Ф. Шротд, Т.Саати ва Ж.Проктор усуллариининг Россияга хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш ва конкретлаштиришга ундади.


Бу ўринда Г.И. Яковлев томонидан яратилган модель алгоритмларидан Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, турли илмий-амалий тадқиқотлар олиб боришда ижодий фойдаланиш мумкин эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Сиёсий маслаҳатлар соҳасидаги амалий ишлар тажрибаси, сиёсатшунослик моделлаштиришлар муолажасининг биринчи босқичида сиёсий жараёнларнинг ўтмиш тарихини норасмий (бадий) тавсифлашдан бошлаш лозимлигини кўрсатди. Иккинчи босқичда кўриб чиқилаётган сиёсий жараённи етарли даражада баён қилувчи керакли омилларни ажратиш олиш ва унга мувофиқ равишда омиллар шароитининг берилган илк доирасидаги кам аҳамиятлиларини абстракциялаш (мавҳумлиги) бажарилади. Ушбу таҳлилнинг натижаси, қисман сиёсий



18-жадвал

**В.Тихомировнинг ижтимоий-сиёсий вазиятни моделлаштириш алгоритми**



жараён иштирокчиларини аниқлаш, ҳар бир иштирокчи ортида турган ёки жараёнга таъсир этувчи сиёсий бўлмаган кучлар (миллий, ижтимоий, молиявий, иқтисодий ва бошқалар) ажратилади ҳамда воқеалар иштирокчилари ва уларни қувватловчи кучларнинг сиёсий таъсири ва бошқа ресурслар баҳоланади.

Кейинги босқич давомида олинган натижалар асосида сиёсий жараён иштирокчиларининг стратегик мақсад ва тактик қизиқишлари белгиланади. Сиёсий кучларнинг жойлашишини баҳолаш ва уларнинг стратегик мақсади ва вазифаларини ҳисобга олган ҳолда манфаатларини тақсимлаш орқали сиёсий вазиятнинг ривожлантириш моделини конструкциялаш лозим.


Алгоритмда сиёсий вазият диагностикаси (ташҳис) босқичи алоҳида ажратилади. У сиёсий кучлар жойлашишининг ўзгариши ва сиёсий жараён иштирокчилари мақсади ва манфаатларини модификацияси (ўзгариши)ни таърифлаш йўли билан (вақтинчалик ёки воқеалар боғлиқлигида) сиёсий жараён тарихини расмий баён этишни англатади. Ундан ташқари, сиёсий жараён тарихини қиёслаш йўли билан жорий сиёсий вазиятни расмий баҳолаш ишлаб чиқилади.

Иқтисодий, ижтимоий, сиёсий кескинликлар зўрайган вақтда маҳалла қўмиталари ҳудудда тартиб-интизом ўрнатиш, хўжалик ва маиший соҳалардаги ихтилофлар, муаммоларни бартараф этиш каби масалаларда давлатчилик ўз моҳиятини намоён қилган. Бугунги кунда тажриба давлатнинг маъмурий-ҳуқуқий режадаги вазифаларини бажариш борасида уларнинг аллақа-

чон пишиб етилганлигини кўрсатмоқда. Уларга расмий давлат мақомининг берилганлиги ижроия ҳокимиятини уддабурон, ишга яроқли, кучли шаклланишида, халқ ҳокимиятининг ҳақиқий демократик шакллариға ўтишида муҳим ўрин тутади.

Маҳалла қўмиталари инсон руҳияти ҳамда миллий кадриятларимизнинг мустаҳкам асосига таянган ҳолда аҳоли ҳуқуқи, манфаатларини, урф-одат, инсон ҳуқуқ-атворини, унинг бошқаларга муносабатини, турли вазиятлардаги хатти-ҳаракатини тартибга солиб туришда бошқа органларга нисбатан кўпроқ аҳамият касб этади. Кичик тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантиришга ҳисса қўшади, ўзаро ёрдам ва раҳм-шафқат жамоатчилик фондларини ташкил этиб, маиший хизмат, маданият ва руҳият, хусусийлаштириш ва хўжалик юритиш шаклини ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган ашёлар билан таъминлайди.

Давлатчилик назариясини ишлаб чиқишда жамоат тизими турини танлашга алоҳида ёндашмоқ зарурдир. Зеро, Асосий Қонунда ҳам Ўзбекистоннинг “суверен демократик республика” (1 боб, 1-модда) эканлиги алоҳида баён этилган. Ундан ташқари, “Халқ давлат ҳокимиятининг ягона манбаи ҳисобланади” (2-боб, 7-модда) ва “Конституция ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади” (3 боб, 15-модда) каби конституциявий нормаларда ҳам янги давлат ташкил топаётган жараёнда унинг моҳиятида ҳеч қандай сиёсий ва мафкуравий қарашларнинг, синфий жамият табақалашуви ҳамда белгиларининг мавжуд эмаслиги яққол кўриниб турибди. Шу вақтнинг ўзида тузум хусусиятларига баҳо берилганда ҳар қандай мафкуравий “измлар” чиқариб ташланганлигини ва янги давлат қурилиши назариясининг илгари тарғиб қилинган ҳамда сингдирилган (тиқиштирилган) “умум-халқ”, “ижтимоий бир хиллик” қобилиятидаги комму-

нистик кадриятлар, идеаллардан ҳоли эканлигини кўрсатади. Бошқача айтганда, миллий давлатчиликнинг дунёқараш асослари ва методологик базасини “умумий манфаатлар устуворлиги”, “коллектив психология” тўғрисидаги социализмнинг қотиб қолган (догматик) назарияси эмас, балки инсоннинг ҳақиқий (чинакам) ҳуқуқлари ва эркинликлари ташкил этади, табиийки, янги тизимда шахс ва давлат орасидаги ўзаро муносабатлар илгари сурилади. Чунки давлат қурилишининг ҳар иккала унсури ҳам ўзаро ҳуқуқ ва масъулият билан чамбарчас боғлиқ. Шу сабабли, давлат ижтимоий боқимандалик вужудга келиши ва ишсизлар сони кўпайишини тўхта-тади, инсон эса ўз муаммоларини шахсий ва потенциал (салоҳияти) имкониятлари ҳисобига ҳал этиш заруриятини англайди. Бунда давлат ишчиларни тирикчилик манбалари ва воситалари билан тўла таъминлаш мажбуриятини олмайди, балки ҳар бир ишчига шундай шароит яратади ва тақдим этадики, қайсики ушбу муҳитда шахс ўз эҳтиёжларини қондиришда табиий ўзига хослигини амалга ошириш усулларини топади.

Қонун кишиларнинг миллатидан, партиявийлигидан, ижтимоий келиб чиқиши, диний эътиқодидан қатъи назар, ҳуқуқий ва ижтимоий тенглигини баҳоловчи ягона ўзгармас восита ҳисобланади. Қонун жамиятнинг ривожланишидаги йўлга қўйилган ҳамма ижтимоий муносабатларнинг норма ва тамойилларини аниқлаб, белгилайди.

Республикада қонунчилик ҳокимияти давлат олий вакиллик органи – Олий Мажлис ҳисобланади. Авваламбор шуни таъкидлаш зарурки, икки палатали Олий Мажлис жамиятнинг янги турини ифодалаб, ижтимоий ва иқтисодий жараёнларни бошқаришдаги демократик ривожланишда содир бўлаётган сифат ўзгаришларни ўзида акс эттирган. Принципиал аспектда Ўзбекистон тарихида биринчи марта профессионал асосда ҳамда кўп партиявийлик мандат базасида шакллланган ҳокимият-

нинг икки палатали вакиллик органига эришилди. Бу эса Ўзбекистон жамиятининг маданий тараққиётига ва ҳуқуқий тузумга бўлган ҳаракатининг муҳим кўрсаткичларидан биридир.

2004 йил 26 декабрда бўлиб ўтган демократик сайловлар натижасида республика халқи ўзининг сиёсий маданияти ва саводхонлиги ўсганлигини кўрсатди, ижтимоий ва миллий бирлик ҳамда яхлитлик, фуқаролар тотувлигига, республиканинг давлат мустақиллигига содиқлигини намоён қилди. Давлат томонидан баён қилинган демократия ғоялари ва кучли ҳокимият, қонун устуворлиги ва шахс эркинлиги ғоялари – қарама-қарши тушунча ва воқеалар бўлмай, балки миллатлар ва элатлар, синфлар ва ижтимоий гуруҳларни бирлаштирувчи механизмлар бўлиб, улар давлатдаги ахлоқий-руҳий вазият барқарорлигини таъминлайди.

Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар фақатгина мустақилликка эришилгандан сўнг юзага келган ҳуқуқий ва қонунчилик соҳасидаги бўшлиқни тўлдиришга қаратилмаган, балки уларда фуқаролик жамиятига, тараққийлашган бозорга эволюцион ва босқичма-босқич ўтиш ҳамда кучли ижроия ҳокимиятини ўрнатиш, аҳолини давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ўз аксини топган.

Олий Мажлиснинг фаолият даражаси ва ишга лаёқатлилигини кўриб чиқилган қонунлар сонининг кетидан қувиш билан эмас, балки қабул қилинган ҳужжатларнинг сифати ва тизимлилиги билан аниқлаш зарур. Бунда, биринчи навбатда, қонунчилик актларининг ишлаб чиқиш услубиёти (методологияси)даги ўзгаришлар кўзда тутилади. Умуммиллий аҳамиятга эга ҳужжатларни кўриб чиқишнинг пакет – блок тизимида ўтиш бугунги кунда катта аҳамият касб этмоқда. Бунда улардаги профессио-

нал сифатнинг юқори даражаси сақланиб қолади. Илгари қабул қилинган қонунларнинг моҳиятига қарамай, шуни таъкидлаш зарурки, уларнинг кўпчилигида модаларнинг ифодаланишида, низомларнинг баён қилинишида икки маънолилиқка (мавҳумлилиқка) йўл қўйилган эди. Табиийки, бундан қонунларни турлича тушуниш, талқин қилиш ва шарҳлаш ҳолатлари келиб чиқар эди.

Маълумки, қонун ҳамма таркибий қисмларни ўзида уйғунлаштириб, қачонки у ўз ҳуқуқий нормалари, маънавий тамойиллари, умуминсоний қоидаларнинг ҳақиқийлигини исботламасдан ва ишонтирмасдан, балки уни тасдиқласагина тузилиши, мазмуни жиҳатдан тугалланган шаклни олади.

Асосий Қонунга мувофиқ парламент фақатгина қонунчилик ҳокимиятини амалга оширади. Бу нимани англатади?

Умуман олганда, бунда бозор муносабатларига ўтишнинг навбатдаги босқичида жамият аъзолари шахс ва гуруҳлар ўртасидаги ўзаро алоқалар асосий қоидаларини ишлаб чиқишнинг янги механизмларини яратиш тушунилади. Яъни, республика қонун чиқарувчи органи ушбу босқичда барқарорликни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини, уларнинг иқтисодий ютуқларини мустаҳкамлаш, жамиятнинг яхлитлигини сақлаш жараёнларига ишонтирувчи (фақатгина жамоалар фикрини ҳисобга олган ҳолда) қонунлар ишлаб чиқишга ва тасдиқлашга интилади.

Фақатгина ушбу тамойиллардан келиб чиқиб, давлат бошқарувида халқнинг реал иштироки асосида сўнгги йилларда ишлаб чиқилган қонунчилик амалиётини мукамаллаштиришни давом эттириш мумкин. Бу эса парламентда кўприк қуриш ёки ўз ҳудудида водопровод ўтказиш каби маҳаллий характерга эга лойиҳаларни қўллашнинггина эмас, балки жамиятда қонун устуворлиги, тартиб-интизом, ҳар бир фуқарони унинг ирки, миллати, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар, конс-

титуцион ҳуқуқларини таъминлаш тамойилларини мустаҳкам ўрнатишни англатади.

Ушбу тамойилларни ўрнатиш ва амал қилиш халқ вакиллигининг моҳиятига янги қарашни талаб этади. Халқ вакилларига фақатгина “халқ депутатлари” сифатида қарашдан воз кечилди. 1774 йилда Эдмунд Берк Британия парламентида сайланганидан сўнг шундай деб таъкидлаган эдики, сайловчилар уларни мамлакатнинг олий манфаатларига хизмат қилиш учун парламентга сайлайди. Бундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатлари мураккаб вазифани ҳал қиладилар – ўз эътиқодларига таяниб, гуруҳларнинг умумий хоҳиш-истакларини ифода этган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси олий манфаатлари йўлида фаолият юритади. Қонунлар ишлаб чиқишда оқилона муросага келиш ҳар бир депутатнинг дунёқарашини белгилайди. Бу, авваламбор, уларнинг қонунлар яратишни амалга ошириш вазифаларига тааллуқлидир.

Ўзбекистон мустақиллигига эндигина ўн беш йил тўлди, бу даврда муайян ишлар амалга оширилди, лекин олдимизда янада кўпроқ вазифалар ўз ижросини кутиб турибди. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистонда қонунчилик спектри бугунги кунда деярли чекланмаган. Ҳар бир янги кун қонунчилик меъёри учун асос бўлиши мумкин бўлган муаммони илгари сурмоқда. Бундан ташқари, ҳаёт амалдаги қонунларга ҳам ўз тузатишларини киритмоқда. Ҳа, албатта, қонунлар ҳамма учун мажбурий қабул қилинади. Лекин фуқароларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари, имкониятлари, айниқса, ҳозир доимий равишда ўзгаради, шунинг учун мукамал ишлаб чиқилган ва “ишламаётган” амалдаги қонунлар билан ҳаёт ўртасида номувофиқлик юзага келиши табиий ҳолдир.

Ушбу номувофиқликни энг юқори даражадан энг кам даражага етказиш учун барча имкониятларни ишга со-

лиш – депутатларнинг мураккаб мажбуриятларидан биридир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, қабул қилинаётган қонунларнинг мажбурий кучи мутлақ зарурият чегарасидан чиқмаслиги керак. Қонунларнинг ўзи эса Ўзбекистон ва унда яшовчи фуқароларнинг ўзгариб бораётган реал манфаатларини ифода этиши, уларнинг талаб-эҳтиёжларига мос келиши зарур.

Кўп партиявийлик асосида сайланган бугунги икки палатали Олий Мажлис таркиби бирмунча кенг халқ мандатига эга бўлиб, шунинг эвазига кучли бўлишга ҳақлидир. Бу эса Ўзбекистон Олий Мажлисининг, энг аввало, кучли (лекин куч билан эмас) қонунчилик сиёсатини амалга ошириши кераклигини англатади.

Шуни яна бир бор таъкидлаш зарурки, кучли қонунчилик сиёсати – қонун устуворлигидан, турлича ижтимоий кучлар, аниқ шахслар эҳтиёж ва манфаатларини билишдан келиб чиқадиган изчил сиёсат бўлиб, мазкур ижтимоий кучларга таянади ҳамда у Ўзбекистон халқлари манфаатларини ҳисобга олмаслиги мумкин ҳам эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолияти мустақил давлатчилик ривожланишида янги босқични бошлаб берди. Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар иқтисодиётни тезроқ барқарорлаштириши, тadbиркорликнинг эркинлашуви, инсон ҳуқуқ-эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги нуфузини оширишга хизмат қилади.

Олий Мажлис олдида нафақат бугунги, балки келажак авлод, қолаверса, мамлакат тақдири учун катта масъулият туради. Охир-оқибатда уни тушуниб етиш нафақат яқин, балки узоқ келажакда ҳам халқ тақдирига боғлиқ бўлиб қолади.

Бу чинакам тарихий масъулият бўлиб, уни англаган ҳолда қабул қилинган қонунлар яратилаётган ҳуқуқий демократик давлат ва тараққий этган фуқаролик жамияти андозаларига таъсир ўтказишга қодир.

## “Стратегик таҳлил асослари” курси бўйича атамалар лугати

**АГРЕГАЦИЯ** – сиёсий тизим функцияси бўлиб, у хилма-хил талаблар ва манфаатларни умумлаштириш, умумий талабларни ишлаб чиқиш ва уларнинг долзарблиги, муҳимлиги нуқтаи назаридан поғоналаштириш билан боғлиқ.

**АКТОР** – сиёсий ҳаётда тўғридан-тўғри ёки бевосита иштирок этувчи сиёсий субъект.

**АРТИКУЛЯЦИЯ** – (лот. бўғин-бўғин, тушунарли сўзлаш) сиёсий тизим функцияси бўлиб, у қарор қабул қилувчи ташкилотларга талабларни баён этиш вазифасини бажаради. Демократик сиёсий тизимларда бу вазифани манфаат гуруҳлари, сиёсий партиялар, парламент, авторитар сиёсий тизимларда эса корпоратив институтлар бажаради.

**АССИМИЛЯЦИЯ** – (лот. ўхшаб кетмоқ) сингиб кетиш, қўшилиб кетиш.

**АНАЛОГИЯ** – (гр. ўхшаш, монанд) турли-туман предмет ва ҳодисаларнинг муайян маънода ўхшашлиги, бир-бирига монандлиги.

**АНТИНОМИЯ** – (фр. қонунга қарши) бир хил даражадаги тўғри деб эътироф этилган, лекин бир-бирига қарама-қарши ҳукмлар тўқнашуви.

**БИХЕВИОРИЗМ** – инсоннинг хулқ-атвор мотивларини, жавоб реакцияларини ўрганиш зарурлиги, шу тариқа ижтимоий фанлар ўзларининг “гуманитар чекланганлигини” енгиб ўтиши ҳамда исботланганлиги ва аниқлик даражасига кўра табиий фанларга яқинлашувини асослайдиган ҳозирги замон ижтимоий фан йўналиши.

**БРЕЙНСТОУМИНГ** – бирор муаммони ечишда экспертлар гуруҳининг «ақлий ҳужуми»ни ташкил этиш.

**ВЕРБАЛ** – (лот. оғзаки) сўзда ифодаланган.

**ВЕРИФИКАЦИЯ** – респондент хабар берадиган

маълумотларнинг аниқлигини ўлчаш учун зарур далилларни тўплаш жараёни

**ГЕТЕРОГЕН** – хилма-хил, сифат жиҳатидан турли негиздан иборат.

**ГОМОГЕН** – асос эътибори, келиб чиқиши ҳамда моҳияти жиҳатидан бир хил, бир турдаги, ягона.

**ДИВЕРСИФИКАЦИЯ** – (лот. тенг қилмоқ) ялпи кўп тармоқли ривожланишга қаратилган давлат сиёсати.

**ДИСПЕРСИЯ** – (лот. тарқалган, ёйилган) сиёсатда ҳокимиятнинг бир марказда тўпланмай, бутун жамиятга ёйилиши кўплаб ўзаро боғлиқ, уйғун ҳокимият марказларининг мавжудлиги.

**ДИСПУТ** – (лот. фикрлаш, таҳлил қилиш, баҳслашиш) оғзаки илмий баҳс, оммавий маърузадан сўнг аввалдан белгиланган оппонентлар иштирокидаги мунозара.

**ИДЕНТИФИКАЦИЯ** – муайян сиёсий гуруҳга ўзини-ўзи бошқаришдан ажратиш имконини берувчи барқарор белгилар, хусусиятлар бирлиги.

**ИДЕОГРАФИК ФАНЛАР** – ҳодиса-воқеаларни, яъни хусусий ҳолатларни ҳар томонлама ўрганадиган фанлар.

**ИНСТИТУЦИОНАЛЛАШУВ** – расмийлашган, барча эътироф этган қоидалар, қонунлар, анъана ва маросимларга асосланган ижтимоий муносабатлар барқарор намуналарининг шаклланиши.

**ИНТЕРПРЕТАЦИЯ** – талқин қилиш, шарҳлаш. Бирор воқеа ёки ҳодисани муайян нуқтаи назардан талқин қилиш, тушунтириш, қараб чиқиш.

**ИММАНЕНТ** – бирор воқеа, ҳодиса ёки жараёнга хос хусусият.

**КАУЗАЛЛИК** – сабаб билан белгиланганлик, сабаб ва фаолиятнинг қонуний алоқаси. Тамойил (ёки қонун) сифатида каузаллик қуйидагиларни англатади: ҳар бир воқеа ёки ҳодиса бирор сабабга эга (бирор сабаб билан содир бўлган) ва

айни вақтда у яна бошқа бир воқеа ёки ҳодисанинг ҳам сабабчисидир; сабабсиз ҳеч нарса пайдо бўлмайди.

**КВАЛИФИКАЦИОН КЎПЧИЛИК** – энг муҳим масалалар бўйича қарор қабул қилиш учун белгиланувчи, иштирокчиларнинг 2/3 ёки S қисмининг берган овози.

**КЛАССИФИКАЦИЯ** – предмет, ҳодиса ва тушунчаларни синфлар, бўлимлар, даражалар бўйича, уларнинг умумий белгилари, хусусиятларига кўра тақсимлаш (тур, бўлимларга бўлиш). Классификация бир хиллик ва ўхшашликка қурилади.

**КОНЦЕПТУАЛЛАШТИРИШ** – маълумотларни, ҳар бир ҳолат, ғоя, воқеа ва ҳодиса, унинг ортида турган нарса ҳамда мазмунни номлаш.

**КОРПОРАТИВЛИК** – жамиятни ташкил этишнинг ўзига хос модели бўлиб, унинг бирламчи элементлари сифатида индивидлар эмас, иқтисодий ва функционал гуруҳлар туради. Марказий ҳокимият корпорацияларга бирлашган ана шу гуруҳлар вакилларида тузилади.

**КОРРЕЛЯЦИЯ** – фақат бир-бири билан ўзаро таққослаганда бирор мазмунга эга бўлган нарса ва тушунчалар.

**КУМУЛЯТИВ ВОТУМ** – кўп мандатли сайлов округларида овоз бериш тартиби: унда сайловчи ўзида мавжуд бўлган овознинг бир қисмини ёки барчасини бирлаштириб, уни номзодлардан бирига бериш ҳуқуқига эга бўлади.

**ЛЕГИТИМЛИК** – муайян давлат ҳокимиятининг қонунийлиги: а) фуқаролар томонидан; б) халқаро ҳам-жамият томонидан эътироф этилишини аниқлашувчи қадриятга оид тушунча. У тарихан анъанавий, харизматик, оқилона-қонуний шаклларда намоён бўлади.

**ЛОКАЛЛАШТИРИШ** – бирор воқеа, ҳодиса ва ҳаракатларни маълум жой билан чеклаш, унинг муайян ҳудуддан, четга чиқишига йўл қўймаслик.

**ЛОНГИТЮД ТАДҚИҚОТ** – бир хил шахслар, гуруҳ ёки объектларни узоқ вақт кузатиш ва маълум вақт ўтгач, улар орасида ўтказилган сўровни қайта ташкил этиш, натижаларни авалгилари билан қиёслашга асосланган тадқиқот усули.

**ЛИБЕРТАРИЗМ** – давлатнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларга аралашмаслиги. Бу бозор муносабатлари соҳаси эканлиги тўғрисидаги ғояни тарғиб қилувчи концепция (“Чикаго мактаби” – О.Фридман, Г.Беккер, А.Лаффер).

**МИҚДОР УСУЛЛАРИ** – сиёсий объектлар хусусиятлари ва белгиларини тўғридан-тўғри ёки бевосита ўлчашга, математик формаллаштириш ва квалификацияга асосланувчи усуллар.

**МОБИЛЛИК** – стратификация назариясида шахс ва гуруҳлар мақомининг ўзгариши билан боғлиқ кўчишлар.

**МАНФААТ ГУРУҲЛАРИ** – фуқароларнинг давлат билан муносабатларида ўзгаришнинг ҳокимиятга доир манфаатларини баён этиш ёки ҳимоя қилишлари учун ихтиёрий тарзда бирлашган махсус ёки мослаштирилган ташкилотлар. Улар ўз олдларига қўйган мақсадлари, фаолият усуллари, ҳокимиятга таъсир ресурслари ва бошқа белгиларига кўра, сиёсий партиялардан фарқ қилади.

**МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ** – ижтимоий борлиқ хусусиятларини математик тилда баён этиш имконини берувчи эмпирик тадқиқот усулларида бири. Борлиқнинг тадқиқоти учун аҳамиятли томонларини лўнда ва абстракт шаклда акс эттиради, тадқиқ қилинаётган масаланинг асосий муаммоларини аниқ тасаввур этиш; сифатий усуллар ёрдамида олиб бўлмайдиган хулосага келиш имконини беради; таҳлил учун компьютер технологияларидан фаол фойдаланишга асосланади.

**НОРМАТИВ БАШПОРАТ** – чекланган ресурслар аниқланганлиги асосида кутилган натижаларга эришиш услублари ҳақидаги прогноз.

**ПАУПЕРИЗМ** – оммавий қашшоқланиш, аҳолининг қамбағаллашуви; яшаш учун зарурий эҳтиёждан маҳрумлик

**ПЕРМАНЕНТ** – доимий, узлуксиз давом этадиган.

**ПИЛОТАЖ УСЛУБИ** – муайян методикаларнинг (анкеталар, режалар, интервью ва ш.к.) валидлигини аниқлаш, тадқиқот тадбирларини текшириш мақсадида ўтказиладиган синов тадқиқоти.

**ПРАКСЕОЛОГИЯ** – социологик тадқиқотлар йўналиши. У фаолиятлар бирлигини самарадорлик нуқтаи назаридан ўрганади.

**РЕЛЯТИВ** – муайян муносабатлардагина аҳамиятга эга, шу муносабатлар билан белгиланувчи, нисбий.

**РЕПРЕЗЕНТАТИВЛИК** – тадқиқ қилинаётган бирликнинг хусусиятларини акс эттирувчи танлов белгиси. (Репрезентация – фр. вакиллик).

**РУҲИЙ ПАРАДИГМА** – сиёсатни тушунтиришдаги табиий парадигмаларнинг бир тури. У сиёсат табиатини руҳий омиллар орқали тушунтиради, яъни инсон руҳияти мотивлар, дунёни қабул қилиш усули ва ш.к. орқали.

**СИЁСИЙ АДАПТАЦИЯ** – (лот. мослашиш) сиёсий тизим, сиёсий тузилмаларнинг атроф-муҳит талабларига мослашиш жараёни. У сиёсий тизим олдида турган вазифаларнинг ўзгариши, янги мақсадлар аниқланиши, муаммоларни ҳал қилиш учун янгича ёндашувларнинг ишлаб чиқилишида намоён бўлади.

**СИЁСИЙ БАШОРАТ** – 1) сиёсий жараён келажаги ва натижалари тўғрисидаги сиёсий фикрларнинг ишлаб чиқилиши; 2) сиёсий ҳаёт, унинг жараёнлари, ҳодисалари ривожланишининг истиқболи тўғрисидаги махсус тадқиқот.

**СИЁСИЙ ЖАРАЁН** – жамият сиёсий тизимининг шаклланиши, ўзгариши ва фаолият кўрсатишига бевоқиф таъсир этувчи ижтимоий субъектлар фаолиятининг уйғунлиги.

**СИЁСИЙ ВАЗИЯТ** – сиёсий тизимнинг маълум даврдаги ҳолати.

**СИЁСИЙ ВАЗИЯТ ТАҲЛИЛИ** – жамият сиёсий тизимини ташкил қилувчи барча сиёсий акторларнинг ҳозирги вақтдаги ўзаро ҳаракатини аниқлаш ва ўрганиш.

**СИЁСИЙ ВАЗИЯТНИНГ ВЕРТИКАЛ ТАҲЛИЛИ** – сиёсий тизим айрим институтларининг ҳолати ва ўзаро ҳаракатини ўрганиш.

**СИЁСИЙ ВАЗИЯТНИНГ ГОРИЗОНТАЛ ТАҲЛИЛИ** – сиёсий жараёнларда яхлит актор сифатида ҳаракатланувчи ноинституционал жамоалар ва гуруҳларнинг ҳозирги ҳолатини аниқлаш ҳамда ўрганиш.

**СИЁСИЙ ВАЗИЯТНИНГ ДИАГНОСТИК ТАҲЛИЛИ** – турли муаммоли вазиятлар чиқиш эҳтимолини ўрганиш мақсадида сиёсий тизимнинг ёки унинг айрим таркибий қисмларининг ҳозирги ҳолатини аниқлаш ва ўрганиш.

**СИФАТ УСУЛЛАРИ** – тадқиқотда индивидуал тажриба, кузатиш, интуиция тушунчаларининг анъанавий фалсафий ва мантиқий таҳлили усуллари, тарихий қиёслаш, шахсий ва расмий ҳужжатлардан фойдаланиш, қайдлар, хулоса ва тавсияларни публицистик асослаш усулларидан фойдаланишга эътибор қаратади. Сифат усуллари сиёсий ҳодиса ва жараёнлар, тизимларнинг сифат жиҳатларини таҳлил қилади. Шунингдек, сифат усуллари миқдор усуллари билан биргаликда қўлланиши ҳам мумкин.

**СТАТИСТИК УСУЛЛАР** – тадбиқий математик статистикага оид моделлар ва усуллар бирлиги. Шартли равишда улар иккига бўлинади: 1-гуруҳга терма (танлаш) усули, тавсифловчи (таърифловчи) статистика, боғлиқлик ва алоқалар таҳлили, статистик хулосалар, баҳолар ва мезонлар назарияси, тажрибали режалаш-



тириш усуллари киради; 2-гурухга даражалаш, таксономик тадбирлар, корреляцион, факторли, сабабий таҳлил ва бир гуруҳ статистик моделлар каби кўп ўзгарувчи усуллар киради.

**СИЁСИЙ МАРКЕТИНГ** - сиёсатни сиёсатчи ва халқ, номзод ва сайловчи ўртасидаги рационал муносабатлар тарзида тушунишдан келиб чиқиб, етакчиликка даъвогар шахснинг хислат ва фазилатларини сайловчиларга (фуқароларга) ижобий кўрсатиш.

**СИЁСИЙ МОДЕЛЬ** - сиёсий тизим ёки унинг таркибий қисмининг маълум шаклдаги оригиналдан фарқ этадиган сиёсий тасвири.

**СИЁСИЙ МЕНЕЖМЕНТ** - давлат сиёсатини самарали ташкил этиш ва бошқарувига оид фан.

**СИЁСИЙ МЕЪЁР** - сиёсат субъекти эътироф этган ва амалда риоя қилувчи намуна, қоида, фаолият тамойили. Улар: расмий-норасмий, оғзаки-ёзма, ошқора-яширин; универсал-хусусий бўлиши мумкин. Белгиланган тартибда қабул қилинган, қоғозда қайд этилган ва сиёсий субъектлар учун мажбурий бўлган сиёсий меъёрлар айни вақтда ҳуқуқий меъёрлар ҳамдир.

**ТРАНСФОРМАЦИЯ** - сиёсий тизимларнинг ўзгариш жараёни

**ФУТУРОЛОГИЯ** - (лот. келажак тўғрисидаги таълим) ижтимоий жараёнлар, инсоният таҳлил қилувчи илмий назариялар.

**ЭКСПЕРТ БАҲОЛАШНИНГ БИЛВОСИТА УСЛУБЛАРИ** - билвосита, новербал ўзаро ҳаракат асосида ташкил этилган эксперт гуруҳларининг таҳлилий фаолияти.

**ЭКСПЕРТ БАҲОЛАШНИНГ БЕВОСИТА УСЛУБЛАРИ** - шахсий мулоқот асосида ташкил этилган эксперт гуруҳларининг таҳлилий фаолияти.

**ҚИДИРУВ ПРОГНОЗИ** - ҳозирги вақтда мавжуд тенденцияларнинг келажакда ҳам давом эттирилиши ҳақидаги башорат.

## “СТРАТЕГИК ТАҲЛИЛ АСОСЛАРИ” КУРСИ БЎЙИЧА ЎҚУВ ДАСТУРИ

### Курснинг мақсад ва вазифалари

Сиёсатни таҳлил этиш - мустақил давлат фаолиятининг асосий шартларидан биридир. Президент И.А.Каримов асарларида Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатида стратегик таҳлилнинг ўрни ҳамда аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилган. Сиёсатни, стратегик таҳлилга оид билимларни тингловчиларга ўргатиш ҳамда уларни амалий қўллаш курснинг асосий мақсади ва вазифаларини ташкил этади.

### Курснинг ўрганиш объектлари

Сиёсий вазият ва сиёсий стратегия. Стратегик мақсад ва қарорлар. Стратегик режалаштириш, башорат қилиш, моделлаштириш. Стратегик экспертиза ва экспертлар. Эксперт баҳолаш услублари. Стратегик таҳлил манбалари. Ўзбекистон Республикасида стратегик таҳлил йўналишлари.

### Ўқитиш услублари

Махсус курсни тингловчиларга тақдим этиш давомида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Савдо ва ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Марказий банк, республиканинг қатор вазирлик ва идоралари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси унiversитети, шунингдек, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари, халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналаридан таклиф этилган тажрибали, юқори маънавияли мутахассислар ва сиёсатшунос олимлар томонидан ўтказиладиган маъруза ҳамда амалий машғулотлар, учрашув ва давра суҳбатлари кўзда тутилган.

## Курс бўйича ўқув соатлари тақсимооти

№	Маъруза номи	Жами	Маъруза	Сухбат	Амал. маш.	Шахс. маш.
1.	Кириш		2			
2.	Сиёсий вазиятни таҳлил этиш ва стратегик башорат		2			
	Стратегик қарорлар қабул қилиш		2		2	2
4.	Стратегик таҳлил объект ва субъектлари		2		2	2
5.	Стратегик моделлаштириш			2	2	
6.	Гуруҳий эксперт баҳолаш услублари		2		2	
7.	Стратегик таҳлилни руҳий-сиёсий манбалари		2			2
8.	Стратегик таҳлил ҳужжатларини расмийлаштириш			2		2
9.	Ўзбекистон Республикасида стратегик таҳлил йўналишлари		2		2	2
<b>Жами</b>		<b>40</b>	<b>14</b>	<b>4</b>	<b>12</b>	<b>10</b>

## 1-мавзу. Кириш

Курснинг мақсад ва вазифалари ҳамда унинг асосий тушунчалар тизими (“таҳлил”, “стратегия”, “тактика”, “сиёсий таҳлил”, “стратегик таҳлил” ва ш.к.). Стратегик таҳлил бўйича билимлар шаклланишининг тарихий омиллари. Курснинг асосий муаммолари ва уларни ўрганиш усуллари.

### Адабиётлар

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. -Т., “Ўзбекистон”, 2005.
2. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. -Т., “Ўзбекистон”, 2005.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т., “Ўзбекистон”, 1997.
4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқлолининг асосий тамойили. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг I сессиясида сўзлаган нутқи (1995 йил 23 февраль). 3-ж., -Т., “Ўзбекистон” 1995.
5. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. -Т., “Ўзбекистон”, 2002.
6. Аристотель. Политика. 4-х томах. Т.4.-М., 1983.
7. Гаджиев К. Политическая наука. -М., 1995. С. 35-48.
8. Дегтярев А. Основы политической науки. -М., 1998. С. 25-37.
9. Жумаев Р.З. Политическая система Республики Узбекистан: формирование и развитие. -Т., Фан, 1996.
10. Жўраев С.А. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт -Т., “Тошкент Давлат шарқшунослик институти”, 2003.
11. Мангейм Ж., Рич Р. Политология. Методы исследования. -М., “ВЕСЬ МИР”, 1997. С.19-34, 40-58.
12. Низомулмулк. “Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк”. -Т., “Адолат” нашриёти, 1997.

13. Политология. /Под ред. А.М. Грязновой. –М., 1998. 56-63.
14. Политология. Курс лекций. /Под ред. М.М. Марченко. – М., 1996. с.36-56.
15. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Введение в политологию. –М., 1999. С. 33-40.
16. Пэнто Р., Гравитц М. Методы социальных наук. –М., 1972. С.185-195.
17. Темур тузуклари. –Т., “Фафур Фулом матбаа бирлашмаси”, 1996.
18. Форобий. Фозил одамлар шахри. –Т., “Мерос”, 1993.
19. Dictionary of Politics. –Brunswick, 1992. P.138, 395.

#### Мавзу бўйича такрорлаш учун саволлар:

1. “Стратегик таҳлил асослари” курсининг предмети ва вазифалари нимадан иборат?
2. “Стратегия” ва “тактика” тушунчаларини таҳлил қилинг.
3. Сиёсий таҳлилнинг стратегик таҳлилдан нима фарқи бор?
4. Буюк стратегларнинг қайси асарларини биласиз?
5. Стратегик таҳлил сиёсий фанларнинг қайси йўналишига тегишли?

## 2-мавзу. Сиёсий вазиятни таҳлил этиш ва стратегик башорат

“Сиёсий вазият” тушунчаси. Вазият таҳлили эволюцияси. Ҳозирги замон вазият таҳлили хусусиятлари ва турлари. Олдиндан кўра билиш ва башорат. “Сиёсий” ва “стратегик” башорат тушунчалари. Стратегик башорат ва стратегик лойиҳалар хилма-хиллиги. Стратегик башорат классификацияси. Лойиҳалаштириш, унинг ютуқ ва камчиликлари. Ўтиш даврида стратегик лойиҳалаштиришда асосий муаммолар ва унинг натижалари.

#### Адабиётлар

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т., “Ўзбекистон”, 2005.
2. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. –Т., “Ўзбекистон”, 2005.
3. Айрапетова Н. Захлопнет ли Россия европейскую “форточку”? НГ, №101, 2002, 27 мая. С.9,10.
4. Американцы обживают Центральную Азию. //Россия и мусульманский мир. 2002, №6. С.102-112.
5. Бережков А. В большом бизнесе завелись “гнилые яблоки”. //Эхо планеты, №30, 2002. 19-25 июля. С.6-11.
6. Вишнев С. Основы комплексного прогнозирования. –М., 1977. С.30-45.
7. Дмитриева О. Вечно зелёный. (Слухи о кризисе американского доллара сильно преувеличены.) //Российская газета, №134, 2002, 24 июля. С.1,2.
8. Жумаев Р.З., Убайдуллаев У.А., Хўжанов Б. Конфликтология асослари. –Т., “Академия”, 2001.
9. Жўраев С.А. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. –Т., “Тошкент давлат шарқшунослик институти” нашриёти 2003.

10. Кокошин А.А. Прогнозирование и политика. —М., 1995. С.5-25.
11. Нещадин А, Малютин М. 1999: попытка политического прогноза //Вопросы экономики. 1999. №3.
12. Поппер К. Нищета историцизма. —М., 1993 С.8-65.
13. Прогностика. Терминология. —М., 1990. С.6-17.
14. Рабочая книга по прогнозированию. //Отв. ред. И. Бестужев-Лада. —М., 1982. С.6-24.
15. Сидельников Ю. Теория и организация экспертного прогнозирования —М., 1990. С.5-20.
16. Хрусталева М. Теория политики и политический анализ. —М., 1992.
17. Pal L/ Public Policy Analysis: An Introduction — Scarborough. 1992

#### Мавзу бўйича такрорлаш учун саволлар:

1. “Вазият таҳлили” деганда нимани тушунасан?
2. Вазият таҳлилининг қиёсий таҳлилдан нима фарқи бор?
3. Олдиндан кўра билиш ва башорат.
4. Институционал соҳада режалаштиришнинг самарасизлиги қандай натижаларга олиб келиши мумкин?
5. Лойиҳалаштиришнинг асосий камчилиги нимадан иборат?

### 3-мавзу. Стратегик қарорлар қабул қилиш

“Стратегик қарор” тушунчаси. Стратегик қарор қабул қилиш жараёнида қайта боғлиқлик тамойили. Стратегик қарор қабул қилиш жараёни: ютуқ ва камчиликлари. Стратегик қарорлар классификацияси, уларнинг кучли ва заиф жиҳатлари.

#### Адабиётлар

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. —Т., “Ўзбекистон”, 2005.
2. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. —Т., “Ўзбекистон”, 2005.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. —Т., “Ўзбекистон”, 1997.
4. Бабаева С. Мир, Буш, май. (Президенти сокращают ядерный потенциал во имя экономического.) //Известия, №88, 2002, 25 мая. С.1,4.
5. Блэр Т. Бывшие враги становятся верными друзьями. (Глава правительства Соединённого Королевства Великобритании и Северной Ирландии специально для “Ъ” излагает своё видение будущих отношений Россия — НАТО.) К-Д., №89, 2002, 28 мая. С.1,10.
6. Воробьев В. Поправка Путина — Буша. (Вчера в Кремле подписаны документы российско-американского саммита) РГ, №92, 2002, 25 мая. С.1,3.
7. Воцанов П. Чем грозит России усиление военно-политического влияния США в Средней Азии? /Р и ММ, 2002, №4. С.101-104.
8. Геополитические проблемы Центральной Азии и Закавказья. //Реферативный журнал “Востоковедение и африканистика”, серия 9, 2002, №2. С.34-40.
9. Жумаев Р.З. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида. —Т., Шарқ, 1998.

10. Евланов Л.Г. Теория и практика принятия решений. - М., 1984. С.20-36.
11. Клементевич Т. Процесс принятия политических решений. //Элементы теории политики. -Р-на-Д., 1991. С.385-389.
12. Ларичев О.И. Теория и методы принятия решений. -М., 2000. С.19-29.
13. Технологии политической власти. -Киев, 1994. С.228-240.
14. Almond G. Powell B. Comparative Politics Today. -N.Y. 1996. P.95-96.
15. Patton S. Sawicki D. Basic Methods of Policy Analysis and Planning. -Englewood Clifs. 1986. P.35-40.

#### Мавзу бўйича такорлаш учун саволлар:

1. Стратегик қарор сиёсий қарордан нимаси билан фарқ қилади?
2. Қарор қабул қилиш жараёни қандай босқичлардан иборат?
3. "Стратегик мақсад" деганда нимани тушунасиз?
4. Стратегик қарорларнинг қандай турларини биласиз?
5. "Мақсадлар дарахти" деганда нимани тушунасиз?

#### 4-мавзу. Стратегик таҳлил объект ва субъектлари

"Стратегик таҳлил объекти" тушунчаси. Фарб сиёсий фанларида унинг талқинлари, таҳлилий услубларининг хусусиятлари. Билимлар ва экспертлар тизимлари, улардан стратегик таҳлилда фойдаланиш.

"Сиёсий эксперт" тушунчаси. Сиёсий экспертиза эволюцияси. Стратегик таҳлил субъектларининг классификацияси.

Ўзбекистон Республикасида сиёсий экспертизанинг ривожланиши ва истиқболлари.

#### Адабиётлар

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. -Т., "Ўзбекистон", 2005.
2. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашар эди. -Т., "Ўзбекистон", 2005.
3. Акбаров А. Сенатор Ж. Либерман о роли Узбекистана. // Народное слово, 5 февраля 2002 г.
4. Макарышев А.С. Система внешнеполитического планирования и анализа: опыт США 70-99 гг. //Мировая экономика и международные отношения. 1994. №12.
5. Маршалл А. Принципы экономической науки. -М., 1993. Т.1. С.70-85.
6. Процесс принятия политических решений в США, Израиле и странах Западной Европы. -Новгород, 1992. С.9-26.
7. Шварц Ф. Политика консультаций в Японии. //МэиМО, 1990. №3.
8. Элти Д., Кумбс М. Экспертные системы: концепции и примеры. -М., 1997.
9. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик концепцияси. 1997.

10. Carley M. Rational Techniques in Policy Analysis. -L., 1980. Ch.7.
11. Starling G. Managing the Public Sector. -California, 1986. P.206-225.

#### Мавзу бўйича такрорлаш учун саволлар:

1. Стратегик таҳлил объектлари сифатида нималар ёки кимлар хизмат қилади?
2. Эксперт деганда ким назарда тутилади?
3. “Сиёсий экспертиза” деганда нимани тушунаси?
4. Стратегик таҳлил субъектлари тўғрисида нималар биласиз?
5. Ўзбекистонда сиёсий экспертиза билан қайси ташкилот ва муассасалар шуғулланади?

#### 5-мавзу. Стратегик моделлаштириш

“Модель” тушунчаси. Стратегик таҳлилда фойдаланиладиган модель турлари.

Ўйинлар назарияси асослари, унинг шаклланиши ва ривожланиши. “Тўлов матрицаси” тушунчаси ва унинг турлари. Тўлов матрицалари асосида сиёсий ва стратегик қарорлар қабул қилиш.

#### Адабиётлар

1. Бурдые П. Социология политики. -М., 1993. С.48-71.
2. Вильямс Ж. Современный стратег или букварь по теории стратегических игр. -М., 1960. С.34-65. 109-133.
3. Компьютерное моделирование социально-политических процессов. /Под ред. О.Ф.Шаброва. -М., 1994. С.5-41.
4. Плотинский Ю.М. Теоретические и эмпирические модели социальных процессов. -М., 1998. С.80-120. 270-275.

5. Павловский Ю.Н. Иммитационные системы и модели. -М., 1980. С.2-27.
6. Силов В.В. Принятие стратегических решений в нечёткой обстановке в макроэкономике, политике, социологии, менеджменте, экологии, медицине. -М., 1995. С.72-108.
7. Мангейм Дж.Б., Рич Р.К. Политология. Методы исследования. М., 1997.
8. Саати Т.Л. Математические методы исследования операций. М., 1962; Элементы теории массового обслуживания. М., 1971; Математические модели конфликтных ситуаций. М., 1977;
9. Саати Т., Кернс К. Аналитическое планирование. Организация систем. М., 1991; *The Analytic Hierarchy Process*. N.Y., 1980; *Decision Making For Leaders*. Belmont. CA, , 1982 и др.
10. Яковлев И. Информационно-аналитические технологии и политическое консультирование. “Полис”, № 2, 1998
11. Proctor J.H. A Theoretical Basis for International Organisation Change with Comments from a Thirty Year Perspective. - “*Journal of the Washington Academy of Sciences*”, 1992, Vol. 82, N 1.
12. См., напр.: Tikhomirov V.B. *New International Development Strategy: A Systems Analysis Approach*. N.Y., 1981; . Мангейм Дж.Б., Рич Р.К. *Политология. Методы исследования*. М., 1997.
13. Lave Ch., March J.G. An Introduction to Models in Social Sciences. -N.Y. Harper and Row, 1978. P.3-15.
14. Shannon R. Sistem Simmulation - The Art and Science. -Englewood Chifs, N.J. 1975. P.5-15.

#### Мавзу бўйича такрорлаш учун саволлар:

1. Модель, режа ва лойиҳа: ўхшашлиги, фарқи ва ўзаро боғлиқлиги.
2. Стратегик таҳлилда моделларнинг қандай турларидан фойдаланилади?

3. Стратегик таҳлилда математик моделлаштириш қандай ўрин тутади?
4. “Ўйинлар назариясига” кимлар асос солган?
5. Тўлов матрицаларининг қандай турларини биласиз?

### 6-мавзу. Гуруҳий эксперт баҳолаш услублари

Гуруҳий эксперт баҳолашнинг асосий турлари. Бевосита экспертиза. Мажлислар, йиғилишлар, муҳокама-лар. Брейнстеминг, унинг асосий турлари ва босқичлари. Синектика услуги, унинг тамойиллари ва босқичлари.

Билвосита экспертиза, унинг ютуқлари ва камчилик-лари. Дельфи услуги. Дельфи услубининг асосий тамойиллари ва босқичлари. Дельфи услубининг ютуқ ва камчиликлари.

ПАТТЕРН услуги. ПАТТЕРН услубининг тамойил ва босқичлари. ПАТТЕРН услуги асосида стратегик мақсадларни шакллантириш.

#### Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. – Т., 1995.
2. Андреева Г. Социальная психология. –М., 1997. С.190-194. 226-234.
3. Акофф Р. Искусство принятия решений. –М., 1982. С.52-53.
4. Гафуров Ш.Р., Аманов С.Н., Гугнин В.И. Язык бизнеса: термины. –Т., 1995.
5. Козелецкий Ю. Психологическая теория принятия решений. –М., 1979. С.366-395.
6. Лопухин М. ПАТТЕРН – метод планирования и прогнозирования научных работ. –М., 1971. С.10-75.
7. Политический анализ. <http://www.i-u.ru/biblio/archive/politihtheskiy%5Fanalis/default.aspx>

8. Gordon W. Synectic - the Developing of Creative Saaraacity. –N.Y. 1962. P.33-48. 92-118. 159-160.
9. The Delphi. Method. Techniquuuues and Applications. – Addison – Wesley Publisshing Company, 1975. P.10-56. 80-95. 212-225.
10. Sackman H. Delphi Critique. Expert Opinion, Fore casting, Group Process. –N.Y. 1975. PP.30-50.
11. Campppbell R. The Delphi. Technique: Implementation in the Corporate Environmmennt. //Management Services, 1968. Vol. 5. №6. P.37-52.

### Мавзу бўйича такрорлаш учун саволлар:

1. “Баҳолаш” деганда нимани тушунасиз?
2. Бевосита экспертиза қилиш турларини айтиб беринг.
3. Брейнстеминг – бу нима?
4. Синектика қандай тамойилларга асосланади?
5. Дельфи услуги қачон ва қаерда кашф этилган?
6. ПАТТЕРН услуги қайси соҳаларда қўлланилади?

### 7-мавзу. Стратегик таҳлилнинг руҳий-сиёсий манбалари

Давлат раҳбарлари, элита, жамоатчилик фикри ва ОАВлари омиллари. Таҳлил объектив маълумотларига руҳий (психологик) тузатишлар. Этник-диний ва маданий муҳит. Сиёсий-руҳий нотўғри талқин қилиш маҳсули ва унинг олдини олиш. Натижаларни қабул қилиш. Маълум бир давлат раҳбарларининг стратегик таҳлил этиш усули. Стратегик таҳлил маълумотларини музокара жараёни усули сифатида оммавийлаштириш.

#### Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т., “Ўзбекистон” 1997.

2. Каримов И.А. Ўз келажакимизни ўз кўлимиз билан қурмоқдамиз. -Т., 1999.
3. Каримов И.А. Хушёрликка даъват. -Т., 1990.
4. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. -Т., 2000.
5. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар – тарқиёт омили. -Т., 1995.
6. Андреева Г., Богомолова Н., Петровский Л. Современная социальная психология на Западе. –М., 1978.
7. Технологии политической власти: зарубежный опыт. – Киев, 1994.
8. Macridis R. The Study of Comparative Government. –N.Y. 1995. PP.37-45.

#### **Мавзу бўйича такрорлаш учун саволлар:**

1. Стратегик таҳлилда сиёсий элитанинг ўрни, таъсири ва аҳамияти.
2. Элитология нимани ўргатади?
3. Стратегик таҳлил ва оммавий ахборот воситалари.
4. Стратегик ва иқтисодий таҳлил.
5. Стратегик таҳлилга руҳий-сиёсий омиллар қандай таъсир этади?

#### **8-мавзу. Стратегик таҳлил ҳужжатларини расмийлаштириш**

Стратегик таҳлилни расмийлаштириш функцияси. Жорий ва умумий ҳужжатлар. Стратегик таҳлилни расмийлаштириш турлари. Экспертиза. Ташқи сиёсий вазиятни таҳлил қилиш. Таҳлилий маъруза.

Сиёсий “қиёфа”. Стратегик “сцениография” вазиятлари. Ҳукуматга тавсиялар. Ташқи сиёсий дастур. Компьютер (чизма) модели ва уни тушунтирувчи илова.

#### **Адабиётлар**

1. Балугев Д.Г. Введение в политический анализ. -Н.Новгород, 2000.
2. Боришполец К.П. Методы, методики и процедуры прикладного анализа международных отношений. //Международные отношения: социологические подходы. /Под ред. П.А.Цыганкова. –М., 1998.
3. Дегтярёв А.А. Основы политического анализа. –М., 1998.
4. Дегтярёв А.А. Теория принятия политических решений в структуре социольных и управленческих дисциплин. –М., 2002.
5. Марков С.А. Политические профессии. –М., “Полития”, 1999. №2.
6. Сидельников Э. Экспертиза: состояние и тенденции развития. –М.: МэиМО, 1997. №2.
7. Лобанов В.В. Анализ государственной политики. –М., 2001.

#### **Мавзу бўйича такрорлаш учун саволлар:**

1. Стратегик таҳлил ким томонидан ва қандай расмийлаштирилади?
2. Ташқи сиёсий вазиятни таҳлил қилиш қайси тамойилларга асосланади?
3. Таҳлилий маъруза нима асосида ва қандай тузилади?
4. Сиёсий “қиёфа” тузишда нималарга таянилади?
5. Ҳукуматга тавсияларни ишлаб чиққанда қайси қоидаларга эътибор бериш керак?

#### **9-мавзу. Ўзбекистон Республикасида стратегик таҳлил йўналишлари**

Стратегик таҳлил фалсафасида ақлий ва сиёсий маданият феномен сифатида. Стратегик таҳлил бўйича кўрсатмаларни шакллантириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари. Давлат ҳокимия-



ти, бошқарув органлари, таҳлилий тузилмалар ҳамда мутахассисларнинг роли.

Стратегик таҳлил хулосалари – миллий манфаатлар, хавфсизликка таҳдид ва мамлакат салоҳияти. Ўзбекистон Республикасининг стратегик имкониятлари, умум-башарий ҳамда минтақавий сиёсий манфаатлари – стратегик таҳлил тизимини ташкил этувчи асос сифатида. Ўзбекистон Республикаси сиёсатида стратегик таҳлилни шаклланиш давлари. XXI аср бошларида Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсати устувор йўналишларининг шаклланиши.

### Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т., “Ўзбекистон”, 2003.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2 - жилд. –Т., “Ўзбекистон”, 1996.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3 - жилд. –Т., “Ўзбекистон”, 1996.
4. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5 - жилд. –Т., “Ўзбекистон”, 1997.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т., “Ўзбекистон”, 1997.
6. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. –Т., “Ўзбекистон”, 1998.
7. Каримов И.А. Жамятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. //Тафаккур, 1998. 2-сон.
8. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. //Мулоқот, 1998. 5-сон.
9. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т., “Ўзбекистон”, 1998.
10. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураемиз. 7-жилд. – Т., “Ўзбекистон”, 1999.

11. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8 - жилд. –Т., “Ўзбекистон”, 2000.
12. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. –Т., “Ўзбекистон”, 2004.
13. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. –Т., “Ўзбекистон”, 1999.
14. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т., “Ўзбекистон”, 2005.
15. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. –Т., “Ўзбекистон”, 2005.
16. Бай Е. Один раз в полвека. //Известия, №104. 2002, 20 июня. С.9.
17. Жураев А. Процесс стратификации общества и образования среднего класса в Узбекистане. ЦА и К, 2002, №2(20), С.170-178.
18. Жўраев С.А. Фуқаролик жамяти: назария ва амалиёт. –Т., “Тошкент Давлат шарқшунослик институти” нашриёти, 2003.

### Мавзу бўйича такрорлаш учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатлари нималардан иборат?
2. Дипломатик хизмат стратегик таҳлил тизимида қандай ўрин тутади?
3. Ўзбекистонда қандай таҳлилий тузилмалар мавжуд?
4. Ўзбекистон Республикасининг стратегик имкониятларига нималар қиради?
5. Ўзбекистонда стратегик таҳлил қандай шаклланган ва ривожланган?

ти, бошқарув органлари, таҳлилий тузилмалар ҳамда мутахассисларнинг роли.

Стратегик таҳлил хулосалари – миллий манфаатлар, хавфсизликка таҳдид ва мамлакат салоҳияти. Ўзбекистон Республикасининг стратегик имкониятлари, умум-башарий ҳамда минтақавий сиёсий манфаатлари – стратегик таҳлил тизимини ташкил этувчи асос сифатида. Ўзбекистон Республикаси сиёсатида стратегик таҳлилни шаклланиш давлари. XXI аср бошларида Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсати устувор йўналишларининг шаклланиши.

### Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т., “Ўзбекистон”, 2003.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2 - жилд. –Т., “Ўзбекистон”, 1996.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3 - жилд. –Т., “Ўзбекистон”, 1996.
4. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5 - жилд. –Т., “Ўзбекистон”, 1997.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т., “Ўзбекистон”, 1997.
6. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. –Т., “Ўзбекистон”, 1998.
7. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. //Тафаккур, 1998. 2-сон.
8. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. //Мулоқот, 1998. 5-сон.
9. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т., “Ўзбекистон”, 1998.
10. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. – Т., “Ўзбекистон”, 1999.

11. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8 - жилд. –Т., “Ўзбекистон”, 2000.
12. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. –Т., “Ўзбекистон”, 2004.
13. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. –Т., “Ўзбекистон”, 1999.
14. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т., “Ўзбекистон”, 2005.
15. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. –Т., “Ўзбекистон”, 2005.
16. Бай Е. Один раз в полвека. //Известия, №104. 2002, 20 июня. С.9.
17. Жураев А. Процесс стратификации общества и образования среднего класса в Узбекистане. ЦА и К, 2002, №2(20), С.170-178.
18. Жўраев С.А. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. –Т., “Тошкент Давлат шарқшунослик институти” нашриёти, 2003.

### Мавзу бўйича такрорлаш учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатлари нималардан иборат?
2. Дипломатик хизмат стратегик таҳлил тизимида қандай ўрин тутади?
3. Ўзбекистонда қандай таҳлилий тузилмалар мавжуд?
4. Ўзбекистон Республикасининг стратегик имкониятларига нималар киради?
5. Ўзбекистонда стратегик таҳлил қандай шаклланган ва ривожланаяпти?

## Курс бўйича реферат ва мустақил иш мавзулари

1. Стратегик таҳлил – мустақил давлат фаолиятининг асосий шартларидан бири.
2. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида стратегик таҳлилнинг ўрни ва аҳамияти.
3. Стратегик таҳлил усуллари.
4. Стратегик таҳлилда ахборот таъминоти.
5. Ўзбекистон Республикасининг стратегик имкониятлари.
6. Стратегик таҳлил методологияси.
7. Стратегик таҳлилнинг ташқи сиёсатдаги ўрни.
8. Ташқи сиёсий мувозанатни ишлаб чиқиш услуги.
9. Стратегик таҳлилда хавф-хатар.
10. Стратегик таҳлил манбалари.
11. Стратегик таҳлил ҳужжатлари.
12. Ташқи сиёсий вазиятни таҳлил қилиш.
13. Сиёсий “қиёфа”.
14. Стратегик таҳлил босқичлари.
15. Стратегик таҳлил жиҳатлари.
16. Стратегик таҳлилнинг ўзига хослиги.
17. Ташқи сиёсатни тизимий таҳлил этиш.
18. Стратегик таҳлил қоидалари.
19. Стратегик таҳлилнинг АҚШ мактаби.
20. Стратегик таҳлилнинг Россия мактаби.
21. Стратегик таҳлилнинг Хитой мактаби.
22. Стратегик таҳлилнинг Европа мактаби.
23. Стратегик таҳлилнинг Осиё мактаби.
24. Амир Темурнинг ҳарбий ва ташқи сиёсий стратегияси.
25. Ўтиш даври стратегияси: Марказий Осиё давлатлари тажрибаси.
26. Иккинчи жаҳон урушида ҳарбий стратегиянинг ривожланиши.
27. Стратегик таҳлил ва миллий манфаатлар.
28. XXI аср урушларининг стратегик башорати.
29. XXI асрда фан ва технологиялар ривожланишининг стратегик башорати.
30. Давлат ташқи иқтисодий фаолиятининг стратегик таҳлили.

## М У Н Д А Р И Ж А

Кириш .....	3
Сиёсий таҳлил предмети .....	8
Амалий ва назарий сиёсий тадқиқотларни фарқлаш .....	11
Назарий ва амалий тадқиқотчилик таҳлили .....	16
Сиёсий таҳлил кўлами. Сиёсий таҳлилни тушунишга ёндашув .....	21
Сиёсий таҳлилнинг асосий босқичлари ва унинг субъектлари. Сиёсий вазият таҳлили .....	25
Сиёсий истиқболни белгилаш (режалаштириш) .....	33
Сиёсий “олдиндан кўриш” ёки “башорат” масаласи ва уни тадқиқ этишнинг айрим усуллари .....	34
Когнитив ихтилоф (конфликт)ларда қарор қабул қилишни моделлаштириш ва қўллаб-қувватлаш масалалари .....	52
Гуруҳий эксперт баҳолаш усуллари .....	85
Стратегик моделлаштириш .....	120
Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг стратегик таҳлили .....	170
“Стратегик таҳлил асослари” курси бўйича атамалар лугати .....	194
“Стратегик таҳлил асослари” курси бўйича ўқув дастури .....	201

**Стратегик таҳлил асослари**  
**ўқув қўлланма ва дастур**

Akademiya  
Тошкент 2006

Муҳаррир М.Абдуллаева  
Мусахҳиҳ Т.Тоғаев  
Рассом Р.Султонов  
Техник муҳаррир Н.Қурбонова  
Нашр учун масъул Д. Қобулова

Теришга берилди 15.12.06. Босишга рухсат этилди 21.01.07.  
Бичими 84x108<sup>1/32</sup>. Офсет босма. Шартли босма табоғи 13,8.  
Наشريёт ҳисоб табоғи 13,8. Адади 500. Баҳоси шартнома асосида.

«Akadem-xizmat» босмаҳонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент, Ўзбекистон шохқўчаси, 45.